

СИСМ

САМАРАЛИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ МАРКАЗИ

ТИТМ

Иқтисодий тадқиқотлар ва таълим маркази

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ

Тахлилий шарх 2005 йил январ-март



Июн 2005



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE

2005 йил июнда нашр этилди.
Муаллифлик ҳуқуқи Иқтисодий тадқиқотлар ва таълим марказига (ТИТМ) тегишли.
Ҳамма ҳуқуқлар ҳимоя килинган.
Нашр ТИТМнинг ёзма рухсати билан берилади ёки тарқатилади.
Турли хил масалалар бўйча ТИТМга мурожат килинг:
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 700060, Боровский қўчаси, 5
Телефон: (+998-71) 132 17 25; Эл.почта: cerengo@yahoo.com

Ушбу нашр USAID кўмагида ТИТМда тайёрланди.
Ушбу нашр келтирилган натижалар, хулосалар, сўз юритишлар муаллифнинг ўзига
тегишлидир ва Ўзбекистон Ҳукумати ёки USAID фикрларини англатмайди.

Таҳририят

Тамара Рогозникова

Шухрат Шукуров

Орифжон Намозов

Лойиҳа координатори

Турсун Ахмедов

Бўлимларнинг маъсул муаллифлари

Жахонгир Муинов (1-бўлим)

Ринат Яушев (2-бўлим)

Валентина Батурина (3-бўлим)

Элвира Бикеева (3-бўлим)

Фарход Жўрахонов (4-бўлим)

Дилдора Каримова (5-бўлим)

Турсун Ахмедов (6-бўлим)

Маслаҳатчилар

Комил Ахметов

(Иқтисодий ислохотлар лойиҳаси/ USAID)

Хусан Ғаниев

(Иқтисодий ислохотлар лойиҳаси/ USAID)

«Ўзбекистон Иқтисодиёти»нинг ўзбек, рус ва инглиз тилларда электрон нусхаси қуйидаги веб саҳифаларида берилган:
www.bearingpoint.uz

Иқтисодий ислохотлар
Лойиҳаси, USAID.
Ўзбекистан Республикаси,
Тошкент шаҳри, 700031,
блок II-4, Афросиёб кўчаси, 12

Маълумотлар олиш бўйича
қуйидаги манзилгоҳга мурожат
қилинг:

Ўзбекистан Республикаси
Тошкент 700060,
Боровский кўчаси, 5-уй
Тел/Факс: (+998-71) 132 17 25
Эл.почта: cerengo@yahoo.com

Мундарижа

КИРИШ	2
АСОСИЙ ВОҚЕАЛАР	3
АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ	7
1. МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ	7
1.1. Иқтисодий ўсиш	7
1.2. Солиқ-бюджет сиёсати	9
1.3. Пул-кредит сиёсати	11
1.4. Валюта сиёсати	15
1.5. Баҳолар ва инфляция	17
2. ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ	20
2.1. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулкчилик шакллари	20
2.2. Бозор инфратузилмаси	22
2.3. Кичик тадбиркорлик	25
3. ТАРКИБИЙ-ИНВЕСТИЦИОН СИЁСАТ	32
3.1. Саноат	32
3.2. Истеъмол товарлари бозори	35
3.3. Аграр соҳа	37
3.4. Инвестициялар	41
4. ТАШҚИ САВДО	49
4.1. Савдо баланси, экспорт ва импорт	49
4.2. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар	52
5. АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ	59
5.1. Аҳоли даромадлари ва харажатлари	59
5.2. Ички савдо ва хизматлар	61
5.3. Иш билан бандлик ва меҳнат бозори	65
6. ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ	71
ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛАЛАР ҚИСМИ	80
1. БЮДЖЕТ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЁТ УЧУН УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ: ЭКОНОМЕТРИК ЁНДАШУВ	80
2. ЎЗБЕКИСТОННИ ЖСТИГА КИРИШИ: МИЛЛИЙ ТАРМОҚЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ	85
3. ТАЖРИБА ТАРИҚАСИДА ЯГОНА ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ	91

Кириш

“Ўзбекистон иқтисодиёти”ни 2005 йил 1 чораги учун ахборот-таҳлилий шарҳи иқтисодий сиёсатнинг асосий жиҳатларини қамраб олади ва иқтисодиётда макроиқтисодий, институционал, таркибий-инвестиция, ижтимоий, ҳудудий ва ташқи иқтисодий соҳаларда содир бўлаётган ўзгаришлар тенденцияларини очиқ беради.

Макроиқтисодий ҳолат. 2005 йил 1 чорагида мамлакат реал ЯИМ 2004 йилнинг мос давридагидек 4,8%га ўсди. Ўсишнинг асосий омиллари базавий тармоқларни ривожланиши, инвестицияларни ва маҳсулот экспортини кўпайиши ҳисобланади. Қатъий пул – кредит сиёсатини амалга оширилиши ҳисобига инфляция даражаси 2,2%дан юқори бўлмади (ўтган йилнинг декабрига нисбатан % да). Давлат бюджети профицит билан бажарилди ва ЯИМга нисбатан 1,9%ни ташкил этди. Миллий валютани номинал айирбошлаш курси сўмни АҚШ долларига нисбатан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,08%га пасайди.

Институционал ва бозор ислоҳотлари. Янги хусусийлаштириш дастури асосида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш томон йирик қадам ташланди.

1 чорақда 195 дона ишлаб чиқариш корхоналари ва ижтимоий соҳа объектлари нодавлат мулк шаклига айлантирилди. Давлат объектларини сотишдан 16,6 млрд.сўм тушди, бу эса 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан 20,3%га кўпдир. Кичик тадбиркорлик фаолияти фаоллашди. Уларнинг ЯИМдаги улуши 27,8%дан 28,2%гача ўсди.

Таркибий – инвестиция ўзгаришлари. Ички ва ташқи талабни ўсиши ҳисобига саноат ишлаб чиқариши 108,3%, қишлоқ хўжалиги 106,6% ва истеъмол товарлари 116,4%га ўсиш суръатлари ташкил этди. Қўлай макроиқтисодий шароитларни яратилиши инвестиция жараёнларини фаоллашувини таъминлади. Асосий капиталга инвестициялар 4,2%га кўпайди.

Ташқи савдо айланмаси. 1 чорақда ташқи савдо айланмаси 10%га ошган. Бунда умумий ҳажмнинг 57,9 фоизини экспорт ва 42,1 фоизини импорт операциялари ташкил этади.

Экспорт 9,7%га ва импорт 10,4%га ўсди. Ўсишнинг омиллари бўлиб хом-ашё товарларига қўлай баҳолар конъюнктураси ва қайта ишлаш тармоқлари тайёр маҳсулотлари турлари экспортини кўпайиши ҳисобланади.

Хориж инвестициялари иштирокидаги корхоналарда ташқи савдо айланмаси ўсиши 140,6%, экспорт 125,5%ни ва импорт 150,6%ни ташкил этди.

Аҳоли фаровонлиги ва меҳнат бозори. Иқтисодий ўсиш, инфляцияни паст даражаси ва ижтимоий дастурлар пакетини амалга ошириш аҳолини ўртача жон бошига реал пул даромадларини 13,8%га ўсишини таъминлади. Чакана товар айирбошлаш 8,7%га ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 14,2%га ошди. Иқтисодиётда банд бўлганлар сони 3,6%га кўпайди. Туғилишни ўсиши кузатилди. Турли манбалар ҳисобидан 128,3 минг та янги иш ўринлари яратилди.

Ҳудудларнинг ривожланиши. Ҳисобот даврида барча ҳудудлар Ялпи Ҳудудий Маҳсулотни (ЯҲМ) ўсишини таъминлади. ЯҲМ бўйича ҳудудлараро табақаланиш даражаси 6,4 мартадан 5,0 мартагача, саноат ишлаб чиқаришда 19,7 мартадан 16,6 мартагача ва пуллик хизматлар бўйича 12,0дан 10,1 мартагача қисқарди.

Таҳлилий шарҳга бюджетни тартибга солишни макроиқтисодий тенденциялари, ЖСТ кириш шароитида саноатни алоҳида тармоқларини ҳимоя қилиш муаммолари ва ягона ер солиғини ҳисоблаш амалиётини таҳлили киритилган.

Нашрнинг маълумот асоси бўлиб ЎзР Давлат Статистика Қўмитаси, ЎзР Молия Вазирлиги, ЎзР Марказий банки, ЎзР Давлат мулк қўмитаси, маҳаллий ва хориж матбуотлари маълумотлари шунингдек, ишланмалар, баҳолаш, муаллифларнинг ҳисоб-китоблари ва чизма намойишлари ҳисобланади.

Асосий воқеалар.

январь

2005 йилнинг 7 январида ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Унда россиянинг «Вимм – Билль - Данн» компанияси томонидан ташкил этилаган сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «VBD Tashkent» ОАЖ фаолият ваколатлари белгилаб берилди. Мазкур қарорга асосан, корхона 7 йил мобайнида даромад солиғидан ҳамда олиб кириладиган технологик ускуналар учун божхона тўловларидан (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўловлардан ташқари) озод этилди. Корхона 5 йил мобайнида барча маҳаллий тўлов ва йиғимларни тўлашдан озод этилди. Қарорнинг яна бар муҳим томони, корхонага фермер ва деҳқон хўжаликари ҳамда жисмоний шахслардан сут маҳсулотларини нақд пулга сотиб олишга рухсат берилди.

2005 йилнинг 12 январида ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг сонли «Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Мазкур қарор All Americas International INC америка компанияси томонидан сотиб олинган корхонада чой қадоқлаш хажмини оширишга бағишланди. Янги барпо этилган хорижий корхона республиканинг 2005-2006 йилларга бўлган инвестицион дастурига критирилди. Ишлаб чиқариш фаолиятининг бошланиши билан корхона икки йилга барча турдаги божхона тўловларидан (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўловлардан ташқари) озод этилади.

Марказий сайлов камиссиясининг Матбуот марказида сайлов натижаларига бағишланган пресс-конференция бўлиб ўтди. Унда салкам 4 ой давом этган сайлов компаниясига яқун ясалди. Қонунчилик палатасига 120 нафар депутат сайланди. Вилоят халқ депутатлари кенгашларининг йиғилиши бўлди ва унда парламентнинг юқори палатасига 84 нафар сенатор сайланди. Президент фармонида кўра 16 нафар сенатор таниқли шахслар, Фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш ва давлат ва жамиятнинг фаол хизмат кўрсатган шахслари орасидан тайинланди.

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмиталарининг 2005 йилнинг 14 январидаги қарорига кўра Кипр, Мальта, Словения давлатлари нисбатан қулай алоқалар қилиш мумкин бўлган давлатлар рўйхатига киритилди.

ЎзР ТИААда Япониянинг Россия ва Шарқий Европа мамлакатлари билан савдо алоқаларини ўрнатиш бўйича нотижорат ассоциацияси (РОТОБО) мутахассислари иштирокида "Тижорат корхоналарни бошқариш тизими" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Марказий Осиё мамлакатларида саноатни ривожлантириш лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Лойиҳанинг мақсади автомобилсозлик, электротехника саноати ҳамда маиший техникалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга консалтинг хизматларини кўрсатиш ҳисобланади

2005 йилнинг 1 чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги қарори билан тўқимачилик саноатига 2005-2008 йиллар мобайнида инвестицияларни жалб қилиш Дастури тасдиқланди. Мазкур дастур юқори қийматга эга бўлган юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларнинг 80%дан кам бўлмаган миқдорини экспорт қилишни кўзда тутди. Қарорга мувофиқ дастурга киритилган корхоналарга бир қатор имтиёзлар берилган, ҳамда технологик ускуналар учун божхона тўловларидан (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўловлардан ташқари) озод этиш белгилаб қўйилган

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ўзбекистон Республикаси ва Германия федератив республикаси ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди. Битимга кўра Германия ҳукумати Ўзбекистон Республикасига «Туберкулез билан курашиш» лойиҳасини амалга ошириш учун 2,5 миллион евро миқдорига грант ажратади. 2000 йилдан буён ГФР ҳукумати шу мақсадларга DOTS лойиҳаси орқали медицина ва техник ускуналар харид қилиш 7,5 миллион евро ажратган. Бундан ташқари Германия ҳукумати Ўзбекистонда инфорацион технологиялар соҳасида малакали таълим учун 1,2 миллион евро миқдорига имтиёзли кредит ажратди.

Юз километрлик Тошкент-Ангрен темир йўлининг 30 километри қуриб битказилди. Кучлук станциясигача электропоездлар қатнови йўлга қўйилди. Мутахассислар фикрича электропоездлардан фойдаланиш тепловозларга қараганда харажатларни қиқартиради, поезднинг тезлиги ва қувватини оширади, шовқинни йўқ қилади ҳамда атроф муҳитни ифлосланишдан асрайди. "Ўзбекистон темир йўллари" Компанияси темир йўллари электрлаш ишларини давом эттириб, келгусида Бухорога қадар электр магистралини ётқизишни режалаштирмоқда.

Ўзбекистон Банклар Ассоциациясида “Ўзбекистонда пластик карточкаларни қўллаш ёрдамида нақд пкслсиз тўлов тизимини ривожлантириш” мавзусидаги семинар бўлиб ўтди. Унда республикада фаолият олиб бораётган тижорат банкларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари иштирок этдилар. Умумреспублика процессинг маркази томонидан DUET банклараро тўлов тизими доирасида 477 мингдан ортиқ микропроцессор пластик карточкалар ишлаб чиқарилди. Жами бўлиб жорий йилда мазкур йўл орқали банклараро нақд пулсиз тўловлар айланиши 3,4 миллиард сумни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш тармоғи 1900 савдо терминаллари ва 170 банкоматга кўпайтирилди.

Ўзбекистонга Кореянинг кичик ва ўрта бизнес федерацияси делагацияси ташриф буюрди. Ташриф доирасида Халқаро бизнес марказида “Ўзбекистонда бизнес қилинг” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон савдо саноат палатаси, ТИАА, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги мазкур семинарнинг ташкилотчилари бўлдилар. Бугунги кунда республикада Корея компанияларининг 28 та ваколатхонаси фаолият юритмоқда, 127та корхона корейс капитали иштирокида ишламоқда.

2005 йилнинг 26 январида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Сихат саломатлик йили дастури тўғрисида”ги қарорга мувофиқ Давлат дастурининг асосий йўналишлари қуйидагилар этиб белгиланди: а) оналик ва болаликни химоя қилиш бўйича лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш; б) аҳолининг айниқса қишлоқ жойларда гигиеник билимлари ва маданиятини ошириш; в) наркомания, чекиш, юқумли кассаликларга қарши айниқса туберкулез ва ВИЧ/СПИДга қарши мақсадли тадбирларни амалга ошириш; г) нафақахўр ва ногиронларнинг соғлиғини сақлаш бўйича чора тадбирларни кучайтириш; д) соғлиқни сақлаш тизимига кириш имкониятларини; е) атроф муҳитни химоя қилиш, экологик меъёрларни тадбиқ этиш, хар бир аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда Президент И.Каримов кириш нутқи билан чиқди. Маърузада Президент ўтган сайловлар натижалари, келажакда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг истиқболдаги режалари ҳақида тўхталиб ўтди.

Февраль

Давлат мулк қўмитаси раҳбарияти Жаҳон банки вакиллари билан учрашдилар. Унда Ўзбекистон Республикасида хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлаш бўйича, хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятига давлатнинг аралашувини камайтириш бўйича аниқ чора тадбирлар кўриб чиқилди

Иқтисодиёт вазирлигида эксперт гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди, унда Халқаро молия корпорациясининг (МФК) “2003 йил натижалари бўйича Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳити кичик ва ўрта бизнес вакиллари нигоҳида” хисоботида кўрсатилган чора тадбирларни муҳокамаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо саноат палатаси ҳукуматга кичик бизнесни қўллаб қувватлаш бўйича таклифларни тақдим этди. Унга кўра кичик ва хусусий бизнесга солиқлар бўйича қўшимча имтиёзлар бериш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда ариза асосига ўтиш таклиф этилган.

«Интерконтиненталь» мехмонхонасида «Молиявий хизматлар» кўрғазмаси бўлиб ўтди. Унда республика банклари, консалтинг, сугурта, баҳолаш компаниялари ва кредит уюшмалари иштирок этдилар. Кўрғазмадан кўзланган мақсад кредит олишда оптимал ечим топиш, инвестициялар манбаи сифатида тадбиркорликни ривожлантириш ва лизинг операцияларини кегайтириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 10 феврилидаги «Уй – жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида уй-жой мулкдорлари ширкатларини асосий вазифаси аниқланган, жумладан: а) уй-жойлар ҳамда уйлар яқин атрофидаги ҳудудларни техникавий ва санитария жиҳатдан яхши ҳолатда сақлаш, уй-жой фондини куз-қиш фаслига тайёрлаш ва ундан фойдаланиш масалаларида УМШнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш; б) уй-жой фондининг техникавий ҳолатини сақлаш, уй-жойларни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек авария-қайта тиклаш ишларини ўтказиш масалалари бўйича УМШнинг эксплуатация, авария-таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш; в) УМШнинг моддий-техника ресурслари ва сифатли уй-жой коммунал хизматларига бўлган талаб эҳтиёжларини қондирадиган тўлақонли бозор инфратузилмасини ташкил қилишга кўмаклашиш; г) УМШнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишда ёрдам кўрсатиш; д) уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кадрлари ҳамда раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш.

Коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш ва маъсулиятини ошириш, тарифларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2005 йил 11 февралда қабул қилинган Қарорда қуйидагилар белгиланган: а) 2005 йил 1 июлдан бошлаб уй-жойлар ичидаги сув ўтказгичлари, канализация, иссиқлик, электр тармоқлари ва қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш харажатлари уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ)да жамланган уй-жой мулкдорларининг маблағлари ҳисобидан қопланади ва тегишли равишда, совуқ сув, иссиқлик ва электр энергияси етказиб берувчи корхоналарнинг харажатларига киритилмайди; б) уй-жой мулкдорлари ширкатларига берилган солиқ имтиёзлари уй-жой мулкдорлари ширкатларининг профессионал бошқарувчи компанияларига жорий этилсин; в) коммунал хизматлар учун аҳоли томонидан ҳақ тўлаш истеъмолчиларнинг ихтиёрига кўра барча тижорат банки бўлимлари ва тўловларни қабул қилиш кассалари орқали чекловларсиз амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин; г) уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатилган коммунал хизматлар, шу жумладан уй-жойларнинг эксплуатация харажатлари учун аҳолидан нақд пул маблағларини кассаларни четлаб мустақил йиғиш тақиқлансин.

Аҳолининг уй жойга бўлган талабларини қондириш, уй жой қурилишини айниқса қишлоқ жойларда тезлаштириш, қурилишда узоқ муддатли имтёзли ипотекали кредитлаш тизимини жорий қилиш мақсадида 16 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилиниб, унда “Ипотека-банк” акционерлик тижорат банкни ташкил этиш белгилаб қўйилди. Кредит бинолар, қурилишлар ва қурилиши битмаган иншоотларни гаровга қўйиш орқали 15 йилдан кам бўлмаган даврга 2 йиллик имтиёзли давр билан, йиллик 5%дан кўп булмаган, бирламчи қўйиш суммаси 20%дан кўп бўлмаган тартиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда 2004 йилнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг натижалари ҳамда истиқболда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари муҳокама этилди.

“Интерконтиненталь Тошкент” меҳмонхонасида Ўзбекистон кимё саноати корхоналарини хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалаларига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. Тақдимот ташкилотчиси “Узкимесаноат” ДАК бўлди.

Март

Импорт опрециялари бўйича божхона тариф тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига алоҳида товарларни олиб киришни тартибга солиш, рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида ЎзР Вазирлар Маҳкамаси 11 мартда «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорини эълон қилди.

Ўзэкспомарказда “Қурилиш ва интерьер, иситиш ва вентиляция -UzBild 2005” ва “Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари - MebelExpo Uzbekitan” халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда жaxonинг 14 мамлакатидан 60 дан ортиқ компаниялар иштирок этди. Мазкур кўргазманинг ўтказилиши мамлакатимиз ва хорижий корхоналар орасида мебал маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сифат технология масалалари бўйича тажриба алмашишига кўмаклашди.

ХВФнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё департаменти Джон Вейкман-Линн билан музокаралар олиб борилди. Миссия вакиллари хусусийлаштириш ва инвестициялар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш бўйича олиб борилаётган чора тадбирлар ҳақида батафсил ахборот берилди. Миссия Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасидаги амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолади.

ЎзТХАБда валюта савдо майдончаси очилди. Унда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг миллий валютага сотиш амалга оширилади. ТХАБнинг савдо майдончаси орқали экспортга хар қандай товарларни сотса бўлади.

“Марказий Осиё+Япония” ташкилотининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиёнинг 5 та мамлакати ва Япония вакиллари иштирок этдилар. Бир овоздан келгусидаги ҳамкорлик қуйидаги 5 йўналишда олиб борилиши қайд этилди: сиёсий музокара, минтақа ичидаги ҳамкорлик, бизнесни рағбатлантириш, интеллектуал музокара, маданий алоқалар ва инсон ресурслари билан алмашиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005-2006 йилларда давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»га фармон эълон қилинди. Фармон иқтисодиётнинг хусусий

секторини ривожлантиришга, корхоналарнинг инвестицион муҳитини яхшилашга, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга қаратилган.

Тошкентда "МС Консалт" ООО, RWTUV халқаро сертификация ташкилоти (Германия), TUV Academy тренинг компанияси (Германия) ва маҳаллий етакчи консалтинг компаниялари томонидан ташкиллаштирилган "Сифат бўйича менежер" ихтисослашган клубнинг биринчи йиғилиши ҳамда "Жараёнлар критерияси – сифат асоси, ISO 9001 бўйича сифатни бошқариш" мавзусидаги биринчи семинар бўлиб ўтди. Семинар маҳаллий ишбилармонлар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифатини ошириш ва бошқарувини такомиллаштиришга, корхоналарга менежмент тизмини такомиллаштиришда квалификациян ёрдам кўрсатишга йўналтирилди.

Италиянинг Ровиго провинцияси савдо саноат ассоциацияси ташаббуси, Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси қўмагида MDI Taskent & Towers меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлари билан учрашув ўтказилди. Учрашувдан кўзланган мақсад маҳаллий ҳамкорлар билан алоқаларни ўрнатиш, саноат ишлаб чиқаришидаги замонавий технологиялар ҳақида маълумотлар олиш, ўзаро ҳамкорлик алоқалари имкониятларини муҳокама қилиш бўлди.

Тошкент шаҳрида «Озиқ овқат индустрияси – UzFood 2005» 5 чи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Беларусия, Буюк Британия, Германия, Қозоқистон, Молдова, Полша, Россия, Туркия, Украина, Чехия, Швейцария давлатларининг озиқ овқат етказиб берувчи, ускуналар етказиб берувчи, қадоқлаш ускуналари етказиб берувчи 60 дан ортиқ компаниялари иштирок этдилар.

Тошкентда CHF International и Counterpart Internationalнинг Бирлашмаларнинг инвестицион фаолияти Дастури (ПИДС) доирасида семинар бўлиб ўтди. Семинарда республиканинг жанубий вилоятларида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича аниқ масалалар муҳокама этилди.

Қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш ва олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, қурилиш материаллари ассортиментини кенгайтириш, уларга бўлган ички таълабни қондириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида 23 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисидаги» фармони қабул қилинди.

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

1. Макроиқтисодий сиёсат

1.1. Иқтисодий ўсиш.

2005 йил 1 чорагида макроиқтисодий барқарорликни сақлаш, иқтисодиётда хусусий сектор роли ва аҳамиятини ошириш бўйича қабул қилинган чораларнинг амалга оширилиши ЯИМ ўсиши тенденциясини сақлаш имкониятини берди. Иқтисодиётни янада ўсишининг асосий омиллари Ўзбекистон экспортига ташқи талабнинг ўсиши тенденциясининг сақланиши ва шунингдек, иқтисодиётни реал секторлари тармоқларини барқарор ишлаши таъсир кўрсатди.

2005 йил 1 чорагида ЯИМ номинал кўринишда 2029,7 млрд. сўмни ташкил этди. Реал ЯИМни ўсиши 1 чорада 4,8% даражасида барқарорлашди ва иқтисодиётнинг негиз тармоқларини динамик ривожланиши (5,3%), асосий капиталга инвестицияларни кўпайиши (4,2%), экспортни ўсиши (9,7%) ҳамда маълум даражада ички ижтимоий барқарорлик тенденциясини сақланиши ва ташқи иқтисодий конъюнктуранинг яхшиланиши ҳисобига таъминланди (1.1.1 – жадвал, 1.1.1 – чизма).

1.1.1 - жадвал. 2004-2005 йилларнинг 1 чорагида иқтисодиётни ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари (%да)


	2004	2005
ЯИМ (ишлаб чиқариш)	104,8	104,8
Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа)	104,9	105,3
Саноат ишлаб чиқариши	108,8	108,3
Экспорт	131,5	109,7
Асосий капиталга инвестиция	99,6	104,2
Инфляция (утган йилнинг декабр ойига нисбатан мартда)	101,1	102,2
Давлат бюджетининг ижро этилиши даражаси (ЯИМга нисбатан %да)	4,0	1,9
Валюта курси	1,0	2,1
Ишсизлик даражаси (давр охирига)	0,4	0,4

Манба: ЎзР Давлат Статистика қўмитаси.

Шунингдек, ЯИМни ўсиши суръатларининг ошишига инфляциянинг паст даражаси (2,2%), давлат бюджетини профицит билан бажарилиши (ЯИМга нисбатан 1,9%) ва миллий валютани секинлик билан девальвация қилиниши (2,1%дан кам) сабаб бўлди.

Товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ҳуқуқий шахслар даромадларига солиқ ставкалари 2004 йилдаги 18%дан 2005 йил 1 – чорагида 15%гача камайтирилди, асосий капиталга

1.1.1 - ч. Иқтисодиёт тармоқларида қўшилган қийматнинг ўсиши (%да)




Манба: ЎзР Давлат Статистика қўмитаси.

инвестициялар – 0,4%дан 4,2%га ўсди, саноатда реал қўшилган қиймат 2004 йил 1- чорагига нисбатан - 4,9%га, қишлоқ хўжалигида – 6,6%га, қурилишда – 1,3% ва хизматларда 5,6%га (шу жумладан, транспорт ва алоқа - 7,6%, савдо ва умумий овқатланиш – 9,0%, бошқа тармоқлар ноишлаб чиқариш соҳаларини ҳам қўшганда 2,5%) ўсди (1.1.1 – чизма).

ЯИМни 4,8% ўсишида (2004 йилда 4,8%) саноат улуши 1,13% (1,15%), қишлоқ хўжалиги 0,64% (0,74%), қурилиш 0,06% (0,07%), хизматлар соҳаси 2,48% (2,50%) (шу жумладан, транспорт ва алоқа 0,89% (0,50%), савдо ва умумовқатланиш 1,06 (1,38%), бошқа тармоқлар ва хизматлар 0,53% (0,63%)) ва соф солиқлар 0,53% (0,64%) улуши ташкил этади (1.1.2 – чизма).

1.1.2 - чизма. Иқтисодийнинг алоҳида тармоқлари ва секторларининг ЯИМнинг ўсишидаги улушининг динамикаси (ЯИМнинг ўсиши %да)



Манба: ЎзР Статистика Давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

рақобатбардош маҳсулотларида Ўзбекистоннинг асосий савдо шериклари МДҲ мамлакатлари ва узоқ хориж давлатларида талабнинг ошиши натижасида саноатни улушини ошиши (22,9%дан 27,4%гача) кузатилди. Бундан ташқари саноатни техник ва технологик базасини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чоралар, менежментни илғор усулларини жорий қилиш, тайёр ва маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш натижасида саноат ишлаб чиқаришни ўсиши 8,3%ни ташкил этди. Бунга асосан машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 49,5%га, қора металлургия – 27,4%, қурилиш материаллари - 4,4%, енгил саноат – 13,1%га, кимё ва нефт-кимё саноати – 7,3%га ўсиши ҳисобидан эришилди (2.1.2 – жадвал).

Саноатни ЯИМни ўсишидаги ҳиссаси 1,13% - 1,15%га барқарорлашуви маълум даражада иқтисодийнинг ушбу тармоғини тахникавий ва технологик базасини такомиллаштириш ва таъмирлашда амалга оширилган чораларни самарасига боғлиқ бўлди. Ўз навбатида ЯИМни ўсишида соф солиқлар улушини 0,11 фоиз даражага пасайишига иқтисодийнинг реал секторларида солиқ тушумларини камайтириш бўйича қабул қилинган чоралар натижасида эришилди.

ЯИМни ишлаб чиқариш таркибида маълум даражада республика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган

1.1.2 - жадвал. ЯИМнинг ўсиши ва ишлаб чиқариш таркиби

Давр	ЯИМ		ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркиби, %				
	Мос йиллардаги жорий баҳоларда, млрд. сум	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % (таққослама баҳоларда)	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш	Хизматлар соҳаси	Соф солиқлар
2000	3255,6	103,8	14,2	30,1	6,0	37,2	12,5
2001	4925,3	104,2	14,1	30,0	5,8	38,2	11,9
2002	7450,2	104,0	14,5	30,1	4,9	37,9	12,6
2003	9837,8	104,4	15,8	28,6	4,5	37,4	13,7
2004	12189,5	107,7	17,1	26,8	4,5	37,6	14,0
04/1	2029,7	104,8	22,9	9,7	4,9	44,6	17,9
05/1	2504,0	104,8	27,4	9,1	4,9	45,1	13,5

Манба: ЎзР Статистика Давлат қўмитаси

Саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни ўсишини маълум даражада Россия ва бошқа МДҲ мамлакатларида автомобилларга бўлган талабнинг ошиши, шунингдек, яқка тартибда уй-жой қурилишини ўсиш тенденциясини сақланиб қолаётганлиги қурилиш материалларига бўлган ички талабни ошиши, қора металллар прокати ишлаб чиқариш қувватларини киритишга ва сиқилган газ ва автомобил бензини ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни кўпайиши таъминланди.

1.1.4 - жадвал. ЯИМнинг ишлатилиш таркиби (%)

Давр	Якуний истеъмолга харажатлар жами, %		Ялпи жамғариш, %		Соф экспорт, %
	Хусусий	Давлат	Асосий капиталга ялпи ички инвестиция*	Заҳираларнинг ўзгариши ва бошқалар	
2000	61,9	18,7	24,0	-4,4	-0,2
2001	61,5	18,5	27,9	-6,8	-1,1
2002	60,2	18,0	22,1	-0,9	0,6
2003	55,6	17,5	21,0	-0,3	6,2
2004	51,7	17,1	22,1	1,8	7,3
04/1	51,8	24,4	24,5	-15,7	15,0
05/1	50,4	23,3	26,5	-14,5	14,3

Манба: ЎзР Статистика Давлат қўмитаси
* соф яратилган қийматлар билан.

ЯИМнинг фойдаланиш таркибида асосий капиталга инвестицияларни 24,5%дан 26,5%га ўсиши ва моддий айланма воситалар заҳираларини ўзгариши (15,7%дан 14,5%гача) натижасида ялпи жамғариш ошганлиги таъкидланди (8,8%дан 12,0%гача) (1.1.4 – жадвал). Бунда маълум даражада асосий капиталга инвестицияларни ўсишини жадаллашганлиги таъсир кўрсатди (0,4%дан 4,2%гача).

Асосий капиталга инвестицияларни ўсиши республика корхоналарини экспортга йўналтирилган маҳсулотларига қулай конъюнктуранинг сақланиб қолаётганлиги, аҳолини реал даромадларини ошиши ва саноат товарлари ва хизматларга ички талабнинг ўсиши каби тенденциялар натижасида иқтисодийнинг реал секторлари тармоқлари ривожланишида ижобий жараёнларнинг содир бўлаётганлигидан далолат беради.

Ялпи жамғаришни кўпайиши пировард истеъмолда харажатлар улушини 76,2%дан 73,7%гача пасайишига таъсир кўрсатди. Бу асосан уй хўжалиқларини пировард истеъмолида харажатлари улушининг (51,8%дан 50,4%гача) ва давлат бошқаруви ташкилотларини қайта куриш ва ишловчилар сонини қисқартириш натижасида давлат бошқарувида харажатларнинг қисқариши (24,4%дан 23,3%гача) ҳисобидан содир бўлди.

2005 йил 1 чорагида ташқи бозорда қулай конъюнктуранинг сақланиб қолаётганлиги, Ўзбекистон корхонларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, асосий савдо шериклари бўлган МДХ мамлакатлари ва узоқ хориж давлатларини иқтисодийетини ўсиши ҳамда истеъмолни ошириш натижасида экспорт товарларига талаб юқориликча қолмоқда. Ташқи бозорга маҳсулот етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар, реал секторни экспортга йўналтирилган тармоқларини бир меъёрга ишлашлари ва ташқи савдони эркинлаштириш бўйича қабул қилинган чоралар натижасида экспорт 9,7%га ошди (пахта толаси – 1,17%, рангли ва қора металллар – 1,53 %, хизматлар 9,3%) ва ЯИМда соф экспорт улуши 14,3%ни ташкил этди.

1.2. Солиқ-бюджет сиёсати

Солиқ юки муаммоси ўтиш даври иқтисодийетини давлатларида кескин намоён бўлмоқда. Иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни чуқур ва кенг қамровли эканлиги солиқ юки муаммосини ўрганишни юқори аҳамиятга эга эканлигини аниқлайди. Фискал ва рағбатлантирувчи вазифалари ўртасидаги мутаносиблик таркибий ва институционал ислохотларни тактикаси ва стратегияси вазифалари ва устивор йўналишларига мос келиши керак. Фискал сиёсат нафақат ижтимоий секторни ривожлантириш ва барқарорлиштиришни макроиқтисодий дастаги, балки бозор институтлари ривожланиши, тадбиркорлик капитали ва уй хўжалиқлари даромадларининг кўпайиши, ҳудудларни асимметрик ривожланишини босиб ўтишлари ва индустриал сиёсатга таъсир кўрсатишни асосий дастакларидан ҳисобланади.

2005 йилда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари. 2005 йилда солиқ-бюджет сиёсатини асосий мақсадлари барқарор иқтисодий ўсиш учун шароитни, солиқ тизимини ва давлат маблағларидан оқилона фойдаланишни такомиллаштириш орқали молиявий ресурсларни қайта тақсимлашда давлатни иштирокини самарадорлигини ошириш асосида республика аҳолисини реал даромадларини кўпайтиришни таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу иақсадга мувофиқ 2005 йилда солиқ-бюджет сиёсатини асосий вазифалари куйидагилардан иборат: иқтисодийетда солиқ юкини келажакда янада пасайтириш; солиққа тортишнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш; самарасиз давлат харажатларини қисқартириш ва уларни муқобиллаштириш. Бундан ташқари Солиқ кодексини янги таҳририни ишлаб чиқилмоқда. Унда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўнлаши сифатида солиқ сиёсатини ривожлантириш, солиқларни рағбатлантирувчи ва тартибга солувчи ролини кучайтириш, солиқ тизимини мажмуавийлиги ва очиқлини ошириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

2004 йил 24 декабрда ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан “ЎзР Давлат бюджетини 2005 йилдаги параметрлари ҳақида»ги қабул қилинган Қарорида 2005 йилда Республикани солиқ сиёсатидаги ўзгаришлари кўрсатилган. Жумладан, ҳуқуқий шахслар даромадлари (фойдаси)га солиқлар ставкаси 2004 йилда амал қилган 18% ўрнига 15% миқдорида ўрнатилган. Бунда ЎзР Вазирлар Маҳкамасини 21.12.2004 йилдаги ЎзР қонунини амалда қўллаш бўйича чора-тадбирлар ҳақида “Фуқароларни жамғариладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қарорининг 2 – пунктига мувофиқ амал қилаётган ставкалар бўйича ҳисобланган бюджетга тўлаш учун солиқ миқдори фуқароларни яқка тартибдаги пенсияларини жамғариш ҳисоб-рақамларига йўналтирилган ҳар ойда тўлашга мажбур бўлган бадаллари суммасига камайтирилди (ҳисобланган иш ҳақидан 1%). Республикада ишлаб чиқариладиган ўсимлик ёғи ва тамаки маҳсулотларига акциз солиғини ҳисоблаш учун белгиланган ставкалар ўрнатилган. Иш ҳақи фондидан олинаётган ижтимоий солиқларни ягона ставкаси 33%дан 31%га пасайтирилган. Солиқ солишни енгиллаштирилган тизимини қўллаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкаси 13%дан 12%гача пасайтирилган.

Хўжалиқ юритувчи субъектлар солиқларни ўз вақтида тўлаши ва йиғимлар бошқа мажбуриятлари бўйича молиявий интизомни мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган чоралар давлат бюджети даромад қисмини 2005 йил 1 чорагида 728,8 млрд.сўм ёки башорат қилинганига нисбатан 103%га бажарилишини таъминлади.

Давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан 29,1%ни ташкил этди ва 2004 йил 1 чорагига нисбатан 1,1 фоиз даражага кам бўлди (1.2.1 – жадвал). Давлат бюджети даромадларини

шакллантирувчи асосий сорлиқлар бўлиб ҚҚС, акцизлар, ҳуқуқий шахслар даромадларидан (фойдасидан) солиқлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқлари ҳисобланади. Ушбу солиқларни йиғиш орқали жорий йилнинг 1 чорагида давлат бюджетининг 60% даромадлари шакллантирилди ва уларнинг улуши ЯИМга нисбатан 17,5%ни ташкил этди.

Ҳуқуқий шахсларни даромадларига солиқлар ставкасини (18%дан 15%гача) пасайтирилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ихтиёрида қоладиган фойдасидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантиришга йўналтирилаётган улушини ошириш, ўз маблағларини кўпайтириш ва ишловчилар меҳнатини рағбатлантиришни ошириш имконини берди. Бу эса маълум даражада солиққа тортиш базасини кенгайтиришга ва тўғри солиқлар улушининг ошишига олиб келди (7,4%дан 8,0%гача). Акциз солиқларини ҳисоблаш учун белгиланган ставкаларни ҳисоблаш учун белгиланган ставкаларни қўллаш натижасида ювиш совунлари, гуруч-сули, нефт ва газ конденсатларига акциз солиғини бекор қилиниши ва табиий газга акциз солиғини пасайтирилиши (19%гача) ЯИМда эгри солиқлар улушини камайишига олиб келди (18,3%дан 13,9%гача). Ресурсларга солиқ ставкаларини ошириш (табиий газ, газ конденсатлари ва нефт) шунингдек, бошқа табиий ресурсларга амал қилаётган ставкаларнинг 1,3 марта индексация қилиниши натижасида ресурс тўловлари ва мулк солиқлари бўйича тушумлар ортган (2,9%дан 5,3%гача).

Тўғри солиқлар таркиби таҳлили кўрсатишича, жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқлар улуши, аксарият жиҳатдан фуқароларни шахсий жамғариш пенсия ҳисоб-рақамларига йўналтирилган ҳар ойда тўланадиган бадаллари миқдорига

1.2.1 - жадвал. Давлат бюджетининг даромадлар таркиби (ЯИМга нисбатан %да)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1*
Даромадлар	28,5	26,0	25,2	24,2	23,7	30,2	29,1
Тўғри солиқлар	7,5	7,4	6,8	6,4	6,0	7,4	8,0
Эгри солиқлар	16,0	13,5	13,8	14,0	13,8	18,3	13,9
Мулк солиғи ва ресурс тўловлари	2,8	2,4	1,9	2,3	2,6	2,9	5,3
Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқлар	0,3	0,3	0,5	0,4	0,4	0,5	0,6
Бошқа даромадлар	1,9	2,4	2,2	1,1	0,9	1,1	1,3

Манба: ЎзР Молия вазирлиги
*- олдиндан тайёрланган маълумотлар

ушбу солиқни камайиши натижасида 47,8%дан 45,5%гача пасайган. Шу билан бир вақтда кичик фирмалар ва кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ улушини ошириш кузатилмоқда (10,6%дан 10,9%гача), бу эса маълум даражада солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини қўллаётган кичик фирма ва кичик корхонлар учун ягона солиқ ставкасини пасайтирилиши билан боғлиқ (13%дан 12%гача) (1.2.2 – жадвал). Ушбу хулосани кичик корхоналарни даромадаларини ўсишига ушбу солиқни таъсирини эконометрик таҳлили натижалари ҳам тасдиқлайди, яъни солиқ ставкасини 1 фоиз даражага қисқартириш натижасида, уларнинг даромадлари инфляцияни¹ ҳисобга олганда 11,9%га ошади.

1.2.2 - жадвал. Тўғри солиқлар таркиби (жамига нисбатан %да)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1*
Тўғри солиқлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Корхоналар фойдасидан солиқ	49,4	39,7	34,4	34,1	29,9	28,0	30,7
Савдо ва умумовқатланиш корхоналарининг ялпи даромадидан солиқ	-	-	-	-	8,5	8,6	8,3
Солиқ тўлашнинг соддалаштирилган тизими (СТСТ) асосида микрофирма ва кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ	-	7,8	13,1	14,1	10,2	10,6	10,9
Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ	44,5	44,9	45,6	46,7	46,2	47,8	45,5
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларни даромадидан олинадиган солиқ	6,1	7,6	6,9	5,1	5,2	5,0	4,6

Манба: ЎзР Молия вазирлиги
*- олдиндан тайёрланган маълумотлар

Эгри солиқлар таркибини таҳлили шундан далолат берадики, таҳлил қилинаётган даврда акциз солиғининг улушини пасайиши (53,7%дан 38,2%гача), жисмоний шахслар томонидан бензин, дизел ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газдан фойдаланганлиги учун келиб тушган солиқлар улушини ортиши (2,6%дан 4,0%гача), шунингдек, импортни ўсиши оқибатида бож тўловлари улушини кўпайиши (3,5%дан 4,8%гача) натижасида қўшилган қийматда солиқлар улуши (37,4%дан 50,6%гача) ортган (1.2.3 – жадвал).

1 С. Чепель. Бюджет соҳасини тартибга солишда макроиқтисодий тенденциялар ва уларнинг иқтисодий ўсими учун оқибатлари: эконометрик ёндашув «Ўзбекистон иқтисодиёти» таҳлилий шарҳида № 9. 2005 йил.

ЯИМга нисбатан **бюджет харажатлари** 26,2%дан 27,2%гача, яъни бир даража фоизга ўсган (1.2.4 – жадвал). Бу асосан ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарф қилинган харажатларни кўпайиши ҳисобидан содир бўлди. Республикани ривожлантиришга давлат аралашувини чеклаш бўйича қабул қилинаётган чоралар натижасида иқтисодиётга харажатлар улуши (3,4%дан 3,1%гача) ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришни (4,0%дан 3,7%гача) пасайиши кузатилган.

1.2.3 - жадвал. Эгри солиқлар таркиби (жамига нисбатан %да)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1*
Эгри солиқлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Кўшилган қийматга солиқ	47,3	48,8	43,9	39,6	39,1	37,4	50,6
Акциз солиқлари	48,4	46,3	48,3	51,3	52,3	53,7	38,2
Божхона божлари	2,0	2,7	2,9	3,0	3,3	3,5	4,8
Жисмоний шахслардан ягона божхона тўлови	2,3	2,2	2,4	3,3	2,3	2,8	2,4
Жисмоний шахслардан бензин, дизел ёқилғиси ва транспорт учун газ истеъмоли учун олинадиган солиқ	-	-	2,5	2,8	3,0	2,6	4,0

Манба: ЎзР Молия вазирлиги

*- олдиндан тайёрланган маълумотлар

1.2.4 - жадвал. Давлат бюджетининг харажатлар таркиби (ЯИМга нисбатан %да).

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1*
Харажатлар	29,5	27,0	25,8	24,6	24,6	26,2	27,2
Ижтимоий соҳага	10,4	10,2	9,8	9,3	9,3	9,2	11,5
Ижтимоий ҳимояга	2,3	2,1	2,0	2,1	1,8	2,2	2,0
Иқтисодиёт учун харажатлар	3,0	2,3	2,3	3,0	3,1	3,4	3,1
Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари	6,0	5,0	4,7	3,3	2,7	4,0	3,7
Давлат ҳокимияти, бошқарув ва суд органларига харажатлар	0,6	0,6	0,5	0,5	0,5	0,5	0,8
Бошқа харажатлар	7,2	6,8	6,5	6,4	5,6	6,9	6,1

Манба: ЎзР Молия вазирлиги

*- олдиндан тайёрланган маълумотлар

1.2.5-жадвал. Давлат бюджетининг бажарилиш даражаси (ЯИМга нисбатан %да)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Дефицит (-).	-1,0	-1,0	-0,8	-0,4	-0,4	4,0	1,9
Профицит (+).							

Манба: ЎзР Молия вазирлиги

2004 йилда давлат бюджети профицит билан бажарилди ва ЯИМга нисбатан 1,9%ни ташкил қилди (1.2.5 – жадвал). 2005 йил 2 чорагида солиқ юкини пасайтириш ва давлат харажатларини муқобиллаштириш бўйича чораларни амалга оширилиши давом этмоқда.

1.3. Пул-кредит сиёсати

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг (ЎРМБ) пул-кредит сиёсати. Мамлакат иқтисодиётининг узоқ даврда ўсиши учун шарт-шароитни шакллантиришни муҳим элементларидан пул ресурсларини иқтисодиёт тармоқлари, корхоналар ўртасида, шунингдек, давлат билан уй хўжаликлари ўртасида самарали тақсимлашга қодир бўлган молия бозори ҳисобланади. Иқтисодиётни ривожланишини ҳозирги босқичида ЎРМБ пул-кредит сиёсати Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг умумиқтисодий сиёсати билан биргаликда миллий иқтисодиётни янада эркинлаштиришга, хусусан, молия бозори ва банк секторини эркинлаштиришга йўналтирилган². ЎРМБ пул-кредит сиёсатини дастакларидан бири қайта молиялаштириш³ ҳисобланади. Қайта молиялаштиришни иқтисодиётда пулга бўлган талаб орқали тартибга солиш бир томондан монетар сиёсатни мақсадли мўлжалларига эришиш учун йўналтирилган бўлса⁴ бошқа томондан эса молия бозорини фоиз ставкаларига тўғридан – тўғри таъсир кўрсатади. ЎРМБ пул-кредит сиёсати 2004 йилда қўрилган ўзининг асосий мўлжалларини сақлаб қолди ва миллий валютани барқарорлигини

2 ЎРМБ «2004 йилда монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари» вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 63 рақамли «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида» ва 2003 йил 15 декабрдаги 547 – рақамли «2004 йилда асосий макроиқтисодий параметрлар ва уларни бажарилишини назоратини кучайтириш бўйича чоралар тўғрисида»ги қарорлари асосида пул-кредит сиёсатини амалга оширди.


3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги УП-2564 «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ МБнинг қайта молиялаштириш номинал ставкаси ойма-ой инфляцияни мавжуд ва башорат даражасини таққослаш, оммавий ахборот воситаларида пул бозорига талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда янги ставкаларни белгилаш орқали қайта кўриб ва эълон қилиб борилган.

4 ЎРМБ пул – кредит сиёсатининг асосий мақсади иқтисодиётда баҳони барқарор даражасига эришиш ҳисобланади (ЎзР МБ тўғрисидаги қонунга қаранг)

таъминлаш, инфляцияни паст даражасини ушлаб туриш, пул бозорида фоиз ставкаларини пасайтириш, шунингдек, иқтисодий пул ресурсларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш орқали иқтисодий ўсиш учун қулай шароит яратишга йўналтирилган эди⁵.

Ҳозирги вақтда фоиз ставкалари таркиби республикани молия бозорлари етарли тарзда сегментлашган. Ҳар бир пул бозорида ўзининг фоиз ставкаси ўрнатилади (1.3.1 – чизма), бунда турли фоиз ставкалари даромадлилик диапазони кескин фарқ қилади ва ушбу миллий бозорнинг фарқлари қуйидаги омиллар билан изоҳланади: хатар, тезкорлик, ссуда миқдори, солиқ солиш ва имтиёзлар, бозорда рақобат шароитини чеклаш.

1.3.1 - чизма. Пул бозорида фоиз ставкалари таркиби, март 2005й.



манба: ДКО даромадлиги: Банковские ведомости № 14, 30 март 2005 йил;
 корпоратив облигациялар: Банковские ведомости № 5, 26 январ 2005 йил;
 қайта молиялаш ставкаси, банкларнинг қисқа муддатли кредитлари, ҳуқуқий шахсларнинг тезкор депозитлари, жисмоний шахсларнинг тезкор депозитлари: ЎРМБ;
 банклараро ставка: www.uzibor.uz

Қайта молиялаштириш ставкаси. ЎРМБ ўзининг қайта молиялаштириш ставкасини ўзгаришсиз йиллик 16% даражасида сақлаб турди. ЎРМБ қайта молиялаштириш ставкасини охириги марта 2004 йил декабр ойида ўзгартирди (18%дан 16%гача пасайтирди). ЎРМБ қайта молиялаштириш ставкасини пасайиши 2005 йил 1 чорагида 2004 йил 1 чорагига нисбатан 4 даража фоизни ташкил қилди. ЎРМБ қайта молиялаштириш ставкасини пасайтиришнинг сабаби тижорат банкларини ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг тезкор депозитлари бўйича фоиз ставкаларини пасайиши ҳисобланади (1.3.1 – жадвал).

1.3.1 - жадвал. Фоиз ставкаларининг ўзгариши (%)

Давр	Қайта молиялаш ставкасининг йиллик кўрсаткичи	Қисқа муддатли кредитлар бўйича олинган ўртача ставка, сўмда	Юридик шахсларнинг тезкор депозитлари бўйича олинган ўртача ставка, сўмда	Жисмоний шахсларнинг тезкор депозитлари бўйича олинган ўртача ставка, сўмда
2000	32,3	25,7	12,9	32,2
2001	26,8	28,0	16,0	38,1
2002	34,5	32,2	19,2	40,2
2003	27,1	28,1	17,1	36,2
2004	18,8	21,2	11,3	34,5
04/1	20,0	19,8	13,0	33,9
05/1	16,0	21,0*	11,0*	31,0*

Манба: ЎЗР Марказий банки
 *муаллиф ҳисоб-китоблари

Мажбурий заҳира тўплаш меъёри. Пул-кредит сиёсати дастаклари самарадорлигини ошириш ва кредит фаоллигини рағбатлантириш мақсадида ЎРМБ томонидан мажбурий заҳираларни сақлаш меъёрлари пасайтирилган эди. Жумладан, МБ сақландиган мажбурий заҳираларни меъёрлари тижорат банкларида миллий валютада сақлаш мажбуриятларидан 20% дан 15%гача пасайтирилган ва тижорат банклари учун хориж валютасида сақлаш мажбуриятидан 5% миқдоридан мажбурий заҳиралар меъёри амалиятга киритилган эди.

Мажбурий заҳиралар меъёрини ўзгариши МБга пул агрегатлари, пулга талаб ва фоиз ставкасини тартибга солиш имкониятини беради, чунки у биринчидан пул базаси миқдорини ўзгаришига олиб келди, иккинчидан, пул мультипликаторига таъсир кўрсатади, яъни, тижорат банкларини кредитлаш йўли билан янги пулларни вужудга келтиришга олиб келади. Бироқ, бошқа томондан тижорат банклари учун мажбурий заҳиралар ноликвид активлар ҳисобланади.

5 “Банковские ведомости”ни 2005 йил 06.04 15 – сонидан янада кенгроқ берилган.

Кейинги ўн йилда миллий валютада депозитлар бўйича мажбурий заҳиралаш меъёрини кескин пасайиши содир бўлди (1.3.2 – жадвал). Бундай пасайиш пул мультипликаторни аҳамиятини оширади ва мос равишда иқтисодиётда пул таклифини кўпайишига олиб келади.

Миллий валютада депозитлар бўйича мажбурий заҳиралаш меъёрини пасайиши натижасида тижорат банклари даромадлиги ва самарадорлигини ўзларининг фаол опреацияларида жалб қилинган қўшимча ресурслардан фойдаланиш ҳисобига оширишни кутиш ва шунингдек, иқтисодиётни реал сектори ривожланишини рағбатлантириш мумкин.

1.3.2 - жадвал. ЎЗРМБнинг мажбурий заҳиралаш меъёрларининг ўзгариши


Амал қилиш мuddати	Талаб қилинган бўлган ҳисоблар ва 3 йилгача бўлган тезкор депозитлар	3 йилдан юқори тезкор депозитлар бўйича	Хорижий валютадаги депозитлар	Жисмоний шахслар депозитлари
01.06.1996гача	30%	10%	0%	0%
01.06.1996 дан	25%	10%	0%	0%
01.12.1997 дан	20%	10%	0%	0%
01.03.2000 дан	20%	20%	0%	0%
04.07.2004 дан	20%	20%	0%	0%
01.02.2005 дан	15%	15%	5%	0%

Манба: ЎЗР Марказий банки .

Хориж валюталарида депозитлар бўйича мажбурий заҳиралаш меъёрини киритилиши бир томондан, хориж валютасида молия бозори иштирокчиларини жамғарилишини ошиши ҳақида далолат берса, бошқа томондан эса иқтисодиётда хориж валютасида пул таклифини қисқариши 2003 йилда жорий операциялар ҳисоб рақамлари бўйича конвертациясини амалга оширилиши натижасида содир бўлганлигини кўрсатади.

Банкларо фоиз ставкалари. 2004 йилдан бошлаб банкларо пул маблағларига UZIBOR⁶ ставка тизими киритилди. Бунгача Ўзбекистон банкларо бозорида фоиз ставкалари бозор томонидан тартибга солинмаган эди. Ҳозирда ушбу тизим янада очиқ муҳитни намоён қилади ва мос равишда тижорат банкларини ликвидлиги ва қисқа мuddатли пул маблағларини айланувчанлигини ошириб, уларни янада қулай жойлаштириш имкониятини беради⁷.

1.3.3 - чизма. Банкларо кредит бозоридаги процент ставкалари (октябр 2004 й. – март 2005 й.)



манба: «Биржевой Вестник Востока» газетаси материаллари асосида автор ҳисоб-китоблари.

Кўриниб турибдики 6 ой ичида фоиз ставкаларини пасайиши кузатилган. Бу эса бир томондан пул бозорида барча фоиз ставкаларини пасайишини умумий динамикаси билан (ЎРМБ қайта молиялаш ставкасини ҳам қўшганда), бошқа томондан эса иқтисодиётда инфляция даражасини паст даражада ушлаб туриш каби макроиқтисодий омилга боғлиқдир.

Банк тизимини ривожланиши. 2005 йил боши банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнларини фаоллиги билан таснифланади. Бир томондан банкларни қўшилиши ва бир банкни бошқа банклар томонидан ўзига қўшиб олиши орқали банк капиталининг йириклашуви содир бўлаётган бўлса, бошқа томондан эса, мини-банклар сонининг ошиши ва банк хизматлари таклиф қилувчи кредит иттифоқлари микромолиявий ташкилотларнинг ривожланиши орқали банк кредитларини горизонтал равишда кенгайтириши амалга оширилмоқда.

6 Ушбу тизим Ўзбекистон банклар ассоциацияси ҳузуридаги «Банкларо Маслаҳат Хизмати» МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган ва жорий этилган. 2004 йил май ойидан бошлаб барча банклар ва маркет-мейкерлар ўзларининг фоиз ставкаларини бера бошланди ва 2004 йил октябрдан оммавий ахборот воситаларида мунтазам чоп этилиб келинган (Шарқ биржа хабарлари). Шунингдек, банкларо ставкалар ҳақидаги маълумотлар ҳар куни www.uzibor.uz сайтида чоп этилмоқда. Ҳозир 7та банк иштирок этмоқда. ЎЗР ТИФ МБ, Асака банк, Халқ банки, Капитал банк, Ипак йўли банк ва Равнақбанк (Банковские ведомости №15, 2005 йил апрел).

7 Банк хабарлари 15 сон 2005 йил апрел

Банк капиталини тўпланиши бир томондан “Авиабанк” АТБ билан ХОАТБ “Капиталбанк”ни⁸ ва Ўзуйжойжамфармабанк билан Замин банки қўшилиши ва бошқа томондан эса МБ томонидан Бизнес банкни банк операцияларини амалга ошириш бўйича рухсатномасини қайтариб олганлиги сабабли ушбу банкни банк тизимидаги фаолиятини тўхтатилиши кузатилди⁹. Аҳолини қулай уй-жойга бўлган талабини тўлиқ қондириш, уй-жой қурилишини хусусан кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларида қурилишни жадаллаштириш, уй-жой қурилиши учун узоқ муддатли ипотека кредитининг имтиёзли тизимини кенг жорий этиш мақсадида “Ўзуйжойжамфармабанк” ва “Заминбанк” акционерлик тижорат ипотека банки¹⁰ тузишга қарор қилдилар. Шундай қилиб, 2005 йил 1 апрелида банк тизими таркибига 29 банк кирган бўлса, иккита банк бошқа банкларга қўшилганлиги учун қисқарган ва битта банк тугатилган эди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан банк тизими тўртта тижорат банкка қисқарган.

Республикада 20 та кредит иттифоқлари фаолият юритмоқда. Банк хазматларини ушбу сегментини ривожланиши республика молия бозорини такомиллаштириш ва тадбиркорларни кредит маблағларидан фойдаланишларини янада кенгайтириш, шунингдек, кредит маблағларини таклиф қилиш бўйича рақобатни кучайтиришни таъминлайди.

Ҳозирги вақтда мини-банклар сонини кўпайиши давом этмоқда. Мини-банклар тармоқларини кенгайтириши мижозларга кўшимча қулайликлар яратиб, банклар ўртасида рақобатни кучайтиришига имконият яратади. 2005 йил 1 апрел ҳолатига уларнинг сони 1383 тани ташкил этди ва 2004 йил 1 апрелига нисбатан 420 та кўпдир (963 дона). БМТ экспертлари баҳосига кўра ривожланган давлатлар ва ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида банк хизматларидан фойдаланмаётган аҳоли улуши 80%га етади (таққослаш учун АҚШда 5 – 6%ни ташкил этади)¹¹. Ўзбекистонда молия хизматларига мавжуд талаб банк хизматлари таклифидан анча юқори. Бундан мини-банкларни келажакда кўпайиши ва ўсишини кутиш мумкин.

Банкларнинг капиталлашуви. Тижорат банкларини жами капиталининг ўсиши 3,24%ни ташкил этди. Агар банкларни жами капитали 2004 йил 1 апрелида 819,7 млрд. сўм бўлган бўлса, 2005 йил 1 апрелида 846,3 млрд. сўмга етди. Банкларни жами капиталининг ўсиши қатор тижорат банкларини кўшимча пул эмиссияси орқали содир бўлди. Масалан, ТАК “Тадбиркорбанк” ўзининг низом капиталини 3 млрд. сўмдан 4 млрд. сўмгача оширишга¹², ХОАТБ «Равнақбанк» акционерлик капиталини 650 млн. сўмга¹³, “Туронбанк” АТБ 600 млн. сўмга кўпайтиришга қарор қилди¹⁴. “Капиталбанк» ХОАТБ ва “Авиабанк” АТБ қўшилиши натижасида акционерлар томонидан акционерлик капиталини кўшимча 2,8 дан 3 млрд.сўмга кўпайтиришга қарор қилди¹⁵.

Кредит операциялари. 2005 йил 1 чорагида банклар томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Ушбу мақсадларга банкларнинг кредит маблағларини ажратиш 92,5 млрд. сўмдан 98,4 млрд. сўмга ёки 2004 йил 1 чорагига нисбатан 6,37%га ошган бўлиб, унинг 72%ини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

Тижорат банкларининг қимматбаҳо қоғозлар билан операциялари. 2005 йил биринчи чорагида миллий валютада акциялар бўйича битимлар ҳажми 8439,5 млн.сўм ва 11 млн. акцияни ташкил этди. Битимлар ҳажми 2005 йил биринчи чорагида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17%га кўп бўлди.

8 ЎЗР МБ тўғрисидаги Қонуннинг 17 моддасига мувофиқ АТБ “Авиабанк” ва ХОАТБ “Капиталбанк” акционерларини қўшма йиғилиши қарори асосида ушбу банклар қўшилди. “Авиабанк” АТБнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари “Капиталбанк” АТБга ўтди (Банк хабарлари №7.02.2005).

9 “Бизнес банк” томонидан ЎЗРМБ меъёрий ҳужжатлари талабларини бузганлиги сабабли МБ банк операцияларини амалга оширишга ҳуқуқ берадиган рухсатномани қайтариб олди (Банк хабарлари № 12, 03.2005)

10 ЎЗР Президентининг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ банкнинг асосий вазифаларига қуйидагилар кирди: яқка тартибда уй-жой қуришни узоқ муддатли ипотека кредити имтиёзли тизимини жорий этиш; яқка тартибда уй-жой қурувчилар ва хўжалик юритувчи субъектларга, уй-жой қураётган аҳолига кредитлар олишда кўмаклашиш.

11 Экономические обозрение 11, 2004.

12 “Тадбиркорбанк” АТБ низом капитали 2004 йилда 3 млрд.сўмни ташкил этди. Капитални миқдорини етарли даражада 4 млрд.сўм бўлиши учун муомалага 1 млрд. сўмлик кўшимча акциялар чиқаришга қарор қабул қилинган. (Банк хабарлари №11 09.03. 2005 йил)

13 “Равнақбанк” ХОАТБ акционерларининг умумий йиғилишида кўшимча 650 минг дона акциялар чиқариш йўли билан акционерлик капиталини кўпайтиришини эълон қилди. (1 акциянинг номинал қиймати – 1000 сўм) (Банк хабарлари №1. 05.01.2005).

14 “Туронбанк” АТБ акционерларининг умумий йиғилиши кўшимча 600 минг дона акциялар чиқариш йўли билан акционерлик капиталини кўпайтиришини эълон қилди. (1 акциянинг номинал қиймати – 1000 сўм), (Банк хабарлари №12. 16.03.2005).

15 “Капиталбанк” ХОАТБ ва “Авиабанк” АТБ қўшилиши ҳақида қарор қабул қилдилар. Шунингдек “Авиабанк” АТБ “Капиталбанк” таркибига кирганидан кейин “Капиталбанк” хусусий мақомини йўқотади ва акционерликка қайта ўзгартирилади. Жами шаклланган низом капитали “Капиталбанк”ни 1,1 млрд сўм миқдоридаги ва “Авиабанк”нинг 1,7 млрд.сўм миқдоридаги низом капитали ҳисобидан 2,8 млрд.сўм миқдоридаги нимзом капитали ҳисобидан 2,8 млрд.сўм миқдорида белгиланган. Етишмаётган миқдорга низом капиталини 3 млрд.сўмга етказиш учун 200 млн. сўмлик кўшимча эмиссия чиқариш эълон қилинади. (Банк хабарлари №1. 05.01.2005)

Умумий оборотда банкларнинг акциялари улуши 6,0% ёки 178,1 млн. сўмдан иборат бўлди. Энг йирик банклар акциялари битими “Ғаллабанк” акциялари томонидан амалга оширилди ва унинг ҳажми 79,4 млн. сўмни ташкил этди. Бошқа банклар ичида “Ғаллабанк” акциялари ҳажми энг кўп бўлиб 98,1 млн. сўмга етди ва банкларни акцияларини умумий битимларининг 55,1%ини ташкил этади.


2005 йил биринчи чорагида банк акцияларининг энг йирик эмитенти “Пахтабанк” бўлди. Унинг улуши банклар акциялари умумий ҳажмида 15,8%ни ташкил этди. Ундан кейинги ўринда “Ўзсаноатқурилишбанк” – 12,9%, “Ўзуйжойжамғармабанк” – 10,0%, “Ҳамкорбанк” - 7,6%, “Асакабанк” – 6,9%, “Ғаллабанк” – 6,3% туради. Банкларни жойлаштирилган акцияларининг умумий ҳажмини 94,1% оддий акциялар ва 5,9% имтиёзли акциялар бўлиб, бунда жойлаштирилган акцияларнинг 23,7%и жисмоний шахсларга ва 76,3%и юридик шахсларга тегишли.

2005 йилнинг 1 чорагида тижорат банклари томонидан умумий суммаси 1,08 млрд.сўмга тенг бўлган 3 корпоратив облигациялар чиқариш амалга оширилган ва шунингдек, учта тижорат банклари Ўз ТИФМБ, “ЎзДЭУбанк” ва “Ўқтамбанк” томонидан 23 млрд. сўмдан ортиқ суммага биттадан депозит сертификатлари чиқарилди.

Тижорат банкларининг пассив операциялари.

Аҳолини тижорат банкларига пул қўйилмаларининг ўсиши давом этмоқда. Аҳолини қўйилмалар бўйича улуши 2004 йил 1 апрелига 261,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йил 1 апрелида 332,3 млрд. сўмга етган, ёки 275га ошган (1.3.4 – чизма). Ушбу ўсиш аҳолини даромадларининг ошиши ва жисмоний шахсларнинг хориж валюталаридаги қўйилмалари учун тезкор депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг юқори бўлиши ҳисобидан таъминланди.

1.3.4 - чизма. Аҳолининг банклардаги пул жамғармалари (млрд. сўм.)



Манба: ЎзР Марказий банки

Банк тизими Халқ банки тимсолида жамғариладиган пенсия тизими механизми орқали қўшимча маблағлар жалб қилиш имкониятига эга бўлди¹⁶. Ҳозирги вақтда Халқ банкининг барча муассасаларида таркибий тузилмалар фаолият юритаяпти ва жамғариладиган пенсия тизими (ЖПТ) маълумотларини қатъий ишлашини таъминлаш дастури жорий этилмоқда. Ягона электрон базасини яратиш устида 200га яқин филиаллари ва 7 мини-банклар ишламоқда. Бугунги кунга келиб 14 млнга яқин яқка тартибдаги пенсияни жамғариш ҳисоб рақамлари очилган. ЖПТ маблағларни йўналтирилганлигига қараб: давлат қимматбаҳо қоғозлари, корпоратив қимматбаҳо қоғозлар, тижорат банкларининг депозитлари; банклараро кредитлар; кўчмас мулкка қўйилмалар; хўжалик субъектларини кредитлаш ва бошқа активларга жойлаштирилиши мумкин.

Тижорат банкларининг актив ва пассив операциялари. Ўзбекистон бозорига пул ўтказишнинг янги тизими Travelex чиқди. Бугунги кунда Халқ банкининг иккита филиалида шаҳобчалар очилган. Биринчи босқичда Халқ банкни 11 ҳудудий шаҳобчаларида ва «Трастбанк»ни учта Тошкент шаҳобчаларида очиш режалаштирилган. Ҳозирги вақтда пул ўтказишни Travelex тизими АҚШ, Канада, Европа иттифоқининг аксарият мамлакатларида, ЖАР, Австралия, Янги Зеландия, Россияда самарали ишляпти ва бунга МДҲ нинг бошқа малакатлари ҳам қўшилмоқда. Бугунги кунга келиб Travelex компанияси 80 га яқин мамлакатга хизмат кўрсатмоқда.


1.4. Валюта сиёсати

2005 йил 1 чорагида ЎРМБ валюта сиёсати ташқи иқтисодий фаолият соҳасида республика банкларини фаол иштирок этишлари ва улар томонидан биржадан ташқари валюта бозорида операцияларни амалга оширишлари учун максимал даражада валюта маблағларини жалб этишларига йўналтирилган эди. ЎРМБ томонидан алмашинув курсини барқарорлигини таъминлаш, пул-кредит ва валюта сиёсатини амалга ошириш учун халқаро заҳираларни етарли даражада ушлаб турилиши бўйича чора-тадбирлар миллий валюта алмашинув курсининг барқарорлигини таъминлади. ЎРМБ миллий валюта курсини пасайтиришни давом эттирди (1.4.1 – чизма).

Сўмни номинал алмашинув курси АҚШ долларига нисбатан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,08%га пасайган. Нақд хориж валютаси алмашинув курси эса 2,0%га пасайган (1.4.1 – жадвал).

¹⁶ 2004 йил 21 декабрдаги ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг жамғарилиб борувчи пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

1.4.1 - чизма. Сўмнинг АҚШ доллари (Sum/USD), Евро (Sum/EUR), фунт стерлинг (Sum/GBP) ва япон иенаси (Sum/JPY)га нисбатан номинал айирбошлаш курси



Манба: ЎзР Марказий банки.


1.4.1 - жадвал. Сўмнинг АҚШ долларига нисбатан айирбошлаш курси (2000-2004 йй. давридаги ўртача кўрсаткичлар)

Давр	МБ айирбошлаш курси (сўм/\$)	Ўтган даврга нисбатан ўзгариши (%)	Нақд хорижий валюта курси (сўм/\$)	Аввалги даврга нисбатан ўзгариши (%)
2000	236,6	89,9	450,1	183,5
2001	422,9	78,8	829,0	84,2
2002	770,8	82,3	1093,8	31,9
2003	979,39	26,0	995,1	-9,0
2004	1058,0	8,026	1062,5	6,8
04/1	989,1	1,0	993,8	1,0
05/1	1080,0	2,08	1083,5	2,0

Манба: ЎзР Марказий банки.

2005 йил 1 чорагида миллий валютани айирбошлаш курси АҚШ долларига нисбатан тенг суръатларда девальвация қилинди, ваҳоланки ушбу даврда сўми айирбошлаш курси динамикаси бошқа хорижий валюталарга нисбатан юқори даржада ўзгариши кузатилган (1.4.1., 1.4.2 – чизмалар), бу эса ЎРМБ томонидан алмашинув курсини АҚШ долларига нисбатан мавсумийлик тебранишлар шунингдек, етарли олтин валюта заҳираларининг ушлаб туришларни олган ҳолда тартибга солиниши билан изоҳланади. Евро, фунт стерлинг ва иеналарга нисбатан курсни ўзгарувчанлиги жаҳон молия бозорлари конъюнктураси билан боғлиқ. Масалан, 2005 йил 1 чорагида АҚШ доллари Еврога нисбатан кескин мустаҳкамланди¹⁷. АҚШ долларининг мустаҳкамланишига аксарият жиҳатдан иқтисодий омиллар таъсир кўрсатди. Асосий омиллар бўлиб АҚШ Федерал заҳира тизимини федерал фондлар бўйича ставкаларини мунтазам ошириши ҳисобланади. Биринчи чорак охирида у 2,75%ни ташкил этди. Ставкаларни оширишнинг сабаби кучаяётган инфляцияни кутиш ҳисобланади. АҚШ ташқи савдо камомади рекорд даражада қолишига қарамай (январда 58,3 млрд. доллар), хориж инвесторларини АҚШ активларини соф сотиб олишлари ҳажми январ ойида 91,5 млрд. долларга ўсди¹⁸. Европа монетар иттифоқи мамлакатларида умумий ишчанлик фаолияти пасайиши кузатилди¹⁹.

График 1.4.2. Сўмнинг АҚШ доллари (Sum/USD), Евро (Sum/EUR), фунт стерлинг (Sum/GBP) ва япон иенаси (Sum/JPY)га нисбатан номинал айирбошлаш курсининг индекси



Манба: ЎзР Марказий банки, муаллиф ҳисоб-китоблари

17 Евро/долларни 2004 йил декабр охиридаги валюта курсини максимал аҳамияти 1,3668ни, минимал аҳамияти 1,2729ни ташкил этди.


18 Эксперт 21-27 март 2005 йил № 11 (458).

19 Германияда ишчанлик фаолияти индекси (IFO) ва Францияда истеъмол харжатларининг пасайиши содир бўлди. Еврозонада саноатга буюртмаларнинг ўсиши пасайди ва савдо баланси камомади, шунингдек, тўғридан тўғри ва портфел инвестицияларнинг кесикн чиқиб кетиши содир бўлди. Эксперт 28 март 3 апрел 2005 йил № 13 (454).

Миллий валюта алмашинув курсини барқарор пасайиши тенденциясини инфляцияни кутиш, монетар агрегатларнинг ўзгариши, ташқи савдо баланснинг ҳолати ва хориж капиталнинг кириб келиши каби омилларнинг таъсири билан изоҳлаш мумкин.


Реал алмашинув курси. 2005 йил 1 чораги натижалари бўйича миллий валюта реал алмашинув курсини пасайиши содир бўлди. Масалан, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан АҚШ долларига нисбатан курси - 7,6%га, Еврога нисбатан – 7,2%га, Россия рублига – 15,3%га пасайган (1.4.3 – чизма). Бу истеъмом баҳолари индексининг тез тушиши шароитида сўмни номинал алмашинув курсини секин девалвацияси билан изоҳланади. Миллий валютани реал алмашинув курсини асосий ташқи савдо шериклар мамлакатларининг валюталарига нисбатан секин-аста пасайиши маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорларда баҳо рақобатбардошлигини ушлаб туришга имконият яратади.

1.4.3 - чизма. Сўмнинг АҚШ доллари (Sum/USD), Евро (Sum/EUR) ва Россия рубли (Sum/RUR)га нисбатан реал айрибошлаш курси (декабр 1994=100)



Манба: International Financial Statistics (IFS), IMF; ЎзР Марказий банки, муаллиф ҳисоблари

1.4.4 - чизма. Сўмнинг реал самарали айрибошлаш курси (декабр 1994 =100)



Манба: International Financial Statistics (IFS), IMF; ЎзР Марказий банки, муаллиф ҳисоблари

Реал самарали алмашинув курси. Кейинги вақтларда сўмни реал самарали алмашинув курсини пасайиши тенденцияси содир бўлмоқда (1.4.4 – чизма). 2000 – 2002 йилларда сўмни реал самарали алмашинув курсини кескин пасайиши кузатилган. 2003 йилдан бошлаб ушбу курс бирмунча барқарорлашди. 2005 йил 1 чорагида реал самарали курсни пасайиши 6,5%ни ташкил этди. Миллий валютани реал алмашинув курсини барқарорлашувини ЎРМБ қатъий монетар сиёсати ва истеъмом баҳолари индексини пасайиши таъминлади.

1.5. Баҳолар ва инфляция

Жаҳон банки тадқиқотлари натижалари ва иқтисодий ривожланишни дунё тажрибаси кўрсатишича иқтисодий ўсишнинг ижобий суръатларига эришиш учун инфляциянинг йиллик даражаси 40%дан ошмаслиги керак. Иқтисодий ўсишни максимал суръатларига эришиш учун (бир йилда 5%дан юқори) инфляция даражасини ўртача бир йилда 7%га пасайтириш зарур. Ваҳоланки, юқори инфляция иқтисодий ўсишга қаршилик кўрсатади. Инфляциянинг ўртача суръатларини юқори бўлиши ўз-ўзидан иқтисодий ўсишни тўтатишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида 2005 йил 1 чорагида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ЯИМ ўсиши 4,8%, истеъмом баҳолари индекси бўйича инфляция даражаси эса 4,2%га ошган. Бу эса Жаҳон банкининг инфляция ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик борлиги тўғрисидаги хулосаларига мос келади (1.5.1 – жадвал).

1.5.1 - жадвал. Ўзбекистон Республикасида 2000-2005 йилларда инфляциянинг асосий кўрсаткичлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан баҳоларнинг ўсиши, %да)

Йиллар	Истеъмол баҳолари индекси (ИБИ) йўғма	Озиқ-овқат товарлари	Ноозиқ-овқат товарлари	Хизматлар
2000	24,9	18,9	36,6	47,1
2001	27,4	27,9	21,1	36,9
2002	27,6	28,0	19,3	41,3
2003	10,3	5,4	13,9	30,9
2004	1,6	-4,7	6,3	23,6
04/1	0,7	-6,4	7,2	26,6
05/1	4,2	0,5	4,5	19,2

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси


Республикада ЎРМБ томонидан амалга оширилаётган қатъий пул-кредит сиёстаи натижасида истеъмол секторидида баҳолар ўсиши 2005 йил 1 чорагида 2,2%дан ошмади (ўтган йилнинг декабр ойига нисбатан %да). Инфляциянинг умумий даражасининг ортишига озиқ-овқат товарларига (0,0%дан 2,9%гача), айниқса, қишнинг нисбатан совуқ келиши натижасида мева-сабзавот маҳсулотларининг баҳосини ошиши ва озиқ-овқат товарларига баҳоларнинг пасайиши (2,0%дан 0,8%гача) ва хизматлар (4,6%дан 1,5%гача) сезиларли таъсир кўрсатди (1.5.2 – жадвал, 1.5.1 – чизма).

1.5.2 - жадвал. 2004-2005 йилларнинг 1 чорагада инфляция даражаси (баҳоларнинг ўсиши %да)

	Ўртача ойлик даражаси		Ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2004 г.	2005 г.	2004 г.	2005 г.
ИБИ	0,4	0,7	1,1	2,2
Озиқ-овқат товарлари	0,0	1,0	0,0	2,9
Ноозиқ-овқат товарлари	0,7	0,3	2,0	0,8
Хизматлар	1,5	0,5	4,6	1,5

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

1.5.1 - чизма. 2001-2005 йилларда инфляция даражасининг динамикаси (жорий йилнинг март ойидаги баҳоларнинг ўсиши ўтган йилнинг март ойига нисбатан %да)



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

2005 йил 1 чораги давомида истеъмол баҳолари индекси бўйича баҳоларнинг ўсиши 0,77% (Андижон вилоятида)дан 3,34%гача (Тошкент шаҳрида)ни ташкил этди.

Бундай тебранишга истеъмол саватида катта улушга эга бўлган иккита омил таъсир кўрсатди: мева ва сабзавотларга баҳоларнинг ўсиши (улуши 8,5%) ва уй-жой коммунал хўжалиги хизматларига тарифларнинг ошиши (улуши 6,4%). Масалан, Тошкент шаҳрида кўриб чиқилаётган даврда мева ва сабзавотларнинг баҳоси 34,1%га ва уй-жой коммунал хизмати тарифлари 5,5%га ўсган бўлса, Андижон вилоятида мос равишда ушуб кўрсаткичлар 6,1% ва 1,0%ни ташкил этган.

1.5.3 - жадвал. 2005 йил 1 чорагида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида инфляция даражаси (%)

Ҳудудлар	Баҳонинг ўсиши	Ўртача ойлик
Ўзбекистон Р.	2,23	0,74
Андижон	0,77	0,26
Наманган	1,21	0,40
Ферғона	1,56	0,52
Қашқадарё	1,86	0,62
Самарқанд	1,94	0,64
Сурхондарё	1,98	0,66
Тошкент	2,03	0,67
Бухоро	2,09	0,69
Қорақалпоғистон Р.	2,17	0,72
Навоий	2,41	0,80
Сирдарё	2,44	0,81
Жиззах	2,69	0,89
Хоразм	2,75	0,91
Тошкент шаҳри	3,43	1,13

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

Баҳоларни ва тарифларни ўсишини инфляцияни умумий даражасига таъсири таҳлили кўрсатишича, 2005 йил 1 чорагида 2004 йил 1 чорагига нисбатан тарифлар ўсишини пуллик хизматларга (62%дан 10,4%гача) ва ноозиқ-овқат товарларига таъсири (40,4%дан 7,8%гача) пасайган ва ноозиқ-овқат товарларига баҳоларнинг ўсиши кучли таъсир кўрсатди (-2,4%дан 81%гача) (1.5.4 – жадвал).

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида 2005 йил 1 чораги учун инфляция жараёнларини факторли таҳлили, инфляция даражасига юқори таъсирни харажатларнинг ўсиши (70,*%), пул массаси (19,6%) ва инфляцияни кутиш (7,8%) кўрсатганлигидан далолат беради.

2005 йил 1 чорагида таклиф инфляциясини талаб инфляциядан юқори тенденцияси кузатилган: саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари улгуржи баҳолари ўртача ойлик ҳисобидан 2.2%га истеъмол маҳсулотлари баҳолари 0,7%га ўсган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари баҳоларини ўсиши манбаларини омилли таҳлили кўрсатишича реал секторда 2005 йил 1 чорагида инфляция даражасига энергия тарифини ошиши (73,5%), биржадан ташқари алмашинув курсини девальвацияси (6,0%) катта таъсир кўрсатди (1.5.5 – жадвал).

Импорт товарлари баҳолари ўсишига бож йиғимлари ҳисобланадиган биржадан ташқари алмашинув курси ва параллел курслар (бозорларда жисмоний шахслар томонидан сотиладиган товарларга)ни ўзгариши таъсир кўрсатади.

2005 йил 1 чорагида биржадан ташқари алмашинув курси 2,0% девальвация бўлганлиги учун алмашинув курсини ўзгариши истеъмол товарлари баҳолари индексига (0,4%) кучли таъсир кўрсатмади.

Уй-жой коммунал хўжалигида дотацияларни қисқартиришнинг давом эттирилиши натижасида республика бўйича тарифлар ўртача 2,4%га, шу жумладан, Сирдарёда 5,8%, Фарғона 5,0%, Бухоро 4,6%, Жиззах вилоятларида 4,1% ва Тошкент шаҳрида 5,1%га ошган.

2005 йил 1 чорагида совуқ сув билан таъминлаш хизматларига тарифлар республика бўйича ўртача 10,3%га, канализацияларга 6,8%, иссиқ сувга 9,6%, иситишга 10,6% ошган. Шу билан бирга табиий газ ва электр энергиясига баҳолар кўриб чиқилаётган даврда ўзгармай қолган. Шундай қилиб, агар 2005 йил 1 чорагида давлат бюджети профицит билан бажарилган, пул массаси ошган бўлиб, истеъмол секторда инфляция асосан номонетар хусусиятга эга бўлган деган хулосага келиш мумкин.

1.5.4 - жадвал. 2004-2005 йилларнинг 1 чорагида истеъмол тармоғидаги инфляция даражасининг омилли таҳлили (мева-сабзавот маҳсулотларидан ташқари)

	2004г.	2005г.
ИБИ	100,0	100,0
Озиқ-овқат товарлари	-2,4	81,8
Ноозиқ-овқат товарлари	40,4	7,8
Хизматлар	62,0	10,4

манба: ЎзР Иқтисодиёт Вазирлиги.

1.5.5 - жадвал. 2005 йил 1 чорагида реал секторда инфляция даражасининг омилли таҳлили

	ИБИга таъсири (%)	Жамига нисбатан %да
Жами омиллар	6,8	100,0
Энергия ташувчиларга тарифнинг ошиши	5,0	73,5
Биржадан ташқари алмашинув курси	0,4	6,0
Иш ҳақи	0,0	0,0
Транспорт харажатлари	0,2	2,8
Бошқа омиллар	1,2	17,8

Манба: ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги.

2. Институционал ва бозор ислоҳотлари

2.1. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулкчилик шакллари

2005-2006 йилларда давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига 2246 дона объект киритилган бўлиб, давлат мулкини оммавий хусусийлаштириш жараёнини тугалланиши яқинлашаётганлигини сабабли Ушбу дастурда 2003-2004 йиллардагига нисбатан 1482 донага кам объектлар киритилган.

Янги хусусийлаштириш дастури давлат мулки объектларини урта гуруҳга бўлинган рўйхатидан ташкил топган (2.1.1 – чизма). Уларнинг ичида энг каттаси – бу биринчи гуруҳ бўлиб, унга 1385 объект киритилган. Уларнинг ичида хусусийлаштиришнинг аввалги босқичида ташкил этилган ва устав жамғармаларида давлат акцияларини биржа савдоларида тўлиқ хусусий мулкка сотилимаган акционерлик жамиятлари ва маъсулияти чекланган жамиятлар, шунингдек, ижтимоий инфратузилма объектлари (дам олиш зоналари, болалар боғчалари ва бошқалар) ва хусусий мулкка тўлиқ сотилаётган тугалланмаган қурилиш объектлари мавжуд.

Иккинчи гуруҳ 115 та ночор моливий ҳолатда бўлган ишлаб чиқариш корхоналари ва ноишлаб чиқариш объектларидан ташкил топган. Улар 2005 йилда танлов орқали ушбу корхоналар ва объектларни 1-2 йил ичида молиявий соғломлаштиришга йўналтирилган янги мулкдорларга инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан сотиб олиш қиймати нолга тенг бўлган қийматида хусусий мулкка берилади.

Учинчи гуруҳни устав фондида давлат иштироки улушини сақлашни мақсадга мувофиқлиги тан олинган 746та стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган акционерлик жамиятлари ва маъсулияти чекланган жамиятлар ташкил этади (йирик электростанциялар, кимё корхоналари, пахта тозалаш заводлари ва бошқалар). Ушбу хўжалик жамиятларини аксариятида давлат пакети акциялари 51,0% миқдоридида сақланиб қолади. Шунингдек, холдинг таркибида бош компаниялар ҳисобланадиган баъзи-бир алоҳида акционерлик жамиятларида (“Ўзбекэнерго” ДАК, Ўзбекистон Темир йўллари” ва бошқалар) давлат мулки акцияларини 100% сақлаб қолиш кўзда тутилган.


Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни янги дастури 2005 йил 14 мартда тасдиқланган эди. Шу муносабат билан Давлат мулк қўмитаси жорий йилнинг 1 чорагидан бошлаб ушбу дастурга киритилмаган, бироқ хусусийлаштирилаётган корхоналарни меҳнат жамоалари ва хусусий инвесторлар томонидан тушган аризалар асосида сотишдан олдинги тайёргарлик босқичини ўтган объектларни хусусийлаштириш билан шуғулланди.

2005 йил 1 чорагида хусусийлаштирилган ишлаб чиқариш корхоналари ва ижтимоий соҳа объектлари сони (2.1.2 – чизма ва 2.1.1 – илова) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 170 тага ёки 53,4%га камдир.

Асосан қишлоқ ва сув хўжалиги (29та) нефтгаз саноати (17та) ва ижтимоий инфратузилма (68та) объектлари хусусийлаштирилган. Худудий миқёсда кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент ш. (37та), Сурхондарё вилояти (21та) ва Тошкент вилоятларига (19та) тўғри келади.


Хусусийлаштирилаётган объектларни (183 та) хусусий мулкка сотишни устивор тенденцияси сақланиб колди (2.1.1 - жадвал). 2005 йил 1 чорагида бошқа хусусийлаштирилган объектлар негизидида 1 акционерлик жамияти (“Ўзэкспормарказ” миллий кўргазма компанияси) ва 11 та маъсулияти чекланган жамиятлар ташкил этилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан хусусийлаштириш жараёнида ташкил этилган хўжалик жамиятларини сонининг камлиги жорий йилда савдога аксарият жиҳатдан кичик давлат объектларини қўйилганлиги билан изоҳланади.

2.1.1 - чизма. 2005-2006 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига киритилган корхоналарни гуруҳларга тақсимланиши (%)



Манба: ЎзР Давлат Мулк қўмитаси.

2.1.2 - чизма. Хусусийлаштирилган объектлар сони (дона)



Манба: ЎзР Давлат Мулк қўмитаси

2003 йилда бошланган аввал хусусийлаштирилган корхоналар негизда ташкил этилган ва акционерлик жамиятларини жойлаштирилмаган ва давлат акциялари пакети ҳамда маъсулияти чекланган жамиятлар устав фонди улушини хусусий мулкка сотиш давом эттирилди. 2005 йил 1 чорагида 55 акционерлик жамиятларини акциялари пакети 10,1 млрд. сўмга ва 40 маъсулияти чекланган жамиятларни устав фондидаги улуши 347,5 млн. сўмга сотилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 67,3% ва 36,8%ни ташкил этади.

Давлат ва 29 акционерлик жамиятларининг жойлаштирилмаган акциялари пакети дастлабки сотиш баҳоларини босқичма-босқич пасайтиришни янги механизмини қўлланилиши орқали 1,4 млрд.сўмга кўчмас мулк объектлари 259,9 млн.сўм ва МБ миллий валютада сотиб олиш кўрси бўйича тўлаш орқали 87,5 минг АҚШ долларига сотилган.

2.1.1 - жадвал. Хусусийлаштириш жараёнида ташкил қилинган нодавлат корхонларнинг сони (дона)


Давр-лар	Жами ташкил қилинган	Жумладан		
		Акционерлик жамиятлари	Маъсулияти чекланаган жамиятлар	Хусусий корхоналар
04/1	352	13	70	269
05/1	195	1	11	183

Манба: ЎзР Давлат Мулк қўмитаси

Танлов асосида зарар билан ишлаётган ва иқтисодий ночор ишлаб чиқариш корхоналари ва инфратузилма объектларини молиявий соғломлаштириш шarti билан янги мулкдорларни инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш асосида нол қиймат бўйича хусусий шахсларга 33 та давлат мулки берилган. Улар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятларининг умумий ҳажми 3,7 млрд. сўмни ташкил этади ва Давлат мулк қўмитаси томонидан ўрнатилган минимал мажбуриятлар ҳажмидан 1,3 марта юқоридир.

2005 йил 1 чорагида давлат объектларини сотишдан Давлат мулк қўмитаси маҳсус ҳисоб рақамига 16,6 млрд. сўм келиб тушди. Ўсиш суръатлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 20,3%ни ташкил этди (2.1.3 – чизма).

2.1.3 – чизма. Хусусийлаштиришдан тушган тушум (млрд. сўм)



Манба: ЎзР Давлат Мулк қўмитаси

Энг кўп маблағ биржа ва биржадан ташқари бозорда ўтган йилнинг 4 чорагида тузилган шартномаларни ҳам қўшганда хусусийлаштирилган корхонларни акцияларини сотишдан тушди (11,8 млрд.сўм ёки 71,1%). Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 марта кўпдир. Шу билан бир вақтда савдога асосан кичик объектлар қўйилиши натижасида кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган тушум 30,2%га камайган.

Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ойма-ой ўрнатилган тартибда фойдаланиш учун республика ва маҳаллий бюджетларга, устав фондида давлат иштироки бўлган хусусийлаштирилган корхонларни уларнинг аризаларига мувофиқ техникавий қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, шунингдек алоҳида давлат қарорлари асосида турли ижтимоий иқтисодий объектларни молиялаштиришга тақсимланади. Бундан ташқари электр энергияси, кимё саноати, коммунал хўжалик ва Республика фанлар Академияси корхоналарини акцияларини сотишдан тушган маблағлар маҳсус Ҳукумат қарорлари асосида ушбу корхоналарда, опреацион харажатларини чегириб ташлаганадан кейин тўлиқ ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ва такомиллаштиришга йўналтирилади.

2004 йилда Савдо-саноат палатаси ташкил этилиши муносабати билан, жорий йилнинг март ойида алоҳида ҳукумат қарорлари асосида тақсимланадиганлардан ташқари, хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни 5,0%ини палатага ойма-ой ўтказиб бериш ҳақида Ҳукумат қарори қабул қилинди.

2.1.2 - жавдал. Хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимланиши таркиби (%)

Маблағларнинг тақсимланиш йўналишлари	04/1	05/1
Республика бюджети	41,3	28,2
Маҳаллий бюджет	21,2	18,7
Савдо-саноат палатаси	-	1,1
Хусусийлаштирилаётган корхоналар	2,9	2,9
Алоҳида ҳукумат қарорлари билан тақсимланган маблағлар	34,6	49,1
Жами	100	100

Манба: ЎзР Давлат Мулк қўмитаси

2005 йил 1 чорагида жами 11,0 млрд.сўм тақсимланган эди, шу жумладан алоҳида ҳукумат қарорлири асосида 5,4 млрд.сўм ёки 49,1%, яъни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 14,5 фоиз даража кўпдир (2.1.2 – жавдал). Хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимланиш таркибида республика ва маҳаллий бюджетлар улуши шунингдек, савдо-саноат палатасига 121 млн. сўм ўтказиб берилиши натижасида 2005 йил 1 чорагида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан пасайиш содир бўлди (мос равишда 13,1 ва 2,5 фоиз даража).

2.2. Бозор инфратузилмаси

2005 йил 1 апрел ҳолатига қимматли қоғозлар Давлат рўйхатида 3204,2 млрд.сўмлик 13591 дона чиқарилган акциялар, умумий миқдори 51,6 млрд. сўмлик 68 эмитентларни 90 та чиқарилган корпоратив облигациялари, шу жумладан 2005 йил 1 чорагида:

- умумий эмиссия ҳажми 93,9 млрд. сўмлик 33 та чиқарилган акциялар;
- 1.1 млрд. сўмлик корпоратив облигацияларнинг 3 чиқарилиши рўхатга олинди.

Қимматбаҳо қоғозлар умумий айланиши (акциялар ва корпоратив облигацияларни сотишни суммавий миқдори) 29,3 млрд.сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,4 млрд. сўмга (10,4%) камдир. Қимматбаҳо қоғозлар айланиши ҳажмини пасайиши 2005 йил 1 чорагида хусусийлаштирилган корхонлар акцияларини бирламчи сотилишини 2 мартага яқин камайиши ҳисобидан содир бўлди. Бу жорий йилнинг бошида кўпгина корхоналарни давлат ва аввал жойлаштирилмаган акциялари пакетини сотилиши тўхтатиб қўйилганлиги ва хусусийлаштиришни янги дастурини қабул қилинишига қадар савдоларга қўйилмаганлиги билан боғлиқдир. Бироқ, бунга қарамай, қимматбаҳо қоғозлар умумий айланишининг катта қисми (72,7%) акцияларни сотишдан тушган тушумлар ҳисобидан шаклланиши тенденцияси сақланиб қолди. Жами 21,3 млрд. сўмлик акциялар сотилган бўлиб (2.2.1 – жавдал ва 2.2.1 – илова), ўтган йилнинг мос давридаги сотиш ҳажмини 70,1%ини ташкил этади.

2.2.1 - жадвал. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида сотилган акциялар ҳажми (млрд. сўм)

Даврлар	Бирламчи бозор		Иккиламчи бозор		Жами	
	суммаси	Жамига нисбатан %да	суммаси	Жамига нисбатан %да	суммаси	Жамига нисбатан %да
04/л	20,36	67,2	10,03	33,8	30,39	100
05/л	10,1	47,4	11,2	52,6	21,3	100

Манба: ЎзР Давлат мулк қўмитаси қошидаги қимматбаҳо қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази

Акцияларни бирламчи сотишни тендер савдолари ўтказиш ёки инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан биржадан ташқари бозорларда амалга оширилиши тенденцияси кузатилмоқда.


Сотишнинг бундай шаклида акцияларни сотиб олиш қийматида тўлаш билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга инвестициялар қўйиш бўйича мажбуриятларни қабул қилган инвесторларга катта қулай имкониятлар берилди.

Бирламчи биржа бозорида 2,9 млрд. сўмга ва биржадан ташқари бозорда 7,25 млрд. сўмга акциялар сотилган (2.2.1 – чизма). Ушбу бозор сегментларини акцияларни бирламчи сотишни суммавий ҳажмидаги улуши ўтган йилнинг мос давридаги 18,0% ва 82,0%га нисбатан 28,2% ва 71,8%ни ташкил этди.

2005 йилнинг 1 чорагида бирламчи фонд бозорида амалга оширилган битимларни умумий ҳажмида “Ўзбекэнерго” ДАК (19,5%), “Ўзқурилишматериаллари” уюшмаси (14,8%), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (14,3%) ва “Ўзбекенгилсаноат” ДАК (13,1%) корхоналари юқори улушни эгаллади. Акцияларни бирламчи жойлаштиришда сотиш-сотиб олиш бўйича битимларнинг аксарияти хориж инвесторлари билан амалга оширилди (қимматбаҳо қоғозлар бозори бирламчи айланмасининг умумий ҳажмини 40,2%). Улар томонидан “Шифобахш булоқ” (85,9%), “Уйчи ип-йигирув” (73,1%), “Карбонат” (25,0%) ва “Тож Метал” (25,0%) акционерлик жамиятларини йирик акциялар пакетлари сотиб олинган.

Бироқ хориж инвесторларини қимматбаҳо қоғозлар бирламчи бозорида тузилган акцияларни сотиш-сотиб олиш битимлари умумий ҳажмидаги улуши 2004 йилнинг мос даврига нисбатан 38,5 фоиз даражага пасайди. Бу эса хусусийлаштиришни алоҳида лойиҳалар бўйича амалга оширилаётгани йирик саноат корхоналари акцияларини сотиш бўйича ўтказилган танловларда хориж инвесторларини фаоллигини юқори эмаслиги билан изоҳланади, ваҳоланки, бунинг натижасида 2005 йил 1 чорагида ўтказилган аксарият танловлар ўтказилмаган деб тан олинган.

2.2.1 - чизма. Бирламчи фонд бозорида акцияларни сотилиши (млрд. сўм)



Манба: ЎзР Давлат мулк қўмитаси қошидаги қимматбаҳо қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази


Қимматбаҳо қоғозларни бирламчи бозорида кичик бизнес ва йирик акционерлик жамиятларининг фаоллиги кескин ошди. Уларнинг хусусийлаштирилладиган корхоналарни акцияларини бирламчи сотиш бўйича битимларни умумий ҳажмидаги улуши мос равишда 24,4% ва 22,4%ни ташкил этди ва 2004 йил 1 чорагига нисбатан 16,8 ва 19,6 фоиз даражага кўпдир.

2003 йилда хусусийлаштирилган корхоналар негизда ташкил этилган хўжалик жамиятлари акциялари (улушлари) бўйича дивидендлар кўринишида жисмоний шахслар даромадларига солиқ солишни 5 йил муддатга озод этилиши натижасида ушбу тоифадаги инвесторларни қимматбаҳо қоғозлар бирламчи бозорида акцияларни сотиб олишга бўлган қизиқишларини барқарор ўсиши кузатилди. 2005 йил 1 чорагига улар томонидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 марта кўп акциялар сотиб олинган. Бироқ, бирламчи бозорда тузилган битимларни умумий ҳажмида ушбу тоифадаги инвесторларнинг улуши паст даражада (4,6%) бўлиб қолмоқда. Бу асосан жисмоний шахсларни акционерлик жамиятларини акцияларини даромадлиги, ушбу жамиятларни ривожланишини келажаги тўғрисида маълумотлар олишдаги мураккабликлар, шунингдек, биржа брокерларини кичик инвесторларга хизмат кўрсатишдаги сушт манфаатдорлиги билан боғлиқ.

Бирламчи жойлаштирилган акцияларни сотиб олишда тижорат банклари, инвестиция фондлари ва компаниялар бошқарувчиларининг сушт иштирок этиши тенденцияси сақланиб турибди. 2005 йил 1 чорагига қимматбаҳо қоғозлар бирламчи бозорида умумий битимлар ҳажмида уларнинг улуши 1%га яқинини ташкил этади.

2003 йилда аввал давлат мулки ҳисобланган кўпгина инвестицион жозибатор акционерлик жамиятларини акциялар пакетини юридик ва жисмоний шахсларга кенг миқёсда сотилишни амалга оширилиши қимматбаҳо қоғозлар иккиламчи бозорини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатаёпти. 2005 йил 1 чорагига акцияларни сотиш-сотиб олиш бўйича 11,2 млрд. сўмлик битимлар тузилган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 11,75 кўпдир. Бунда йирик акция пакетларини қуйидагилар иккиламчи бозорни биржа сегментида сотиш 59,8%га ўсиб 5,6 млрд. сўмни (2.2.2 – чизма) ва биржадан ташқари сегментда 14,1%га қисқариб, 5,6 млрд. сўмни ташкил этди. Биржадан ташқари бозорда сотишнинг кенгайишига иккиламчи бозорни инфратузилма сегментини етарли даражада ривожланмаганлиги тўсқинлик қилмоқда, бу эса кичик миқдордаги акциялар пакетини, хусусан республика вилоятларида сотишда қийинчиликлар келтириб чиқармоқда.

2.2.2 - чизма. Иккиламчи фонд бозорида акцияларни сотиш (млрд. сўм)



Манба: ЎзР Давлат мулк қўмитаси қошидаги қимматбаҳо қоғозлар бозори фоолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази

Қимматбаҳо қоғозлар иккиламчи бозорида катта улуши тижорат банклари акцияларига (30,9%), хўжалик бирлашмалари таркибига кирмайдиган акционерлик жамиятлари (20,6%), “Ўзқурилишматериаллари” АК (13,2%), “Ўзбекенгилсаноат” ДАК (5,8%), “Ўздонмахсулот” АК (4,9%), “Ўзёғмойтамакисаноат” уюшмаси (2,5%) ва “Ўзпахтасаноат” корхоналарига (2,2%) тўғри келади.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорида (“Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати”, “Амантайтау Голдфилдс”, “Нурон савдо” ва бошқалар) инвестицион жозибатор акционерлик жамиятлари ва маъсулияти чекланган жамиятлар ёнида чиқарилган корпоратив облигацияларни муомаласи ўсиши тенденцияси кузатилмоқда. 2005 йил 1 чорагига корпоратив облигацияларни сотиш-сотиб олиш бўйича 8,0 млрд. сўмга битимлар тузилган бўлиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичдан 3,5 марта кўпдир ва уларнинг 4,1 млрд. сўм (ўсиш 20,5 марта) бирламчи бозорда ва 3,9 млрд. сўмни иккиламчи бозорда (ўсиш 1,9 марта) сотилган.


2005 йил 1 чорагига РКМБ ва унинг шаҳобчаларида мунтазам электрон биржалар савдоларидан ташқари (ҳафтада уч марта) 219 акцион ва савдо кўриклари ўтказилган. Биржа ва биржадан ташқари савдоларда сотилган объектларнинг суммавий сонидagi улуши мос равишда 77,3% ва 22,7%ни ташкил этди. Бу кўчмас мулк объектлари сотишни биржа савдолари йўли билан амалга оширишнинг қулайлиги тенденциясини узоқ вақт сақланиб қолаётганлигидан далолат беради.

Жами 5,6 минг кўчмас мулк объектлари 11,0 млрд.сўмга сотилган (2.2.3, 2.2.4 – чизмалар ва 2.2.2 – илова). Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатлари мос равишда: сотилган объектларнинг сони бўйича 45%; сотувдан тушган тушумнинг ҳажми бўйича 29,0%ни ташкил этди. Объектларни сотишни сон кўрсаткичларини қиймат кўрсаткичларига нисбатан тез ўсиши янги хусусийлаштириш дастури қабул қилгунга қадар давлат томонидан савдога паст баҳога эга бўлган кичик объектларни қўйилиши билан изоҳланади.

Кўриб чиқилаётган чорақда 1,6 минг давлат объектлари 1,1 млрд. сўмга сотилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 66,7% ва 32,4%ни ташкил этади. Бунда битта объектнинг ўртача сотиш баҳоси 1426 минг сўмдан 667 минг сўмгача пасайган.

2005 йил 1 чорагида жисмоний ва юридик шахслар томонидан савдога қўйилган кўчмас мулк объектларини сотиб олиш кескин ўсди. 4,0 минг нодавлат объектлари 10,0 млрд.сўмга сотилган бўлиб, ўтган йилнинг 1 чорагига нисбатан мос равишда 2,7 ва 1,9 марта кўпдир.

2.2.3 - чизма. РКМБ орқали сотилган объектлар сони (минг. дона.)




Манба: Республика кўчмас мулк биржаси.

РКМБсида сотилган мулкни сон ва қиймат таркиби тузилишида қишлоқ хўжалиги объектларининг ўсиши содир бўлди (чорвачилки бинолари, товуқ фабрикалари ва бошқалар). 2005 йил 1 чорагида 2484 та объект 3416 млн. сўмга (2.2.2 – илова) сотилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мос равишда 3,9 ва 3,5 марта кўпдир. Бунинг натижасида сотилган мулклар ушбу кўчмас мулк объектларининг сони таркибидаги улуши 27,8 фоиз даражага ва қиймат таркибида 19,5 фоиз даражага ўсган (2.2.2 – жадвал).

РКМБ қиймат айланмасининг катта қисмини уй-жой, ва уй-жой ҳисобланмайдиган бинолар ва бошқа мулклардан тушган тушумлар ҳисобидан шаклланиши тенденцияси сақланиб қолди. 1072 объект 5134 млн. сўмга сотилган бўлиб, бу биржа қиймат айланмасининг 46,5%ини ташкил этади (2.2.2 – жадвал). Бироқ ушбу гуруҳдаги объектларни умумий сотилган мулклар сонидagi улуши 19,1%ни ташкил этган, холос. Ушбу маълумотлар турли фойдаланишга мўлжалланган объектларни ўртача баҳоси мулкларни бошқа гуруҳ объектларини ўртача сотиш баҳосидан юқори бўлганлигидан далолат беради. Фақат 168 маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари жами сотиш ҳажми (161 таси хусусий, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан сотувга қўйилган эди) 3,0 млрд. сўмдан юқори бўлди ва ушбу гуруҳдаги объектларни сотиш умумий қийматини 60,7%ини ташкил этди.

2.2.4 - чизма. Кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган тушум (млрд. сўм)



Манба: Республика кўчмас мулк биржаси.

2.2.2-жадвал. РКМБ орқали сотилган мулкларнинг таркибий тузилиши (жамига нисбатан %да)

Мулк шакллари	04/1		05/1	
	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
Тугалланмаган қурилишлар	4,8	4,0	3,5	4,6
Савдо ва маиший хизмат объектлари	7,6	31,7	8,9	17,0
Қишлоқ ва сув хўжалиги объектлари	16,4	11,4	44,2	30,9
Ер участкалари	56,0	1,8	24,3	1,0
Турар жой ва нотурар жой бинолари, бошқа мулклар	15,2	51,1	19,1	46,5
Жами	100	100	100	100

Манба: Республика кўчмас мулк биржаси.

2005 йил 1 чорагида 499 савдо ва маиший хизмат объектлари сотилди, бу эса ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичидан 1,7 марта кўпдир. Шу билан бир вақтда уларни сотишдан тушган тушум паст баҳодаги кичик объектларни сотувга қўйилиши сабабли 44,1%га қисқарган. Натижада РКМБ қиймат айланмасида савдо ва маиший хизмат объектлари улуши 14,7%ни ташкил этди (2.2.2 жадвал).

199 та қурилиши тугалланмаган объектлар 509 млн. сўмга сотилган. Ўсиш суръатлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8,2% ва 48,4% ташкил этди. Ушбу тоифадаги объектларни кичик миқдорда сотилиши натижасида РКМБ орқали сотилган мулкнинг сони ва тушумини умумий ҳажмида улушини паст даражаси сақланиб қолди (3,5% ва 4,6%).


Давлатга тааллуқли бўлган ва яқка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган 1369 бирлик ер участкалари умрбод фойдаланиш ҳуқуқи билан 104 млн. сўмга сотилган. Юридик шахсларга эгалик қилиш ҳуқуқи берадиган сотилган ер участкалари сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан маҳаллий ҳокимият ташкилотлари томонидан уларни савдога қўйишнинг қисқарганлиги сабабли 806 бирликка (37,2%)га камайган. Шунингдек, бошқа кўчмас мулк турлари, хусусан қишлоқ хўжалиги объектларини сотишни кўпайиши кўриб чиқилаётган ер участкаларини РКМБда сотилган мулкни умумий сонидagi улуши 31,7 фоиз даражага қисқариб, 24,3%ни ташкил этди.

2.2.2 – жавдалда келтирилган мулк турлари бўйича маълумотлар билан бирга иккинчи йили давлат ва хусусий шахслар томонидан савдога маъсулияти чекланган жамиятлар низом фондларидаги улуши РКМБ орқали сотилмоқда. 2005 йил 1 чорагида 76 маъсулияти чекланган жамиятдан 40 жамиятнинг низом фондидаги улуши савдога қўйилган. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116 маъсулияти чекланган жамиятларни низом жамғармасидаги улуши (1,6 мрата кўп) сотилган бўлиб, уларнинг 113 та давлатга тегишли ва фақат учтаси хусусий шахсларники бўлган. Иқтисодиётда хусусий секторни кенгайтиришга йўналтирилган хусусийлаштиришнинг янги дастурини қабул қилиниши муносабати билан яқин даврда маъсулияти чекланган жамиятларнинг низом фондида давлат улушини савдога қўйилиши кескин кўпайиши кутилмоқда.

2.3. Кичик тадбиркорлик

Кичик тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсаткувчи бозор инфратузилмасини шакллантириш ва давлат томонидан қўллаб қувватлаш чора тадбирларининг амалга оширилиши иқтисодиётнинг барча тармоқларида кичик тадбиркорликнинг ривожланишига ва унинг республика ЯИМсидаги улушининг ортисига олиб келди. 2005 йилнинг 1 чорагида кичик тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиёти ўсишидаги улушининг ортиси, бандликни ўсиши ва янги ишчи ўринларининг яратилиши билан характерланади. КТнинг ЯИМдаги улушининг ўсишига (0.4 фоиз даража) озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларида кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг фаолияти сабаб бўлди.

2.3.1 - чизма. ЎзР ЯИМда КТнинг улуши, (%да)



Манба: Ўз3 Статистика Давлат қўмитаси.

Тахлил қилинаётган давр мобайнида ЯИМ таркибида яқка тартибда фаолият юритувчиларнинг юқори улуши яъни 14.5% сақланиб қолди. ЯИМда микрофирмалар улушининг ўсиши 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 0.4 фоиз даражани ташкил этди. ва 6.5%га етди. ЯИМда кичик корхоналарнинг улуши саноат маҳсулотлари ва пуллик хизматларнинг камайиши ҳисобига 0.1 фоиз даражага қикарди. (2.3.2; 2.3.6 жадваллар, 2.3.2 илова).

2.3.1 – жадвал. Кичик тадбиркорлик ривожланиш даражасининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ўл.бир.	04/1	05/1
Кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши	%	27,8	28,2
Кичик тадбиркорликда иш билан банд бўлганлар	минг киши	5680,6	6236,2*)
Кичик тадбиркорликда бандликни жами иқтисодиётда банд бўлганлардаги улуши	%	60,4	64,0
Хўжалик субъектларида банд бўлганлар сони **)	минг киши	1041,5	1258,3 ¹⁾
кичик корхоналар	минг киши	231,5	239,3
микрофирмалар	минг киши	810,0	1019,0
КТда янги ташкил этилган иш ўринлари ***)	минг ўрин	113,3	112,3
1000 киши ҳисобига фаолият юритаётган КТ субъектлари	дона	8,7	9,4

Манба: ЎзР Статистика Давлат қўмитаси *) олдиндан тайёрланган маълумотлар **) турли соҳа корхоналарида банд бўлганлар сони ***) Меҳант ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

2.3.2. жадвал. ЯИМ ва ЯҲМда кичик тадбиркорликнинг улуши (%да)

	жами		шу жумладан					
			кичик корхоналар		микрофирмалар		яқка тартибдаги тадбиркорлик	
	04/1	05/1	04/1	05/1	04/1	05/1	04/1	05/1
Ўзбекистон Р.	27,8	28,2	7,3	7,2	6,1	6,5	14,4	14,5
Қорақалпоғистон Р.	32,8	34,8	8,3	8,2	10,6	14,3	13,9	12,3
Андижон	34,2	29,8	6,6	5,5	5,8	6,0	21,8	18,3
Бухоро	29,7	32,5	6,8	7,5	7,5	8,3	15,4	16,7
Жиззах	45,5	45,2	6,6	5,9	10,4	11,3	28,5	28,0
Қашқадарё	22,8	21,0	4,9	3,8	5,2	5,5	12,7	11,7
Навоий	13,0	12,6	2,4	2,2	2,9	2,7	7,7	7,7
Наманган	39,3	42,6	9,2	9,5	8,4	8,7	21,7	24,4
Самарқанд	50,8	51,1	10,7	10,6	7,4	8,1	32,7	32,4
Сурхондарё	34,2	37,0	6,0	6,1	7,2	7,6	21,0	23,3
Сирдарё	37,1	39,4	9,8	9,7	6,5	7,8	20,8	21,9
Тошкент	28,1	28,8	7,1	7,2	5,4	5,8	15,6	15,8
Фарғона	32,2	34,4	7,5	7,6	7,0	8,0	17,7	18,8
Хоразм	38,2	40,9	6,6	7,9	7,5	7,2	24,1	25,8
Тошкент ш.	40,9	38,1	16,0	14,5	10,7	9,9	14,2	13,7

Манба: ЎзР Статистика Давлат қўмитаси

ККларнинг ЯИМдаги улушининг ўсиши Самарқанд (51,1%), Жиззах (45,2%), Наманган (42,6%), Хоразм (40,9%) вилоятларида кузатилди. Бу ўсиш асосан фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ортиши ҳисобига юз берди. Бундай ўсиш Сирдарё (39,4%), Сурхандарё (37,0%), Бухоро (32,5%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (34,8%) ҳам кузатилди. ЯИМда ККларнинг қисқариши Андижон вилоятида 4,7 фоиз даражага, Қашқадарё вилоятида 1,8 фоиз даража, Навоий вилоятида 0,4 фоиз даража ва Тошкент шаҳрида 2.8 фоиз даража пасайиш кузатилди. Бундай қисқариш саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарнинг камайиши ҳисобига юз берди. (2.3.2; 2.3.4 жадваллар).

2005 йилнинг уч ойи мобайнида КТда банд бўлганларнинг улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9.8%га ортди ва жами 6.2 миллион кишини ташкил этди. (2.3.3 жадвал, 2.3.2. чизма), Бу эса мазкур соҳанинг ижтимоий муаммоларни хал қилишга ижобий таъсир кўрсатаётганлигидан далолат беради. КТда банд бўлганлар ялпи иқтисодиётда банд бўлганларга нисбатан улуши 60.4% ўрнига 64.0%ни ташкил этди. Бундай ўсиш истеъмол мажмуасида ишчи ўринларининг ва корхоналар сонининг ортиши, машинасозлик, металлургия, ёнилғи энергетика мажмуаси каби базавий тармоқларда маҳаллийлаштириш дастурларининг амалга оширилиши ҳисобига юз берди. ККларда жами ташкил 112.3 минг тани ташкил этди (2.3.1. жадвал).


Хўжалик юритиш субъектларида юқори даражадаги иш билан бандлик яъни 20.8%га ўсди, миқдорий кўринишда эса уларнинг сони 216.3 минг кишига ошди. (2.3.1 жадвал, 2.3.1 илова).

Кўплаб ҳудудларда КҚда банд бўлганлар сони ўртача республика кўрсаткичидан (9.8%) юқори бўлди, Андижон (8,4%), Самарқанд (8,1%), Сирдарё (8,1%), Фарғона (7,7%) вилоятлари ва Тошкент шаҳарлари (7,3%) бундан мустасно. Уларда бу кўрсаткич бирқанча паст даражада бўлди.

2005 йилнинг 1 чорагида КҚнинг сони 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 110.3%га яъни 22.9 минг тага ўсди. (2.3.4 жадвал, 2.3.1 илова.). Шу вақтнинг ўзиде фаолият юритаётган ККларнинг республика бўйича рўйхатдан ўтган корхоналардаги улуши 2004 йилнинг 1 чорагидаги 86.8%дан 83.4%га камайди. Мазкур кўрсаткичнинг камайиши Андижон, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Наманган вилоятларидан КТ корхоналарнинг ёпилганлиги сабаб бўлди.

Фаолият юритаётган корхоналар сонининг 2004 йилнинг шу даврига нисбатан юқори суръатларда ўсиши Қашқадарё (82,3%), Хоразм (33,1%), Сурхандарё (17,1%), Бухоро (14,3%) вилоятларида кузатилди. Корхоналарнинг кўпайиши шунингдек Қорақалпоғистон Республикасида, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида кузатилди. Рўйхатдан ўтган корхоналарнинг фаолият юритиш кўрсаткичларининг энг юқориси Кашқадарё – 94,4%, Сирдарё – 91,4%, Бухоро вилоятларида – 90,5% Қорақалпоғистон Республикасида – 90,7% қайд этилди (2.3.4 жадвал). Фаолият юритаётган ККларнинг сезиларли даражада ўсишига қишлоқда хўжалик юритишнинг энг мақбул тури бўлмиш фермер хўжаликлари сабаб бўлмоқда.

2.3.2 - чизма. КТда банд бўлганлар сони, (минг. киши)



Манба: ЎзР Статистика Давлат қўмитаси


этилган янги ишчи ўринларининг сони 112.3

2.3.3 - жадвал. Ҳудудлар бўйича КТда банд бўлганлар сони (минг киши.)

ҳудудлар	04/1	05/1	ўсиш, %
Ўзбекистон Р.	5680,6	6236,2	109,8
Қорақалпоғистон Р.	311,8	345,6	110,8
Андижон	534,4	579,1	108,4
Бухоро	377,9	422,5	111,8
Жиззах	215,9	239,0	110,7
Қашқадарё	473,7	536,1	113,2
Навоий	149,0	164,4	110,3
Наманган	367,2	407,8	111,1
Самарқанд	624,7	675,6	108,1
Сурхандарё	391,1	436,6	111,6
Сирдарё	176,5	190,8	108,1
Тошкент	531,5	587,0	110,4
Фарғона	665,9	717,5	107,7
Хоразм	300,9	333,0	110,7
Тошкент ш.	560,1	601,2	107,3

Манба: ЎзР Статистика Давлат қўмитаси

2.3.3 - чизма. Фаолият юритаётган КТ корхоналари сони, (минг. дона)



Манба: ЎзР Статистика Давлат қўмитаси

Ҳар минг кишига республика бўйича фаолият юритаётган ККлар 8.0%га ўсди ва 2004 йилнинг шу давридаги 8.7 тадан 9.4 тага етди (таққослаш учун, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 35 донани ташкил этади).

2.3.4 - жадвал. Худудлар бўйича фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони (минг дон)

худудлар	04/1		05/1	
	Фаолият юритаётган КТ корхоналари	Фаолият юритаётган КТ корхоналарининг рўйхатдан ўтган КТ корхоналари умумий сонидagi улуши, %	Фаолият юритаётган КТ корхоналари	Фаолият юритаётган КТ корхоналарининг рўйхатдан ўтган КТ корхоналари умумий сонидagi улуши, %
Ўзбекистон Р.	222,4	86,8	245,3	83,4
Қорақалпоғистон Р.	12,2	90,1	13,4	90,7
Андижон	18,8	88,9	14,6	68,6
Бухоро	17,5	91,8	20,0	90,5
Жиззах	16,6	90,4	14,4	77,8
Қашқадарё	29,4	93,7	45,4	94,4
Навоий	9,2	93,2	8,9	83,9
Наманган	12,3	76,8	13,0	73,9
Самарқанд	20,2	88,8	18,6	80,9
Сурхондарё	11,1	82,1	13,0	81,7
Сирдарё	10,0	94,4	11,0	91,4
Тошкент	16,1	84,9	17,9	87,5
Фарғона	18,7	86,7	20,1	79,8
Хоразм	12,7	85,6	16,9	84,9
Тошкент ш.	17,6	71,2	18,5	73,2

Манба: ЎзР Статистика Давлат қўмитаси

2.3.5 - жадвал. Иқтисодий тармоқлари бўйича фаолият юритаётган КТ субъектлари сони, (минг дон.)

кўрсаткичлар	04/1	05/1
Ўзбекистон Р.	222,4	245,3
Саноат	21,1	18,3
кичик корхонлар	2,2	2,0
микрофирмалар	18,9	16,3
Қишлоқ хўжалиги	130,0	160,1
кичик корхонлар	2,7	3,4
микрофирмалар	127,4	156,7
Транспорт ва алоқа	2,1	2,4
кичик корхонлар	0,4	0,4
микрофирмалар	1,7	1,9
Қурилиш	11,2	10,6
кичик корхонлар	0,8	0,9
микрофирмалар	10,3	9,7
Савдо ва умумовқатланиш	42,7	39,4
кичик корхонлар	7,9	6,7
микрофирмалар	34,8	31,6

Манба: ЎзР Статистика Давлат қўмитаси

Биринчи чорак мобайнида қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган КТ субъектларининг ўсиш суръатлари 12.1%ни ташкил этди. Кичик корхоналар 25.9%га, микрофирмалар 23.0%га ошди. Бу асосан паст рентабеллик ширкат хўжалиklarининг фермер хўжалиklarига айлантирилаётганлиги билан боғлиқ. Транспорт ва алоқада фаолият юритаётган КТ субъектларининг 114,3%га ўсиши кузатилди.

Иқтисодийнинг бошқа тармоқларида фаолият юритаётган КТ субъектларининг пасайиши кузатилди. Энг кўп пасайиш бўлган тармоқлар асосан микрофирмаларнинг камайиши ҳисобига саноат (13,3%), қурилиш (5,4%), савдо ва умумий овқатланишда (7,8%) бўлди (2.3.5 жадвал).

КТ субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2004 йилнинг мос

даврига нисбатан 7.7%га камайди ва унинг ялпи саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 8.4%ни ташкил этди (2.3.6 жадвал ва 2.3.2 илова). Кичик ва яқка тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб ичқаришнинг пасайиши асосан тармоқда фаолият юритаётган КТ субъектларининг камайиши билан изоҳланади.

2005 йилнинг 1 чорагида кичик бизнес корхоналари истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни 0.9 фоиз даражага қиқартирдилар, бу асосан кичик корхоналарда ишлаб чиқаришнинг 1.2 фоиз даража камайиши ҳисобига юз берди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши (0.3 фоиз даража) микрофирмаларда кузатилди ва яқка тарихидаги тадбиркорликда барқарор сақланиб қолди. Саноат тармоқларида КТликнинг ривожланишига локализациялаш дастурлари ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, улар томонидан электр техниклари, қурилиш материаллари, коллеж ва лицейлар учун махсус маҳсулотлар, спорт инвентарлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ККларнинг улуши 3.7 фоиз даражага ортди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ККларнинг улуши 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 0,3 фоиз даража ортиб, 93.6%ни ташкил этди. (2.3.6 жадвал). Бундай ўсишга асосан дехқон

хўжаликлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 0,4 фоиз даража ўсганлиги сабаб бўлди. КТлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши 90.4%ни ташкил этди.

Чакана савдо айланмасида ККларнинг улуши 0.3 фоиз даража ортди, бу асосан микрофирмалар улушини 2004 йилдаги 5.0%дан 6.2% ортганлиги ҳисобига юз берди.

Пуллик хизматларда КТларнинг улуши барқарорлашди. Улар салмоғининг 0.2 фоиз даражага пасайиши мазкур соҳада КТларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда КК улушининг 13.0% қисқариши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги мавсумийлик ташқи иқтисодий фаолиятдаги вазиятга таъсир кўрсатди. Экспорт ҳажмида ККларнинг улуши 4.1 фоиз даражага камайди ва 2004 йилнинг шу давридаги 8.7% ўрнига 4.6%ни ташкил этди (2.3.7 жадвал, 2.3.3 илова). Бундан ташқари, экспортнинг камайиши сифат назоратининг пастлиги билан ҳам изоҳланади, бу эса уларнинг ташқи ва ички бозордаги рақобатбардошлигини пасайтиради.

КТлар маҳсулотларини экспорт қилишда ҳудудлар бўйича Наманган (8,6 фоиз даража), Сирдарё (2,0 фоиз даража), Сурхандарё (0,5 фоиз даража) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (6,9 фоиз даража) юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Қолган барча ҳудудларда экспортнинг пасайиши кузатилди, энг юқори кўрсаткичлар Самарқанд (11,4 фоиз даража), Тошкент (23,2 фоиз даража), Фарғона (7,7 фоиз даража), Хоразм (5,7 фоиз даража) вилоятларида кузатилди. (2.3.8. жадвал).

Импорт фаолияти бўйича вазият нисбатан яхши. ККларнинг импортдаги улуши бир хил даражада (29.4%) сақланиб келмоқда, бироқ, уларнинг энг асосий қисмини (11,6%) микрофирмалар амалга оширмоқдалар. Бунда ўсиш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1.0 фоиз даражани ташкил этди.

2.3.6 - жадвал. Иқтисодий тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши, (%)

Кўрсаткичлар	04/1	05/1
Саноат		
Кичик тадбиркорликнинг саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши	9,1	8,4
кичик корхоналар	3,9	3,5
микрофирмалар	1,9	1,9
якка тартибдаги тадбиркорлар	3,3	3,0
Кичик тадбиркорликнинг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдаги улуши	22,3	21,4
кичик корхоналар	8,8	7,6
микрофирмалар	2,0	2,3
якка тартибдаги тадбиркорлар	11,5	11,5
Кичик тадбиркорликнинг озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши	31,3	35,0
кичик корхоналар	7,9	8,2
микрофирмалар	1,9	2,2
якка тартибдаги тадбиркорлар	21,5	24,6
Қишлоқ хўжалиги		
Кичик тадбиркорликнинг ялпи ишлаб чиқаришдаги улуши	93,3	93,6
кичик корхоналар	0,7	0,7
микрофирмалар	2,6	2,5
якка тартибдаги тадбиркорлар	90,0	90,4
Чакана товар айланмаси		
Кичик тадбиркорликнинг товар айланмасидаги улуши	40,2	40,5
кичик корхоналар	7,9	7,7
микрофирмалар	5,0	6,2
якка тартибдаги тадбиркорлар	27,3	26,6
Пуллик хизматлар		
Кичик тадбиркорликнинг пуллик хизматлар кўрсатишдаги улуши	42,3	42,1
кичик корхоналар	3,5	3,2
микрофирмалар	2,9	2,9
якка тартибдаги тадбиркорлар	35,9	36,0

Манба: ЎзР Статистика Давлат қўмитаси

2.3.7 - жадвал. Ташқи иқтисодий фаолиятда кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши, (%)

Кўрсаткичлар	04/1	05/1
Экспорт		
Кичик тадбиркорликнинг экспортдаги улуши	8,7	4,6
кичик корхоналар	4,0	3,2
микрофирмалар	3,6	0,4
якка тартибдаги тадбиркорлар	1,2	1,0
Импорт		
Кичик тадбиркорликнинг импортдаги улуши	29,4	29,4
кичик корхоналар	13,6	13,7
микрофирмалар	10,6	11,6
якка тартибдаги тадбиркорлар	5,2	4,1
Ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этадиган кичик тадбиркорлик субъектлари	1807	2016

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Ўзбекистоннинг товарлар импортида КК импорти улуши Қорақалпоғистон Республикасида, Жиззах, Навоий, Наманган, Хоразм вилоятларида юқори бўлди, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида пасайди (2.3.8. жадвал).

Экспорт - импорт операцияларида иштирок этувчи КТ субъектларининг ўсиши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 11.6%ни ташкил этди (2.3.7 жавдал ва 2.3.3 илова). Бу эса уларнинг ташқи бозорлардаги ташқи иқтисодий фаолияти кенгайганлигидан далолат беради.

2.3.8 – жадвал. Минтақалардаги кичик корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги улуши, (%)

Минтақалар	КК экспортининг ялпи экспортдаги улуши		КК импортининг ялпи импортдаги улуши	
	04/1	05/1	04/1	05/1
Ўзбекистон Р.	8,7	4,6	29,4	29,4
Қорақалпоғистон Р.	2,0	8,9	6,1	74,1
Андижон	3,6	2,1	7,8	5,3
Бухоро	2,2	1,3	42,2	86,8
Жиззах	2,0	1,7	98,9	46,7
Қашқадарё	2,6	1,4	16,3	35,2
Навоий	0,3	0,2	1,7	3,0
Наманган	65,3	73,9	81,5	39,3
Самарқанд	26,2	14,8	47,9	41,9
Сурхондарё	4,0	4,5	94,5	33,9
Сирдарё	0,6	2,6	85,3	36,4
Тошкент	25,2	2,0	49,8	34,6
Фарғона	16,9	9,2	43,4	35,2
Хоразм	6,0	0,3	66,3	42,6
Тошкент ш.	10,0	7,0	28,9	35,1

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши мамлакат иқтисодий ўсишини таъминловчи омиллардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон кичик корхоналари иқтисодиётнинг барча соҳалари жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қурилиш, савдо, хизматлар, қишлоқ хўжалигида ўзининг барқарор ривожланиш босқичига кирмоқда. Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг устивор йўналишларидан бири бу маҳаллий хомашё асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобланади. Бунда асосий эътибор кичик ва хусусий тадбиркорликка қаратилади. Бу кичик тадбиркорлик янги кўринишларда намоён бўлишидан ва мамлактни саноатлаштиришнинг янги босқичида асосий ўринни эгаллашидан далолат беради.

2.1.1 - илова. Давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг асосий кўрстаклари (дона.)

Кўрастакларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Хусусийлаштирилган корхоналарнинг сони	374	1449	1912	1519	1228	365	195
Хусусийлаштирилган мулклар базасида ташкил қилинган нодавлат мулк шаклидаги корхоналар сони	372	1238	1800	1452	1228	352	195
Акционерлик жамиятлари	152	227	223	75	28	13	1
Маъсулияти чекланган жамият	117	184	325	396	162	70	11
Хусусий корхона	103	827	1252	981	1038	269	183
Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар (млрд. сўм)	14,3	23,2	43,6	56,1	78,4	13,8	16,6

Манба: ЎзР давлат мулк қўмитаси

Изоҳ: акционерлик жамиятлари бир қанча давлат корхоналари мулкларини бирлаштириш ёки бирорта корхона мулкларини бўлиш йўли билан ташкил этилган.

2.2.1 - илова. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида акцияларнинг сотилиш ҳажми динамикаси(млрд. сўм)

Кўрсаткичларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қимматбаҳо қоғозлар бозорида сотилган акцияларнинг жами	17,11	26,13	41,74	74,7	115,03	30,39	21,30
Бирламчи бозорда	6,23	12,26	16,33	53,9	62,08	20,36	10,1
Биржада	4,60	6,84	10,53	19,7	18,48	3,66	2,85
Биржадан ташқарида	1,63	5,42	5,80	34,2	43,6	16,70	7,25
Иккиламчи бозорда	10,88	13,87	25,41	20,8	52,95	10,03	11,2
Биржада	0,63	1,10	4,60	12,4	22,76	3,51	5,61
Биржадан ташқарида	10,25	12,77	20,81	8,4	30,19	6,52	5,59

Манба: Қимматбаҳо қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат маркази.

2.2.2 - илова. Республика кўчмас мулк биржаси орқали сотилган мулкларнинг сони ва қиймати (дона/млн. сўм)

Мулк турлари	2000		2001		2002		2003		2004		04/1		05/1	
	сон	суммаси	сон	суммаси	сон	суммаси	сон	суммаси	сон	суммаси	сон	суммаси	сон	суммаси
Тугалланмаган қурилишлар	296	630	265	559	180	832	586	1176	896	1449	184	343	199	509
Савдо ва маиший хизмат объектлари	419	450	548	1221	436	1039	954	3203	1423	7232	294	2713	499	1882
Банкрот корхоналар мулки	435	1028	565	1264	289	719	372	1559	23	524	-	-	-	-
Бюджетга қарзлари учун ундирилган мулклар	-	-	2211	1345	2230	1409	209	388	3	1	-	-	-	-
Суд қарори билан ундирилган мулклар	-	-	496	415	343	312	147	391	26	149	-	-	-	-
Қишлоқ ва сув хўжалиги объектлари	602	450	510	367	413	396	904	653	2516	4376	636	976	2484	3416
Ер участкалари	5700	254	8662	504	8335	551	7391	490	6296	618	2169	159	1363	105
Тураржой ва нотураржой бинолар, бошқа мулклар	1491	3368	1959	6675	2058	10913	3350	15600	3416	13928	589	4371	1072	5134
Жами	8943	6180	15216	12350	14284	16171	13913	23460	14599	28277	3872	8562	5617	11046

Манба: Республика фонд биржаси.

2.3.1. илова. Кичик тадбиркорлик ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўл.бир	2000	2001	2002	2003	2004	04/I	05/I
Кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши	%	31,0	33,8	34,6	35,0	35,6	27,8	28,2
Кичик корхоналар ва микрофирмалар	%	13,1	14,8	15,7	16,5	18,6	13,4	13,7
Фаолият юритаётган юридик шахслар	минг та	149,3	177,7	215,7	210,1	237,5	222,4	245,3
Хўжалик субъектларида банд бўлганлар сони	минг киши	745,3	801,8	931,2	1045,1	1349,0	1009,3	1258,3

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

2.3.2. илова. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича махсулот ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши, (%)

Фаолият турлари	2000	2001	2002	2003	2004	04/I	05/I
Саноат	11,3	14,1	14,1	10,9	10,7	9,1	8,4
Қишлоқ хўжалиги	72,4	75,6	76,4	78,1	80,9	93,3	93,6
Чакана товар айланмаси	45,9	45,8	43,8	42,4	41,8	40,2	40,5
Пуллик хизматлар	37,9	39,9	41,3	45,4	47,4	42,3	42,1

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

2.3.3 – илова. Республика ташқи савдо айланмасида иштирок этувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	04/I	05/II
Экспорт, %	10,2	9,0	7,5	6,9	7,3	8,7	4,6
Импорт, %	27,4	26,9	24,9	33,0	32,7	29,4	29,4
Ташқи савдо айланмасида иштирок этувчи кичик тадбиркорлик субъектлари, минг та	2,8	2,5	2,7	3,2	3,8	1,8	2,0

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

3. Таркибий-инвестицион сиёсат

3.1. Саноат.

Саноат ишлаб чиқариш соҳасида ривожланишнинг ижобий динамикаси сақланиб қолди. 2005 йилнинг 1-чорагида саноат ўсишининг индекси 108.3%ни ташкил этди. ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркибида саноатнинг улуши 27,4%га етди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4.5 фоиз даражага кўп бўлди.

Автомобилсозлик корхоналарининг юқори ташқи иқтисодий кўрсаткичлари машинасозлик саноатининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Машинасозлик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 49,5%га ўсди (3.1.1 - жадвал). Қиймат кўрсаткичларининг интенсив тарзда ўсишига автомобиллар ишлаб чиқаришнинг 1.9 баробар ўсганлиги ҳисобига юз берди.

Импортни камайтириш ва маҳсулотлар таннархини пасайтиришга қаратилган ишлаб чиқаришни локализациялаш машинасозлик маҳсулотларининг нарх индексини барқарор бўлишини таъминлади. Машинасозлик маҳсулотлари нархининг ўсиши ўтган йилдаги кўрсаткичдан атиги 4.9 фоиз даража кўп бўлди, бу эса миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозордаги ўрнининг мустаҳкамланишига олиб келди. Ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг экспортга чиқарилиш кўрсаткичи 45,5% дан 54,7%га ўсди.

Мамлакат тижорат банклари томонидан ажратилган истеъмол кредитлари асосида автомобиллар сотишнинг йўлга қўйилганлиги ички бозорда автомобилларга бўлган талабнинг ошишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, электротехника ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоқларининг нобарқарорлиги қайд этилди. 2005 йилнинг 1 чорагида тракторлар ишлаб чиқариш 5.4%га, музлаткич ва кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш 68.3%га қисқарди.

3.1.1 – жадвал. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси

	(ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)	
	04/1	05/1
Саноат	108,8	108,3
Электроэнергетика	103	98,2
Ёқилғи	109,1	99,2
Қора металлургия	119,1	127,4
Рангли металлургия	100,7	100,7
Кимё	96,1	107,3
Машинасозлик	135,3	149,5
Ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш	121,6	120,3
Қурилиш материаллари саноати	115,0	104,4
Енгил	105,4	113,1
Озиқ овқат	102,1	100,1
Бошқалар	141,1	106,1

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

маҳсулотлари ўсиш индекси 7.3%ни ташкил этди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан нархларнинг ўсиши ҳисобига юз берди. Кимё маҳсулотлари нархларининг индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 125.3%ни ташкил этди. Кимё маҳсулотларининг асосий турларининг хажмининг ортиши асосан фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг 6.2%га, олтингугурт кислотаси ишлаб чиқаришнинг 4.3%га, ўсимликларни кимёвий химоялаш воситалари ишлаб чиқаришнинг 32.8%га ўсиши ҳисобига юз берди. Шу билан бирга, азот ўғитларининг 2.0%га, синтетик смола ва пластмассанинг 6.4%га қиқариши кузатилди. (3.1.2. жадвал).

Нарх рақобатбардошлигининг пастлиги натижасида ички ва ташқи бозорда талабнинг пасайиши кимёвий тола ва иплар ишлаб чиқариш 61.2%га камайди. Кимёвий тола ва ипларни ишлаб чиқариш тармоқларининг келгусидаги ривожланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи пасайиши билан боғлиқ.

Ички ва ташқи бозорларда қора ва рангли металлургия бўлган юқори талаб металлургия комплексидаги ўсишнинг асосий омили бўлди. Қора металлургияда маҳсулотлар ишлаб чиқариш индексининг ўсиши 27.4%ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабнинг юқорилиги пўлат ишлаб чиқаришни 17.3%га, қора металлургия ишлаб чиқаришни 22.7%га ўсишига сабаб бўлди. Жаҳон нархларининг юқорилиги мазкур тармоқ маҳсулотлари экспортини ошишини таъминлади. Металлургия комплекси маҳсулотлари экспорти 52.6%га ортди. Натижада, мазкур тармоқнинг ялпи саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 16.7%дан 18%га, экспортдаги улуши 7.0% дан 9.7%га ортди.

Ички талабнинг ортиши натижасида кимё саноати маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортди. 2005 йилнинг 1 чорагида кимё

3.1.2 - жадвал. Асосий турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекслари

	Ўлчов бирлиги	Натурал кўринишда асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш		Асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш индекси (ўтган йилга нисбатан %да)	
		04/1	05/1	04/1	05/1
Электроэнергетика					
Электроэнергия	млн.кВтс	13672	13273	102,8	97,1
Ёқилғи					
Нефт ва конденсат	минг.т	1768,9	1476,9	100,4	83,5
Газ	млн.куб.м	15528,4	15285,4	106,8	98,4
Сиқилган газ	минг.т	47,2	51,6	134,9	109,8
Кўмир	Минг.т	614	762	117,4	124,3
Металлургия					
Пўлат	Минг.т	132,8	155,7	110,3	117,3
Қора металллар прокати	Минг.т	121,5	149,1	114,2	122,7
Машинасозлик					
Тракторлар	Дона.	649	614	111,5	94,6
Пахта териш машиналари	Дона.				
Экскаваторлар	Дона.	13	1	108,3	7,7
Енгил автомобиллар	Дона.	13300	26290	177,3	197,7
"Дамас"	Дона.	1963	3825	114,8	194,9
"Тико"	Дона.	1133	-	101,6	-
"Нексия"	Дона.	6697	14950	163,9	2,2 p
"Матиз"	Дона.	3507	7515	5,9 p	2,1 p
Рангли телевизорлар	Дона.	10985	13484	2,1 p	122,7
Бронекабел	Км	968	435	3,5 p	44,9
Холодильник ва морозильниклар	Дона.	743	116	7,4 p	15,6
Кондиционерлар	Дона.	72	868	-	12,1 p
Кир ювиш машиналари	Дона.	526	286	5,2 p	54,4
Киме					
Минерал ўғитлар	Минг.т	212,4	210,0	102,4	98,9
азотли	Минг.т	189,8	186,0	106,4	98,0
Фосфорли	Минг.т	22,6	24,0	77,4	106,2
Синтетик аммиак	Минг.т	261,6	257,1	101,0	98,3
Олтингурт кислотаси	Минг.т	207,0	218,2	96,2	104,3
Сунъий смола ва пластмасса	Т	25922	24270	2,0 p	93,6
Кимёвий тола ва иплар	Т	2196	853	52,9	38,8
Сунъий ювиш воситалари	Т	573	70	107,1	12,2
Усимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари	Т	811	1077	132,1	132,8
Лак бўёқ материаллари	Т	1239	1651	126,8	133,6
Саноат қурилиш материаллари					
Девор материаллар	млн.дона. шартли. ғишт.	26,1	12,6	104,4	77,3
Цемент	Минг.т	987,9	1048,8	131,5	106,2
Асбоцемент листлар	млн.шарт..лист	64,3	62,3	90,8	96,9
Керамик плиталар	Минг.кв.м	126,9	89,0	94,0	70,1
Енгил					
Пахта толаси	Минг.т	336,8	413,1	97,7	122,7
Пахта матолар	Минг.т	42,1	39,4	107,1	94,2
Ипак иплар	Т	108,6	116,8	2,1 p	98,6

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Ёнилғи энергетика комплекси (ЁЭК) ривожланишида нарх омили хал қилувчи ўринни эгаллаб келмоқда. Электроэнергетикада нарх индекси 27.3 фоиз даража, ёнилғи тармоқларида 38.7 фоиз даража ўсиши саноатдаги мавжуд нархлар ўсишидан ўзиб кетди. Саноатнинг асосий маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши натижасида ЁЭКнинг саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 23.0%дан 26.9%га ортди.

Ўтган даврнинг ўзига хос жиҳатларидан бири бу ёнилғи энергетика комплексида кўмир саноати ўрнининг мустаҳкамланиши бўлди. Бу тармоқнинг босқичма босқич техник қайта қурулланиши ва модернизацияланиши билан боғлиқ. Кўмир ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида энг катта кўрсаткиччи яъни 124.3%ни ташкил этди. Нефть ва конденсат ишлаб чиқариш ҳажми 16,5%га, табиий газ эса 1.6%га қисқарди.

Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси ўтган йил кўрсаткичидан 7.7 фоиз даража кўпайиб, 13.1%ни ташкил этди. Бу ўсишга асосан енгил саноат маҳсулотлари ҳажмининг 69%ни ташкил этувчи пахта тозалаш тармоғи катта ҳисса қўшди. 2005 йилнинг 1 чорагида пахта толасини ишлаб чиқариш

22.7%га ортиб, ўтган йилдаги пасайишни тўхтатишга мувофақ бўлинди. Пахта толасининг физик ва қиймат ҳажмлари мос равишда 56.4% ва 17.4%га ортди. Мамлакатнинг экспорт даромадлари таркибида пахта тозалаш тармоғининг улуши 25.5%дан 27.3%га ортди.

Енгил саноат маҳсулотлари нархининг секин ўсиши ички тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган қайта ишлаш тармоқларининг динамикасига ижобий таъсир кўрсатди. 2005 йилнинг 1 чорагида нархларнинг ўсиш индекси ўтган йилнинг шу давридаги 138.4% ўрнига 107.0%ни ташкил этди. (3.1.3. жадвал). Талабнинг ортиши натижасида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2.4%га, пайпоқ ишлаб чиқариш 57.0%га, пойафзал ишлаб чиқариш 5.7%га ортди. Шу билан бирга, пахта бўзи ишлаб чиқариш 5.8%га, ипак иплар ишлаб чиқариш 1.4%га қисқарди.

Озиқ овқат саноати ишлаб чиқарувчиларининг нарх индекси аксинча ўсиш тенденциясига эга бўлди. 2005 йилнинг 1 чорагида озиқ овқат маҳсулотларининг нарх индекси ўтган йилдаги 106.0%га қарши 116.0%ни ташкил этди. Тўлов қобилиятининг пастлиги шароитида ички нархларнинг импорт нархларига яқинлашганлиги озиқ овқат саноатининг ривожланишига сабаб бўлди. Тармоқ маҳсулотларининг ўсиш индекси 0.1%ни ташкил этди. Шакар, ун, макарон маҳсулотлари ва бошқаларни ишлаб чиқариш камайди. Бироқ, консервалар, ўсимлик мойлари, пишлоқлар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш тез суръатларда ортиши импорт қилинаётган маҳсулотларнинг 15%га қисқаришига олиб келди.

3.1.3 - жадвал. Саноат тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нархи индекси (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % ҳисобида)

	04/1	05/1
Саноат	129,7	127,5
Электроэнергетика	159	154,8
Ёнилғи	153,6	166,2
Қора металлургия	126,7	110,6
Рангли металлургия	155,6	143,9
Кимё	125,1	125,3
Машинасозлик	101,3	104,9
Ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш	105,5	100,9
Қурилиш матуриаллари саноати	120,7	116,5
Енгил саноат	138,4	107
Озиқ овқат	106	116


Манба: ЎзР Давлат статистика кўмитаси

2005 йилнинг 1 чорагида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 4.4%га ортди. Бу кўрсаткичга асосан цемент ишлаб чиқаришнинг 6.2%га ортиши эвазига эришилди. Девор маҳсулотларининг 22.7%га, асбоцементнинг 3.1%га, керамик плиталарнинг 29.9%га камайиши асосан мавсумий камайиш ҳисобига юз берди. Алоҳида қурилиш материалларига божхона божларининг кутилаётган ортиши маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Ёғочни қайта ишлаш тармоғининг ривожланиши маҳаллий мебел ишлаб чиқарувчиларнинг нарх рақобатбардошлигининг ортиши билан боғлиқ. Ёғочни қайта ишлаш тармоғи ишлаб чиқарувчиларининг нарх индекси ўтган йилга нисбатан 0.9%га ортди, бу ички истеъмолнинг ортишига олиб келди. 2005 йилнинг 1 чорак натижаларига кўра тармоқ маҳсулотлари индексининг ортиши 20.3%ни ташкил этди.

Тармоқлар ривожланишининг натижалари шуни кўрсатдики, таркибий ўзгаришлар динамикасига нарх омили, ички ва ташқи бозорлардаги конъюнктура таъсир кўрсатди. Саноат ишлаб чиқаришининг ялпи таркибида хом-ашё секторининг улуши 39,2%дан 44,9%га, ёнилғи энергетика комплекси улуши 22,9%дан 26,9%га, металлургия тармоғи улуши 16,3%дан 18,0%га ўсди. (3.1.1. чизма).

3.1.1 - чизма. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар (%)



Манба: ЎзР Давлат статистика кўмитаси

Машинасозлик тармоқларининг улуши 10.8%дан 12.3%га ортди, бироқ озиқ овқат ва энгил саноат улушининг 34.3%дан 29.2%га қисқариши умуман саноатда олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатди. Қайта ишлаш, машинасозлик, озиқ овқат ва энгил саноатнинг умумий улуши 45.1%дан 41.5%га камайди. Кимё комплекси улуши илгаридаги каби 5.0% кўрсаткичида сақланиб қолди.

3.2. Истеъмол товарлари бозори

2005 йил 1 чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ўсиши 2004 йил мос даврига нисбатан 16,4%ни ташкил этди, шу жумладан, озиқ-овқат товарлари 0,2%, ноозиқ-овқат товарлари 33,6% (3.2.1 – жадвал). Бундай тенденция аксарият жиҳатдан маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мақсадли дастурини амалга оширилиши ва истеъмол товарларини ўзларида ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ. Ушбу дастурлар кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, қўшма корхоналар ва хориж инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг тармоқ ва ҳудудий тизимларида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва ташкил этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирларни назарда тулади.

Ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни юқори суръатларда ўсишига энгил автомобиллар ишлаб чиқариш (97,7%га) ва маиший техникалар (телевизор 22,7%, совутгичлар 12,1 марта) ҳажмини ошиши эвазига эришилди. Бунда маълум даражада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган “Ўзавтосаноат” акционерлик компанияси, “Ўзэлтханоат” уюшмаси, “Roison electronics” қўшма корхоналарида лойиҳаларни бажарилиши имконият яратди.

Ички бозорни тўлдиришга ва экспортга йўналтирилган, юқори қўшилган қийматга эга бўлган пировард истеъмолга мўлжалланган ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни жадал ривожланиши истеъмол товарларини ишлаб чиқариш таркибидаги ўзгаришларда ўз аксини топди. Натижада 2005 йил 1 чорагида жами ишлаб чиқарилган истеъмол товарларида ноозиқ-овқатлар товарлари улуши 50%дан юқори бўлди ва 2004 йил 1 чораги даражасидан 7,0 фоиз даражага ошган (3.2.1 – чизма, 3.2.2 – илова).

Ички бозорда сотиладиган энгил саноат товарлари ичида гилам ва гилам маҳсулотлари (2,8%га), трикотаж маҳсулотлари (2,4%га) ва оёқ кийимлари (5,7%га) ишлаб чиқаришни ўсиши кузатилди. “Ўзбекенгилсаноат» ДАК тизимига кирувчи пайпоқ ишлаб чиқаришни қайта таъмирланишининг тугалланиши пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 57%га кўпайишига имконият берди (3.2.2 – жадвал).

Андижон, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги тўқимачилик комбинатларини қайта таъмирлашни амалга оширилганлиги натижасида пахта матолари ишлаб чиқаришни қисқариши ва энгил саноат товарлари ўсиш суръатларини пасайишига олиб келди (3.2.1., 3.2.2 – жадваллар, 3.2.5 – илова).

Республикада истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2004 йл 1 чораги даражасида сақланиб қолди (0,2% ўсиш) (3.2.1 – жадвал).

2004 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қулай об-ҳаво шароити уларни озиқ-овқат саноати корхоналарида қайта ишлаш ҳажмини ошишини таъминлади ва натижада 2005 йил 1 чорагида мева-сабзавот консервалари (79,1%га), тозаланган пахта ёғи (12,0%га) ароқ ва ликер-ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш (4,3%) ўсиши кузатилди.


«Кока-кола ичимлиги Ўзбекистон ЛТД» ҚК ишлаб чиқаришни барқарорлашуви йирик корхоналар томонидан алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқарилишининг ўсишига олиб келди (3.2.2 – жадвал).

3.2.1 - жадвал. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш динамикаси (ўтган йилга нисбатан %да)

	04/1	05/1
Истеъмол товарлари	114,9	116,4
Озиқ овқат товарлари	117,6	100,2
Ароқ – вино ва пиво	101,7	106,5
Ноозиқ овқат товарлари	114,2	133,6
Энгил саноат товарлари	101,8	98,3

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

3.2.1 - чизма. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби (%)



3.2.2 - жадвал. Муҳим истеъмол товарларини саноат асосида ишлаб чиқариш* (ўтган даврга нисбатан %да)

	04/1	05/1
Пахта матолари	86,2	83,4
Ипак матолари	104,6	88,9
Гилям ва гилям маҳсулотлари	103,6	102,8
Пайпоқ маҳсулотлари	104,3	157,0
Трикотаж маҳсулотлари	91,3	102,4
Пойафзал	68,0	105,7
Сут ва сут маҳсулотлари	2,2 р	88,6
Сир бринза билан	100,0	107,1
Консервалар	114,2	183,8
Шакар	149,8	44,6
Ун	2,3 р	88,7
Нон ва нон маҳсулотлари	75,4	83,9
Макарон маҳсулотлари	123,3	41,6
Ўсимлик ёғи	86,4	114,1
Узум виноси	74,6	90,3
Ароқ ва ликёр ароқ маҳсулотлари	99,2	104,3
Алкоголсиз ичимликлар	5,5	11,1 р
Сигарет ва папирослар	85,0	93,9

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси

* кўрсаткичлар йирик корхоналар бўйича берилган.

«Вимм-Билль-Данн Продукты Питания» компанияси "VBD Tashkent" МЧЖ жориж корхонасини ташкил этди. Сут заводини қайта таъмирлаш ва такомиллаштиришдан ташқари компания режасида ички бозор ва экспорт учун 20дан 50 тагача турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ўзбекистон бозорида "Nestle" ва "Бўстонлиқ сут" компанияларини қўшма корхоналари муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

«Шакар Инвестмент» ҚҚсини хом-ашё билан таъминланмаганлиги шакар ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига олиб келди (3.2.2 – жадвал).

3.2.3 - жадвал. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (ўтган йилга нисбатан %да)

	04/1	05/1
Ўзбекистон Р.	114,9	116,4
Қорақалпоғистон Р.	119,0	117,1
Андижон	133,3	180,3
Бухоро	107,8	104,7
Жиззах	113,0	120,6
Қашқадарё	127,0	107,8
Навоий	107,3	98,3
Наманган	124,7	112,1
Самарқанд	100,3	110,1
Сурхондарё	129,5	101,8
Сирдарё	108,0	109,9
Тошкент	106,6	107,7
Фарғона	113,2	115,8
Хоразм	96,6	96,5
Тошкент ш.	115,7	107,4*

Манба: УзР Давлат статистика қўмитаси

*) «Шакар Инвестмент» ҚҚ ва «Тошкент тўқимачилик комбинати»дан ташқари

корхоналар ва хориж инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ишлаб чиқариш жараёнлари фаолиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ солиқ тўлашни амалдаги ставкаларининг 50% миқдоридан тўлашларига боғлиқдир.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ҳудудий таркибида Андижон вилоятдан ташқари юқори улушга Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри эга бўлишмоқда.

2005 йилда Андижон вилоятидаги "Асака дон маҳсулот" АЖ, Бухоро вилоятидаги "Қорақўл дон маҳсулот", Самарқанд вилоятидаги "Осиё Афросиёб", Сирдарё вилоятидаги "Оқолтиндон" ва Тошкент шаҳридаги «Ғалла Алтег» тегирмонларида амалга оширилаётган техник қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш ишлари йирик ун ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини оз миқдорда камайишига сабаб бўлди (3.2.2 – жадвал).

Йирик корхоналарда сут ва сут маҳсулотлари, ун, макарон ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини камайганлигига қарамай, уларга ҳудудий ва тармоқлар бўйича бўйсунадиган кичик бизнес субъектлари фаолиятини фаоллашуви натижасида, улар томонидан ички бозорни тўлдириш қисқармади. Жумладан Ўзбекистонда "Тошкентсут" йирик сут комбинати акцияларини сотиб олган Россиянинг

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг энг юқори ўсиши "ЎздЭУавто" ҚҚсини барқарор фаолияти ҳисобига Андижон вилоятида кузатилди (80,3%га) (3.2.3 – жадвал, 3.2.4 – илова). 2005 йил 1 чорагида 2004 йил 1 чорагига нисбатан истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ҳудудий таркибида вилоятни улуши 10,0 даража фоизга ошиб 23,8 фоизни ташкил этди ва ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш таркибида 48,9%га етди (3.2.4 – жадвал, 3.2.5 – илова).

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни республика ўртача даражасидан юқори ўсишида республиканинг бошқа ҳудудлари орасида Жиззах вилояти (20,6%) ва Қорақалпоғистон Республикасида (17,1%) кузатилди (3.2.3 – жадвал). Ушбу ўсиш маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 8 январдаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ ушбу минтақада кичик, хусусий

Хоразм вилоятида энгил саноат корхоналарини хомашё билан қисман таъминланмаганлиги ишлаб чиқариш суръатларини пасайишига ва оқибатда вилоят ишлаб чиқариш таркибида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари улуши пасайишига олиб келди (3.2.5 – илова).

Шу билан бирга, 2005 йил 1 чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш тенденцияси йил давомида ўсиш суръатларини 10-12% даражада сақлаб туришга, ички бозорни ўзларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан юқори даражада таъминлаш ва экспорт ҳажмини оширишни имкониятлари мавжуд.

3.3. Аграр соҳа

Аграр соҳа республика иқтисодиётининг устувор тармоқларидан бири бўлиб қолмоқда ва Ўзбекистон ЯИМининг асосий қисмини яратувчи тармоқларнинг фаолияти мазкур соҳага боқғлиқдир. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар асосий қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни хусусий секторда ишлаб чиқарилишига олиб келди.


Қишлоқ хўжалигининг ЯИМ таркибидаги улуши 2005 йилнинг 1 чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0.6 фоиз даражага пасайди ва 9.1 %ни ташкил этди. (2004 йилнинг 1 чорагида - 9,7%). Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида амалга оширилган чора тадбирлар натажасида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 6.6%га ортди. Жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари ўсиш суръатлари 110,2% (2004 йилнинг 1 чорагида 106,2%), чорвачиликда 106,0% (106,8%) ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида мулк шакллари ва маҳсулот турлари бўйича сезиларли ўзгаришлар юз бермади. 1 чорақда ўтган йилдагига нисбатан 1.9 фоиз даража паст бўлса ҳам чорвачилик маҳсулотларининг юқори салмоғи сақланиб қолди ва 84.3%ни (2004 йилнинг 1 чорагида 86.2%) ташкил этди. Деҳқончилик маҳсулотлари улуши 1.9 фоиз даража ўсиб, ўтган йилдаги 13.8%дан 15.7%га етди. (3.3.1 жадвал, 3.3.1., 3.3.2 чизмалар).

3.3.1- жадвал. Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	04/1	05/1	04/1 03/1га нисбатан %да	05/1 04/1 га нисбатан %да
Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	млн. сум	461,0	532,5	106.7	106.6
ўсимликчилик	млн. сум	63,8	83,4	106.2	110.2
чорвачилик	млн. сум	397,2	449,1	106.8	106.0
Қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши	%	9,7	9,1	-	-
Мулк шакллари бўйича ишлаб чиқариш таркиби					
давлат	%	0,3	0,2	-	-
нодавлат	%	99,7	99,8	-	-
Қишлоқ хўжалигида банд бўлган жами аҳоли	минг киши	2814,1	2794,6	99.3	99.3


Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

3.3.1-чизма. Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўсиш суръатлари (%)



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

3.3.2-чизма. Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таркиби (%)



2005 йилнинг I чорагида 445 та зарар билан ишлаётган ва паст рентабелли ширкатлар ўрнида танлов асосида 22,7 минг та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Мазкур хўжаликларга 722,9 минг га ер майдони ажратилиб, улардан 471.2 минг га экин майдонлари ҳисобланади. Янги ташкил этилган 22.7 минг фермер хўжаликларининг 15.1 минг таси ёки 66.5% пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган.

2005 йилдан бошлаб давлат режасини бажараётган барча фермер хўжаликлари имтиёзли кредитлар асосида кредитланмоқда (ўтган йилдаги йиллик 5% ўрнига 3%).

Табий шарт шароитнинг қулайлиги ва вужудга келган иқтисодий муҳитнинг яхшиланганлиги сабабли ўтган йилга нисбатан сабзавотлар (ўсиш - 14,1%), қоракўл терилари (8,7%), жун (7,8%), гўшт (6,6%), сут (5,8%), тухум (2,6%) ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсди. Деҳқон ва фермер хўжаликларида барқарор ўсиш кузатилмоқда. Уларнинг улушига барча ишлаб чиқарилаётган сабзавотларнинг 81,5%дан ортиғи (2004 йилнинг 1 чорагида 72,2%), гўштни 95,6% (2004 йилнинг 1 чорагида 95,5%), сутнинг 98,6% (98,0%) тўғри келмоқда. Мос равишда ширкат хўжалиklarининг фермер хўжалиklarига айлантирилаётганлиги сабабли уларнинг улуши сезиларли даражада пасайиб бормоқда. (3.3.2, 3.3.3, 3.3.4, 3.3.5. жадваллар).

3.3.2 - жадвал. Барча хўжалик шаклларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	04/1	05/1	05/1 04/1 га нисбатан %да
Сабзавотлар	тонн	9526	10869	114,1
Гўшт (тирик вазнда)	минг.т	204,7	218,3	106,6
Сут	минг.т	752,7	796,4	105,8
Тухум	млн.дона.	346,5	355,4	102,6
Қоракўл териси	млн.дона	207,2	225,2	108,7
Жун	тонн	166	179	107,8

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси

3.3.3 - жадвал. Ширкат хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	04/1	05/1	05/1 04/1 га нисбатан %да
Сабзавотлар	тонн	2653	2039	76,9
Гўшт (тирик вазнда)	минг.т	9,2	9,6	104,3
Сут	минг.т	15,1	11,5	76,1
Тухум	млн.дона.	172,9	160,6	92,9
Қоракўл териси	млн.дона	82,7	83,2	100,6
Жун	тонн	30	12	40,0

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси

3.3.4 - жадвал. Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	04/1	05/1	05/1 04/1 га нисбатан %да
Сабзавотлар	тонн	470	703	149,6
Гўшт (тирик вазнда)	минг.т	3,6	4,2	117,9
Сут	минг.т	17,6	19,8	112,4
Тухум	млн.дона.	14,5	14,4	99,0
Қоракўл териси	млн.дона	5,4	6,3	116,7
Жун	тонн	3	4	133,3

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси

3.3.5 - жадвал. Деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	04/1	05/1	05/1 04/1 га нисбатан %да
Сабзавотлар	тонн	6403	8127	126,9
Гўшт (тирик вазнда)	минг.т	191,9	204,5	106,5
Сут	минг.т	720,0	765,1	106,3
Тухум	млн.дона.	159,1	180,4	113,4
Қоракўл териси	млн.дона	119,1	135,7	113,9
Жун	тонн	133	163	122,6

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси

Тахлил қилинаётган давр мобайнида қорамолар сонидан (чўчқалардан бошқа, уларнинг камайишига озиқ овқат базасининг камайиши ва мазкур маҳсулотга талабнинг камайиши сабаб бўлди) бошқа барча чорва моллари сони ўсиши кузатилди, айниқса деҳқон ва фермер хўжаликларида. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хусусий сектор улуши ортиб бормоқда. Бунинг натижасида республикадаги мавжуд йирик шохли қорамолларнинг 96,6% (2004 йилнинг 1 чорагида 95,5%), жумладан сигирларнинг 97,5% (96,6%), қўй ва эчкиларнинг 74,8% (72,7%), чўчқаларнинг 77,4% (68,9%), отларнинг 85,3% (82,9%) ва 71,1% паррандаларнинг (68,6%) бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжалиklarининг қарамоғида боқилмоқда. (3.3.6, 3.3.7, 3.3.8, 3.3.9 жадваллар).

3.3.6 - жадвал. Барча хўжалик шаклларида қорамол ва паррандалар бош сони (минг бош)

	04/1	05/1	05/1 04/1 га нисбатан %да
Йирик шохли қорамол	5806,4	6167,0	106,2
Сигирлар	2546,3	2701,0	106,1
Чўчқалар	83,5	78,7	94,3
Қўй ва эчкилар	10634,5	11368,8	106,9
Паррандалар	16743,4	17915,3	107,0
Отлар	145,4	150,8	103,7

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

3.3.7 - жадвал. Ширкат хўжаликларида қорамол ва паррандалар бош сони (минг бош)

	04/1	05/1	05/1 04/1 га нисбатан %да
Йирик шохли қорамол	263,1	208,8	79,4
Сигирлар	85,8	68,7	80,1
Чўчқалар	26,0	17,8	68,5
Қўй ва эчкилар	2901,6	2863,5	98,7
Паррандалар	5263,1	5172,6	98,3
Отлар	24,8	22,1	89,1

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

3.2.8 - жадвал. Фермер хўжаликларида қорамол ва паррандалар бош сони (минг бош)

	04/1	05/1	05/1 04/1 га нисбатан %да
Йирик шохли қорамол	297,2	312,8	105,2
Сигирлар	94,6	99,2	104,9
Чўчқалар	13,5	13,7	101,5
Қўй ва эчкилар	334,4	443,4	132,6
Паррандалар	680,4	661,1	97,2
Отлар	9,7	11,4	117,5

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

3.3.9 - жадвал. Деҳқон хўжаликларида қорамол ва паррандалар бош сони (минг бош)

	04/1	05/1	05/1 04/1 га нисбатан %да
Йирик шохли қорамол	5246,1	5645,4	107,6
Сигирлар	2365,9	2533,1	107,1
Чўчқалар	44,0	47,2	107,3
Қўй ва эчкилар	7398,5	8061,9	109,0
Паррандалар	10799,9	12081,6	111,9
Отлар	110,9	117,3	105,8

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Қўзилаш мавсуми муваффақиятли ўтказилмоқда. Бугунги кунга келиб 838,7 минг бош қўзи олинди (2004 йилда – 767,1 минг бош), улардан 755,2 минг боши боқиш учун қолдирилди (91,3%) (2004 йилда – 659,1 минг бош).

Тахлил қилинаётган даврнинг ўзига хос жиҳатларидан бир бу, фермер хўжаликлари сонининг кескин ошиши ҳисобланади. 2005 йилнинг 1 апрелида фермер хўжаликлари сони 22,7 минггага ўсиб 116,7 мингтани ташкил этди. Фермер хўжаликларига 3,5 млн. га (2004 йилда – 2,5 млн. га) ер майдони бириктирилган, шундан, 2,7 млн.га ер майдони ёки 72,4% экин майдонлари ҳисобланади (3.3.10. жадвал).

Қишлоқ хўжалигида мулк шакллариининг самарали фаолият кўрсатишлари учун 259 мини-банклар (2004 йилнинг 1 чорагида 146 та), 398 муқобил МТП (208), 170 та минерал ўғитлар тарқатадиган пунктлар (206), 285 ЁММ тарқатадиган пунктлар (215), 112 та зооветеренария хизматлари кўрсатадиган пунктлар (85), 86 та информацион-консалтинг хизматлари кўрсатадиган тармоқлар (38), 111 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва реализация қилиш тармоқлари (46), 1032,2 минг га экин майдонларига хизмат кўрсатаётган 366 та сувдан фойдаланувчилар ассоциациялари (156) таш кил этилди. Бироқ, фермер хўжаликлари томонидан сув билан таъминлаш хизматларига ўз вақтида тўловларни амалга ошириш ишлари суст бажарилмоқда. Бу эса СФА фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, 2005 йилнинг 1 чораги учун кўрсатилган хизматларнинг бор йўғи 19,2%га ўз вақтида пул тўланган холос. 1 апрел ҳолатига кўра 73,8 минг та фермер хўжаликлари ўз ихтиёрлари билан 884 та СФАларини ташкил этдилар ва шартнома асосида сувга ҳақ тўлаш ишларини амалга ошириб келмоқдалар.

3.3.10 - жадвал. 2005 йилнинг 1 чорагида фермер хўжалиklarининг фаолияти

	Ўлчов бирлиги	04/1	05/1	05/1 04/1 га нисбатан %да
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	млрд.сум	11,2	13,8	113,4
– ўсимликчилик	млрд.сум	1,5	2,2	123,0
- чорвачилик	млрд.сум	9,7	11,6	111,9
Фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши	%	2,4	2,6	-
– ўсимликчилик	%	0,3	0,4	-
- чорвачилик	%	2,1	2,2	-
Деҳқон хўжалиklarининг сони	та	96745	116741	120,7
Экин майдони	минг.га	2531,1	3502,4	138,4
Деҳқон хўжалиklarида иш билан банд бўлганлар сони	Минг киши	654,5	680,2	103,9
Битта хўжаликка тўғри келадиган ер майдони	киши	26,2	30,0	114,5

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

Қўрилаётган давр мобайнида аграр соҳанинг моддий техника базаси ҳам мустаҳкамланди. 2005 йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра қишлоқ хўжалигига 810 та ер хайдовчи ва транспорт тракторлари, (2004 йилда - 662 дона), жумладан 710 дона лизинг асосида (508 дона). Биринчи чорақда 65,0 минг.тонна дизель ёнилғиси, 127,8 минг тонна минерал ўғит, шулардан: 120,0 минг тоннаси азот, 6,1 минг тоннаси фосфор ва 1,7 минг тоннаси калий ўғитлари етказиб берилди.

Фермер хўжалиklarига қараганда деҳқон ва ширкат хўжалиklари фаолиятида сезиларли ўзгаришлар юз бермади. Мулк шакллари ўзгаришида асосий эътибор фермер хўжалиklarига қаратилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши нуқтаи назаридан юқори ўсиш фермер хўжалиklarида кузатилди. (2004 йилнинг 1 чорагидаги 111,4% ўрнига 2005 йилнинг 1 чорагида 113,4%, деҳқон хўжалиklarида 107,3% (106,9%) ва ширкат хўжалиklarида ўсиш суръатлари пасайди яъни 96,4% (103,4%) ни ташкил этди). Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида деҳқон хўжалиklarининг улуши 90,4% (2004 йилнинг 1 чорагида - 90,0%), ширкат хўжалиklари 7,0% (7,6%), фермер хўжалиklари 2,6%ни ташкил этди. (3.3.10,3.3.11, 3.3.12 жадваллар).

3.3.11 - жадвал. 2005 йилнинг 1 чорагида деҳқон хўжалиklarининг фаолияти

	Ўлчов бирлиги	04/1	05/1	05/1 04/1 га нисбатан %да
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	млрд.сум	414,8	481,6	107,3
– ўсимликчилик	млрд.сум	50,2	67,4	112,9
- чорвачилик	млрд.сум	364,6	414,2	106,5
Деҳқон хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши	%	90,0	90,4	-
– ўсимликчилик	%	10,9	12,6	-
- чорвачилик	%	79,1	77,8	-
Деҳқон хўжалиklarининг сони	Минг та	4446,5	4542,5	102,2
Экин майдони	Минг га	675,6	676,6	100,1
Деҳқон хўжалиklarида иш билан банд бўлганлар сони	Минг киши	1252,8	1269,8 *)	101,4

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

*) Оценка

3.3.12 - жадвал. 2005 йилнинг 1 чорагида ширкат хўжалиklarининг фаолияти

	Ўлчов бирлиги	04/1	05/1	05/1 04/1 га нисбатан %да
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	млрд. сум	35,0	37,1	96,4
– ўсимликчилик	млрд. сум	12,1	13,8	97,8
- чорвачилик	млрд. сум	22,9	23,3	95,7
Ширкат хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши	%	7,6	7,0	-
– ўсимликчилик	%	2,6	2,6	-
- чорвачилик	%	5,0	4,4	-

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

Умуман олганда қишлоқ хўжалигида фермер хўжалиklarини ривожлантириш эъвазига амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар эъвазига таҳлил қилинаётган давр мобайнида ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, ширкат хўжалиklarини фермер хўжалиklarига айлантириш, бозор талаблари бўйича шартнома муносабатларини шакллантириш ишларида ҳамон ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга хизматлар кўрсатувчи турли мулк шаклидаги инфрратузилмани ривожлантириш долзарб бўлиб қолмоқда.

3.4. Инвестициялар


Республикада макроиқтисодий қулай муҳитнинг яратилиши инвестицион жараёнларнинг фаоллашувига сабаб бўлди. 2005 йилга мўлжалланган инвестицион дастур доирасида амалга оширилган чора тadbирлар натижасида 2005 йилнинг январь-март ойларида асосий капиталга инвестициялар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4.2 фоиз даражада ошиб, 502.2 млрд.сўми ташкил этди. (3.4.1. илова). Енгил саноатда пахта матолари, тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоядорлар иштирокидаги қўшма корхоналар ишга туширилди. Қўнғирот сода заводи, Навоий шаҳридаги аэропорт, Резаксой, Кенгулсой ва Тўполон сув омборлари, Тошкент-Бойсун-Қумқўрғон ва бошқа шу каби йирик иншоотларнинг қурилиши давом эттирилди.

Иқтисодиётда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар нодавлат тармоқларига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 8.5 фоиз даражага ошиб 67.7%га етишига олиб келди. (3.4.1 жадвал).

Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши молиялаштириш манбалари бўйича инвестицияларнинг таркибий ўзгаришига сабаб бўлди. Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг асосий манбаси корхоналарнинг ўз маблағлари бўлди. Уларнинг умумий таркибдаги улуши 8.5 фоиз даражада ортиб, 45.9%ни ташкил этди. Корхоналар молиявий барқарорлигининг ортишига хусусийлаштириш жараёнларининг фаоллашуви ва ишлаб чиқаришга солиқ юкни камайтириш бўйича давлат томонидан солиқ бюджет сиёсатини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора тadbирлар таъсир кўрсатди.

Молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялар таркибининг ижобий томонга ўзгариши янги қабул қилинган меъёрий-қонун ҳужжатлари муҳим рол ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларни ҳуқуқий химоялашнинг қўшимча чора тadbирлари тўғрисида”ги Қарори уларнинг ортишини фаоллаштирди. Жами таркибда тўғридан тўғри чет эл инвестицияларининг улуши 2.0 фоиз даражага ортиб, 12.4%ни ташкил этди. (3.4.1 чизма). Қабул қилинган қарор хусусий сектор ва хорижий инвестицияларни жалб қилишни кўпайтиришга қаратилган.

3.4.1. чизма. Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби (%)



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

Банкларнинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш борасида жавобгарлигининг оширилиши тижорат банклари кредитлари ҳисобига инвестициялар ҳажмининг ортишига олиб келди. Натижада тижорат банклари инвестициялари 2.0 фоиз даражага ортди ва 2.6%ни ташкил этди.

Бюджетдан ташқари фондлар фаолиятининг фаоллашуви (Республика йўл фонди ва бошқалар) уларнинг капитал қўйилмалар таркибдаги улушини 5.2 фоиз даражага ортишига олиб келди. Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари асосан автомобил ва темир йўлларни таъмирлаш ва қуришга сарфланди.

3.4.2 - жадвал. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича инвестициялар таркиби (%)

	04/1	05/1
Жами	100	100
Ишлаб чиқаришга йўналтирилган	63,4	67,4
Саноат	25,8	33,1
Қишлоқ хўжалиги	5,0	2,9
Қурилиш	0,2	2,8
Транспорт ва алоқа	21,7	22,0
Савдо ва умумий овқатланиш	1,4	1,3
Бошқа соҳалар	9,3	5,3
Ноишлаб чиқаришга йўналтирилган	36,6	32,6

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

Иқтисодиётда давлат аралашувининг қисқариши марказлашган маблағларнинг камайишига ва молиявий қарорларни бизнес субъектларининг ўзлари қабул қилишларини таъминлади. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган маблағларнинг улуши 5.9 фоиз даражага, давлат кафолати эвазига хорижий инвестицияларни жалб қилиш 10,1 фоиз даражага қисқариб, мос равишда 2005 йилнинг 1 чорагида жами инвестициялардаги улушининг 13,6% ва 7.5% бўлишига олиб келди. Молиялаштириш манбаларида аҳоли маблағлари 2.0 фоиз даражага қисқариб, 12.0%ни ташкил этди. Аҳоли маблағлари асосан шахсий уй жой қурилиши учун йўналтирилди.

Жорий йилнинг январ-март ойларида инвестициялар иқтисодиётнинг ўзак тармоқларига (саноат, транспорт, алоқа) жалб қилинди, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш соҳасига инвестицияларнинг 67.4%гача ортишига сабаб бўлди. Ўтган йилнинг худди шу даврида мазкур кўрсаткич 63.4%ни ташкил этган эди. (3.4.2 жадвал). Мазкур тармоқларнинг ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлайди ва инфраструктуранинг шаклланишини тезлаштиради.

Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил қилишга йўналтирилган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар саноатнинг инвестицияларга бўлган талабини оширди. Январ-март ойларида саноатга инвестицияларнинг улуши 7.3 фоиз даража ортиб, 33.1%ни ташкил этди. Корхоналарнинг ўз маблағларини жалб қилиш ҳисобига энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган тўртта қўшма корхона ишга туширилди. Кандим гуруҳига мансуб кўмир конларини ўзлаштириш ишлари, «Газли» ПХГ компрессор станциясининг қурилиши, Дехқонobod калий ўғитларини ишлаб чиқариш заводининг қурилиши, Самарқанд кимё заводининг реконструкцияси бошланди. «ЎзКейс-Трактор» ҚК универсал таркторларини ишлаб чиқаришга тайёргарлик ишлари давом эттирилмоқда.

Транспорт ва алоқа тармоқларида инвестициялар миқдори 0.3 фоиз даражага ортди. Уларнинг ялпи капитал маблағларидаги улуши 22.0%ни ташкил этди. Тошкент-Бойсун-қумқўрғон темир йўли, Навоий шаҳридаги аэропорт, ҳалқаро аҳамиятга молик бўлган автомобил йўлларининг қурилиши давом эттирилди.

Қишлоқ хўжалигига йўналтирилган инвестициялар 2.1 фоиз даражага қикарди. Уларнинг жами капитал қўйилмаларидаги улуши 2.9%ни ташкил этди. Бу маблағларга Жиззах ва Сирдарё вилоятлари худудларида аҳамияти юқори бўлган сув таъминоти объектларининг қурилиши олиб борилмоқда. Жанубий Қорақалпоғистонда дренаж тизимини амалга ошириш ва Аму-Занг каналини қайта таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилмоқда.

Жорий йилнинг таҳлил қилинаётган даври мобайнида иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий инвестициялар таркиби сезиларли ўзгарди. Ишлаб чиқаришга йўналтирилган жами хорижий инвестициялар улуши 90.6%ни ташкил этиб, 8.7 фоиз даражага ортди. Жами хорижий капиталдан саноат ва қишлоқ хўжалигига инвестицияларнинг улуши 65.3% ва 2.0%гача ортиб, 20.2 ва 1.8 фоиз даражага кўпайди. Юқорида қайд этиб ўтилган объектларнинг қурилиши асосан хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида саноат ва қишлоқ хўжалигида улар улушининг ортишига олиб келди. Транспорт ва алоқага хорижий инвестицияларнинг улуши 4.4 фоиз даражашга пасайди ва жами инвестициялардаги улуши 21.9%ни ташкил этди. (3.4.3 жадвал).

3.4.3 - жадвал. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий инвестициялар таркиби (%)

	04/1	05/1
Жами	100	100
Ишлаб чиқаришга йўналтирилган	81,9	90,6
Саноат	45,1	65,3
Қишлоқ хўжалиги	0,2	2,0
Қурилиш	0,0	0,7
Транспорт ва алоқа	26,3	21,9
Савдо ва умумий овқатланиш	0,0	0,0
Бошқа соҳалар	10,3	0,7
Ноишлаб чиқаришга йўналтирилган	18,1	9,4

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

Саноат тармоқлари ривожланиши учун йўналтирилган инвестициялар таркиби ўзгарди. Капитал киритилган асосий тармоқлар иссиқлик-энергетика, металлургия, кимё ва нефть, энгил саноат тармоқлари бўлди. Кандим гуруҳига мансуб кўмир конларининг ўзлаштирилиши, Устюрт худудида геология ишларининг олиб борилиши, Қўқон суперфосфат заводининг модернизация қилиниши саноат тармоқлари учун хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун яратилган қулайликлар натижасида амалга оширилди.

3.4.4 - жадвал. Саноат тармоқлари бўйича инвестициялар таркиби (%)

	04/1	05/1
Саноат - жами	100	100
Электроэнергетика	11,5	9,5
Ёқилғи	13,7	23,1
Металлургия	10,6	12,9
Машинасозлик	2,1	2,3
Енгил	28,1	15,1
Озиқ-овқат	3,0	3,5
Кимё ва нефть-кимё	24,7	10,5
Қурилиш материаллари	2,0	4,9
Бошқа тармоқлар	4,3	18,2

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

қопламалар, девор ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар).

Экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларга инвестициялар қисқарди: енгил саноатга 28,1% дан 15,1%га, кимё ва нефть тармоғига 24,7% дан 10,5%гача. Юқорида айтиб ўтилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши кимё ва нефть тармоқларига инвестицияларининг ортишига, тўқимачилик саноатига хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида дастурнинг амалга оширилиши енгил саноатга капитал қўйилмаларининг ортишига олиб келади. Электроэнергетика соҳасига инвестициялар 9,5%гача, яъни 2,0 фоиз даражага қисқарди. Тошкент ИЭСнинг модернизация қилиниши ва электр узатувчи линияларнинг ишга туширилиши электроэнергетика тармоғининг инвестицион фаоллигини оширади.

3.4.5- жадвал. Саноат тармоқлари бўйича хорижий инвестициялар таркиби (%)

	04/1	05/1
Саноат - жами	100	100
Электроэнергетика	8,8	6,6
Ёқилғи	2,1	6,3
Металлургия	0,0	11,3
Машинасозлик	0,2	0,2
Енгил	55,2	31,9
Озиқ-овқат	0,6	2,6
Кимё ва нефть-кимё	32,0	1,2
Қурилиш материаллари	0,0	8,7
Бошқа тармоқлар	1,1	31,2

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

йўналтирилган жами инвестициялардаги улуши 6,3% ва 2,6%га ортди. Енгил саноатга 23,3 фоиз даража, кимё ва нефть саноатга 30,8 фоиз даража хорижий инвестициялар қисқарди. Электроэнергетика тармоғига хорижий инвестициялар 6,6%гача, яъни 2,2 фоиз даражага қисқарди. Машинасозлик комплексининг молиялаштирилиши олдинги (0,2%) ҳолитида сақланиб қолди. Бунинг асосий сабаби, 1 чорақда Инвестицион давстурда ўз аксини топган лойиҳалар амалга оширилмаганлиги бўлди.

Янги қурилишларнинг қисқариши инвестицияларнинг технологик таркибида истиқболли ўзгаришларга олиб келди. Натижада, қурилиш-монтаж ишлари улуши 4,1 фоиз даражага қисқариб, 48,5%ни ташкил қилди. Машина ва ускуналар харид қилиш учун йўналтирилган инвестициялар миқдори 1,6 фоиз даражага камайди ва 37,7%ни ташкил этди. Технологик таркибдаги ижобий ўзгаришлар асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириш даражасини камайтиради, яъни технологик даражани ортишига олиб келади. (3.4.6 жадвал).

Ёқилғи тармоғига инвестицион ресурсларнинг жалб қилиниши саноатга жалб қилинган жами инвестицияларнинг 23,1%ни ташкил этди. Инвестициялар улушининг металлургия комплексига 2,3 фоиз даража, машинасозликка 0,2 фоиз даража, озиқ-овқатга 0,5 фоиз даража ортиши уларнинг саноатга йўналтирилган жами капиталдаги улушини мос равишда 12,9%, 2,3% ва 3,5%га ортишига олиб келди. (3.4.4 жадвал).

Қурилиш материаллари саноати асосий капиталига инвестициялар тармоқнинг ривожланиши учун қабул қилинган дастур натижасида 2,9 фоиз даража ортиб, 4,9%ни ташкил этди. («Кварц» АЖ, «Қашқадарёрамор» ОАЖ қайта таъмирлаш, маҳаллий хом-ашёдан юмшоқ

Саноат тармоқлари асосий капиталига инвестиция таркибининг ўзгаришига хорижий инвестицияларнинг оқими таъсир қилди. Металлургия комплексига хорижий инвестициялар 11,3%га, қурилиш материаллари саноатига 8,7%гача ортди. Металлургия комплексига хорижий инвестицияларнинг ортиши Навоий тоғ-металлургия комбинатида технологик қуролланиш даражасининг ортиши билан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатни ривожлантириш дастурини амалга ошириш билан боғлиқ. (3.4.5 жадвал).

Ёқилғи тармоғига хорижий инвестицияларининг улуши 4,2 фоиз даражага, озиқ овқат саноатига 2,0 фоиз даража ортди. 2005 йилнинг 1 чораги мобайнида уларнинг саноат тармоғини ривожлантиришга

3.4.6- жадвал. Инвестицияларнинг технологик таркиби (%)

	04/1	05/1
Жами	100	100
Қурилиш-монтаж ишлари	52,6	48,5
Машина, ускуналар	36,1	37,7
Бошқа харажатлар	11,3	13,8

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

3.1.1 - илова. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби (умумий ҳажмига нисбатан %да)

Давр	Саноат	Шу жумладан:									
		Электро-энергетика	Ёқилғи	Қора металлургия	Рангли металлургия	Киме	Машинасозлик	Қурилиш материаллари	Енгил	Озиқ-овқат	Бошқа тармоқлар*
2000	100,0	8,5	15,3	1,3	10,2	6,0	9,9	5,4	19,1	13,3	11,0
2001	100,0	8,1	13,2	1,4	10,9	6,0	11,2	5,2	20,0	12,6	11,4
2002	100,0	7,7	13,4	1,5	13,3	5,9	10,3	4,6	19,5	14,3	9,5
2003	100,0	9,2	12,5	1,8	15,2	5,7	11,8	4,4	20,3	11,7	7,4
2004	100,0	10,8	13,3	2,6	15,3	5,6	12,0	4,1	19,4	9,6	7,3
04/I	100,0	10,4	12,5	2,0	14,3	5,1	11,1	3,5	24,8	9,8	6,5
05/I	100,0	11,1	15,8	2,4	15,6	5,0	12,3	2,9	21,8	7,4	5,7

* ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноатлари билан
Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

3.1.2 – илова. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси (утган йилга нисбатан %да)

Давр	Саноат	Шу жумладан:									
		Электро-энергетика	Ёқилғи	Қора металлургия	Рангли металлургия	Киме	Машинасозлик	Қурилиш материаллари	Енгил	Озиқ-овқат	
2000	105,9	101,1	99,7	118,7	102,5	115,8	89,7	104,3	117,0	108,5	
2001	107,6	95,8	96,4	110,6	101,8	106,8	124,8	105,9	112,4	109,4	
2002	108,3	101,5	102,4	104,3	105,9	113,8	108,8	102,2	109,0	119,2	
2003	106,2	101,8	100,6	109,1	99,0	105,2	130,8	104,3	106,2	106,8	
03/I	104,0	100,6	97,5	104,4	101,1	102,6	108,8	101,8	109,3	103,5	
03/I-II	105,5	100,9	97,9	111,5	100,2	104,9	119,2	99,7	110,5	104,8	
03/I-III	105,7	100,2	99,7	110,2	99,2	104,3	128,1	102,2	107,4	106,1	
2004	109,4	100,3	105,8	128,5	105,0	104,5	134,5	108,2	105,2	104,7	
04/I	108,8	103,0	109,1	119,1	100,7	96,1	135,3	115,0	105,4	102,1	
05/I	108,3	98,2	99,2	127,4	100,7	107,3	149,5	104,4	113,1	100,1	

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

3.2.1- илова. Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш динамикаси (ўтган даврга нисбатан %да)

	2000	2001	2002	2003	2004	04/I	05/I
Истеъмол товарлари	106,2	107,6	108,4	108,4	113,4	114,9	116,4
Озиқ овқат товарлари	110,5	110,2	116,1	106,6	109,9	117,6	100,2
Ароқ – вино ва пиво	108,1	102,6	95,5	98,2	100,9	101,7	106,5
Ноозиқ овқат товарлари	101,7	106,3	103,7	112,1	118,6	114,2	133,6
Енгил саноат товарлари	117,3	110,7	105,8	112,2	99,4	101,8	98,3

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

3.2.2-илова. Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш таркиби (%)

	2000	2001	2002	2003	2004	04/I	05/I
Истеъмол товарлари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Озиқ овқат товарлари	44,6	45,6	47,1	44,2	42,8	46,1	40,2
Ароқ – вино ва пиво	11,9	9,9	8,6	7,6	6,8	6,0	5,4
Ноозиқ овқат товарлари	43,5	44,5	44,3	48,2	50,4	47,9	54,4
Енгил саноат товарлари	11,6	12,0	11,6	14,0	12,3	13,5	10,8

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб китоблари

3.2.3- илова. Саноат корхоналари томонидан истеъмол товарларининг асосий турларини ишлаб чиқариш динамикаси* (ўтган даврга нисбатан %да)

	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Пахта матолари	108,1	110,8	106,9	97,8	82,0	86,2	83,4
Ипак матолари	102,0	98,3	97,4	100,3	91,4	104,6	88,9
Гилям ва гилям махсулотлари	69,6	104,8	108,3	2,8 p	140,2	103,6	102,8
Пайпоқ махсулотлари	119,0	63,3	77,0	188,4	110,0	104,3	157,0
Трикотаж махсулотлари	97,1	85,7	82,4	100,6	95,9	91,3	102,4
Пойафзал	111,0	149,1	109,5	99,9	81,9	68,0	105,7
Сут ва сут махсулотлари	91,3	99,2	115,9	107,6	183,4	2,2 p	88,6
Сир бринза билан	89,5	82,2	74,3	78,4	89,1	100,0	107,1
Консервалар	104,5	97,1	101,3	119,8	80,9	114,2	183,8
Шакар	48,6	2,8 p	7,6 p	114,2	78,0	149,8	44,6
Ун	95,8	103,4	87,1	73,7	145,6	2,3 p	88,7
Нон ва нон махсулотлари	106,7	100,2	99,5	55,2	89,0	75,4	83,9
Макарон махсулотлари	107,5	110,0	81,0	60,4	110,1	123,3	41,6
Ўсимлик ёғи	108,0	96,2	93,8	97,8	100,5	86,4	114,1
Узум виноси	88,4	118,6	116,7	73,4	59,9	74,6	90,3
Ароқ ва ликёр ароқ махсулотлари	99,1	92,5	92,5	96,6	107,1	99,2	104,3
Алкоголсиз ичимликлар	107,7	76,6	93,1	25,3	26,9	5,5	11,1 p
Сигарет ва папирослар	72,8	89,8	101,0	92,5	94,6	85,0	93,9

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

3.2.4- илова. Ўзбекистон ҳудудларида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш динамикаси (ўтган даврга нисбатан %да)

	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Ўзбекистон Р.	106,2	107,6	111,8	108,4	113,4	114,9	116,4
Қорақалпоғистон Р.	105,9	113,5	104,3	104,7	110,3	119,0	117,1
Андижон	92,6	123,7	97,8	120,3	145,3	133,3	180,3
Бухоро	105,9	107,4	103,3	106,0	107,8	107,8	104,7
Жиззах	123,6	119,3	159,3	129,0	115,2	113,0	120,6
Қашқадарё	113,1	112,7	108,5	108,8	117,1	127,0	107,8
Навоий	115,5	99,98	114,5	105,3	97,3	107,3	98,3
Наманган	124,3	111,8	118,1	114,0	110,4	124,7	112,1
Самарқанд	92,4	102,6	102,5	106,8	109,9	100,3	110,1
Сурхондарё	111,9	100,9	114,8	106,2	115,2	129,5	101,8
Сирдарё	110,1	120,2	103,0	104,2	107,5	108,0	109,9
Тошкент	112,5	114,1	106,6	107,1	111,7	106,6	107,7
Фарғона	111,3	98,1	106,4	101,6	119,2	113,2	115,8
Хоразм	107,8	94,0	95,0	114,5	101,4	96,6	96,5
Тошкент ш.	111,3	101,3	120,2	102,7	103,4	115,7	107,4*

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

*) «Шакар Инвестмент» ҚҚ ва «Тошкент тўқимачилик комбинати»дан ташқари

3.2.5 - илова. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида 2005 йил 1 чорагида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш

	Ишлаб чиқариш (ўтган даврга нисбатан %да)					Ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби* (%)					Ишлаб чиқаришнинг товар таркиби* (%)				
	истеъмол товарлари, жами	озиқ овқат товарлари	ароқ вино ва пиво	ноозиқ овқат товарлар	енгил sanoat товарлари	истеъмол товарлари, жами	озиқ овқат товарлари	ароқ вино ва пиво	ноозиқ овқат товарлар	енгил sanoat товарлари	истеъмол товарлари, жами	озиқ овқат товарлари	ароқ вино ва пиво	ноозиқ овқат товарлар	енгил sanoat товарлари
Ўзбекистон Р.	116,4	100,2	106,5	133,6	98,3	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	40,2	5,4	54,4	10,8
Қорақалпоғистон Р.	117,1	115,1	102,7	139,8	146,9	2,0	3,4	4,7	0,7	2,8	100,0	68,5	12,8	18,7	15,6
Андижон	180,3	103,4	78,6	190,1	86,5	28,3	4,1	2,2	48,9	11,3	100,0	5,8	0,4	93,8	4,3
Бухоро	104,7	102,1	100,0	107,0	104,5	8,0	8,0	5,9	8,2	16,9	100,0	40,0	4,0	56,0	22,9
Жиззах	120,6	119,2	13,7	145,4	111,3	2,8	6,4	0,02	0,4	0,7	100,0	91,8	0,03	8,2	2,9
Қашқадарё	107,8	108,9	29,5	120,8	120,8	4,1	8,5	0,7	1,1	4,3	100,0	84,0	0,9	15,1	11,4
Навоий	98,3	111,3	78,0	91,4	56,6	1,9	2,0	1,1	1,9	1,9	100,0	42,7	3,3	54,0	10,6
Наманган	112,1	114,0	117,3	107,2	113,4	4,4	7,3	3,2	2,3	9,4	100,0	67,2	4,0	28,7	23,4
Самарқанд	110,1	120,3	109,8	101,1	103,9	8,8	10,7	8,8	7,4	4,6	100,0	48,6	5,5	45,9	5,7
Сурхондарё	101,8	103,5	83,4	107,3	98,9	2,3	4,6	3,8	0,5	0,9	100,0	79,8	8,9	11,3	4,0
Сирдарё	109,9	109,9	100,4	118,5	124,1	1,5	2,9	2,9	0,4	1,4	100,0	75,3	10,4	14,3	9,5
Тошкент	107,7	105,0	125,6	100,3	123,9	9,5	9,7	43,2	6,0	13,4	100,0	41,0	24,8	34,2	15,3
Фарғона	115,8	99,8	69,8	126,2	156,2	9,1	7,0	1,6	11,3	13,8	100,0	31,1	1,0	67,9	16,5
Хоразм	96,5	118,7	76,9	73,5	55,3	2,6	3,9	4,1	1,4	4,2	100,0	61,5	8,7	29,8	17,7
Тошкент ш.	107,4**	113,6**	108,1	100,2**	68,2	14,7	21,5	17,7	9,4	14,4	100,0	58,7	6,5	34,8	10,6

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

* ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб китоблари

**) «Шакар Инвестмент» ҚК ва «Тошкент тўқимачилик комбинати» АЖдан ташқари

3.3.1 – илова. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

	Ўлчов бирлиги	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Пахта хом ашё	минг. т.	3002	3265	3122,4	2822,5	3535,4	-	-
Бўғдой	минг. т.	3929	4072	5551	6103,1	6017,1	-	-
Картошка	минг. т.	731,1	744	777,2	834,4	892,7	-	-
Сабзавот	минг. т.	2645	2778	2935,6	3301,4	3315,9	9,5	10,9
Мева	минг. т.	791	801	842,9	765,8	846,3	-	-
Узум	минг. т.	624,2	573	516,4	401,5	577,6	-	-
Полиз	минг. т.	451,4	466	479,1	587,3	571,3	-	-
Гўшт (тирик вазнда)	минг. т.	842	854	865	936,7	998,3	204,7	218,3
Сут	минг. т.	3633	3665	3721,3	4031,1	4280,8	752,7	796,4
Тухум	млн. дона.	1254	1288	1368,9	1632,4	1860,3	346,5	355,4

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

**3.4.1- илова. Асосий капиталга инвестициялар динамикаси
(жорий нархларда)**

	Асосий капиталга инвестициялар, млрд. сўм	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариши, %
1995	88,7	2
1996	176,6	7
1997	276,6	17
1998	396,4	15
1999	537,4	2
2000	744,5	1
2001	1320,9	3,7
2002	1442,4	3,8
2003	1867,4	4,5
2004	2473,2	5,2
04/1	377,5	-0,4
05/1	502,2	4,2

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

3.4.2- илова. Мулкчилик шакллари бўйича инвестицияларни тақсимлаш таркиби (%)

	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Асосий капиталга инвестициялар	100	100	100	100	100	100	100
Давлат мулки	63,8	47,0	40,9	40,4	41,4	40,8	32,3
Нодавлат мулки	36,2	53,0	59,1	59,6	58,6	59,2	67,7

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

3.4.3- илова. Молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялар (%)

	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Жами	100	100	100	100	100	100	100
Давлат бюджети	29,2	21,5	25,0	17,7	14,9	19,5	13,6
Корхоналарнинг ўз маблағлари	27,1	31,0	40,0	41,8	43,2	37,4	45,9
Аҳоли маблағлари	12,0	10,3	12,0	11,1	12,4	14,0	12,0
Давлат томонидан кафолатланган чет эл инвестицияси	19,8	23,2	15,7	19,2	14,5	17,6	7,5
Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси	3,4	4,8	4,7	7,1	10,0	10,4	12,4
Марказлаштирилган банк кредитлари	5,2	5,9	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0
Тижорат банклари кредитлари	1,7	2,2	1,5	1,9	2,3	0,6	2,6
Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	1,2	0,5	0,3	0,4	2,4	0,5	5,7
Бошқа маблағлар	0,4	0,6	0,7	0,8	0,3	0,0	0,3

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

3.4.4- илова. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича инвестициялар таркиби (%)

	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Жами	100	100	100	100	100	100	100
Ишлаб чиқаришга йўналтирилган	57,5	63,1	57,1	63,0	64,1	63,4	67,4
Саноат	29,7	38,9	32,4	28,0	28,6	25,8	33,1
Қишлоқ хўжалиги	5,7	5,5	5,8	4,3	3,4	5,0	2,9
Қурилиш	0,5	0,6	0,4	0,5	0,4	0,2	2,8
Транспорт ва алоқа	16,7	14,0	10,0	20,3	23,1	21,7	22,0
Савдо ва умумий овқатланиш	4,3	1,5	2,6	3,3	1,3	1,4	1,3
Бошқа соҳалар	0,6	2,6	5,9	6,6	7,3	9,3	5,3
Ноишлаб чиқаришга йўналтирилган	42,5	36,9	42,9	37,0	35,9	36,6	32,6

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

3.4.5- илова. Саноат тармоқлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби (%)

	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Саноат - жами	100	100	100	100	100	100	100
Электроэнергетика	5,3	3,8	6,4	9,5	9,5	11,5	9,5
Ёқилғи	20,2	32,2	29,0	21,3	20,3	13,7	23,1
Металлургия	9,0	11,4	14,5	22,3	16,4	10,6	12,9
Машинасозлик	13,8	14,6	10,9	3,7	3,2	2,1	2,3
Енгил	7,9	15,9	14,1	21,4	20,7	28,1	15,1
Озиқ-овқат	8,4	5,8	6,0	3,8	5,0	3,0	3,5
Кимё ва нефть-кимё	26,7	9,9	11,1	9,2	7,6	24,7	10,5
Қурилиш материаллари	0,9	1,2	1,2	1,6	2,0	2,0	4,9
Бошқа тармоқлар	7,8	5,2	6,8	7,2	15,3	4,3	18,2

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

3.4.6- илова. Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби (%)

	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Жами	100	100	100	100	100	100	100
Қурилиш-монтаж ишлари	61,0	48,2	53,1	48,4	45,6	52,6	48,5
Машина, ускуналар, инвестициялар	25,0	39,5	35,1	39,7	43,6	36,1	37,7
Бошқа харажатлар	14,0	12,3	11,8	11,9	10,8	11,3	13,8

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

4. Ташқи савдо

4.1. Савдо баланси, экспорт ва импорт

2005 йилнинг 1 чорагида Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 10.0%га ўсди ва 2,3 млрд. долл.ни ташкил этди. (4.1.1. жадвал). Савдо айланмасининг 57,9% ни экспорт, 42,1% ни импорт операциялари ташкил этди. Экспорт миқдори 9,7%га ошди ва охириги тўрт йил ичида сўнги икки чорак давомида энг юқори чорак кўрсаткичи 1,3 млрд. долл. сақланиб қолмоқда. Экспортга нисбатан импорт тез суръатларда яъни 10.4%га ортиб, 0,96 млрд. долл.ни ташкил этди.

Экспортнинг ижобий ўсишига жаҳон бозорларида хом ашё кўринишига эга бўлган (пахта толаси, олтин, мис) экспорт товарларига бўлган нархлар конъюнктурасининг қулайлиги сабаб бўлмоқда. Бу маҳсулотлар бўйича 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан жаҳон нархлари ўртача 2% - 5%¹ ўсди. Тайёр маҳсулотлар экспортининг ўсишига республикада қабул қилинган 2005-2008 йилларда тўқимачилик саноатига инвестицияларни жалб қилиш Дастури сабаб бўлди. Унинг асосий мақсадларидан бири юқори қўшилган қийматга эга бўлган, рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 80%дан кам бўлмаган қисмини экспорт қилиш деб белгиланган.

2005 йилнинг 1 чораги натижалари бўйича импортнинг экспорт билан қопланиш коэффициенти 1.37ни, жумладан МДХ мамлакатлари билан 0.87ни, хорижий мамлакатлар билан 1.73ни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2004 йилнинг 1 чорагида мос равишда 1,38;1,14;1,50ни ташкил этган эди. Натижада савдо балансининг ижобий сальдоси 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан 26,7 млн. долл.га ортиб 362,5 млн. долл.ни ташкил этди. (4.1.1. чизма). Товар айирбошлашнинг актив сальдосига хорижий мамлакатлар билан олиб борилган савдо алоқалари ҳисобига эришилди; 2004 йилнинг мос даврига нисбатан 119,0 млн. долл.га ортиб, 415,5 млн. долл.ни ташкил этди. МДХ мамлакатлари билан сальдо 52,9 млн. долл. миқдорида салбий кўринишга эга.

2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан экспорт энергетика ва озиқ овқат маҳсулотларидан ташқари барча товарлар гуруҳлари бўйича ошди (4.1.2. жадвал), “Узэлтехсаноат”, “Узавтосаноат”, “Узметкомбинат”, “УзКТЖМ”, “Узмевабазавотузумсаноат” ассоциациялари маҳсулотлар ва “Алоқа ва информатизация Агентлиги” хизматлар экспортини оширди


Машина ва ускуналар, кимё маҳсулотлари экспорти 0,2 %га ортди. Машина ва ускуналар экспорти 7,7%ни (2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан 0,7 фоиз даражага паст), кимё маҳсулотлари экспорти 3,8%ни (0,3 фоиз даража) ташкил этди, (4.1.2. жадвал, 4.1.2 илова). Маркзий Осиёда ягона бўлган енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи “УзДЭУавто” қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ортиб, Россия бозорларида сотилиши кўпайди ва бозорда сотиш кўрсаткичлари бўйича етакчиликти

4.1.1- жадвал. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари (млн. долл.)

Кўрсаткичлар	04/I	05/I	Хажмининг ўзгариши, %
			05/I 04/Iга нисбатан
Ташқи савдо айланмаси	2084,2	2293,3	110,0
МДХ мамлакатлари	610,0	737,7	120,9
Хорижий мамлакатлар	1474,2	1555,6	105,5
Экспорт	1210,0	1327,9	109,7
МДХ мамлакатлари	324,7	342,4	105,5
Хорижий мамлакатлар	885,3	985,5	111,3
Импорт	874,2	965,4	110,4
МДХ мамлакатлари	285,3	395,3	138,6
Хорижий мамлакатлар	588,9	570,1	96,8
Савдо баланси	335,8	362,5	X
МДХ мамлакатлари	39,4	-52,9	X
Хорижий мамлакатлар	296,4	415,4	X
Ташқи савдо айланмаси таркиби, %	100,0	100,0	X
МДХ мамлакатлари	29,3	32,2	X
Хорижий мамлакатлар	70,7	67,8	X

Манба: ЎзР Давлат статистика кўмитаси

4.1.1- чизма. Товарлар (хизматлар) экспорт ва импортнинг нисбати (млн. долл.)*



Манба: ЎзР Давлат статистика кўмитаси

* ЎзР Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

¹ Интернет маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб китоблари (“Деловая неделя”, “Ведомости”, “Ru”)

кўлга киритди. Россия оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра “Ваз” энгил автомобилларининг нархи ошиб “Нексия” русмидаги автомобиллар нархига тенглашди, 2005 йилнинг 1 чорагида 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан “Ваз” ишлаб чиқаришини 4,7 %га камайтирди². Натижада, республикада 2005 йилнинг 1 чорагида 14383 энгил автомобиллар экспорт қилинди, бу кўрсаткич 2004 йилнинг мос даврига нисбатан 2.4 баробар кўп демакдир³.

Пахта толаси экспорти 17,4 %га; рангли ва қора металллар экспорти 52,6%га ортди. Натижада, пахта толаси экспорти 1,8 фоиз даража ортиб, 27,3%ни; рангли ва қора металллар экспорти 2,7 фоиз даража ортиб, 9,7%ни ташкил этди.

Хизматлар экспорти 9.3%га ортди, уларнинг 70%ни транспорт хизматлари, улардан 30%ни хаво транспорти хизматларидир.

Озиқ овқатлар экспорти 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан 25.5%га қисқарди, унинг умумий экспортдаги улуши 1,4 фоиз даражага камайди ва 2,9%ни ташкил этди. Асосан “Узнонмаҳсулот” ва “Узгуштсутсаноат” компаниялари таркибидаги корхоналарнинг экспорти қисқарди.

Энегетика маҳсулотларининг 2.2%га қиқариши асосан нефть маҳсулотларини олиб киришнинг камайганлиги билан изоҳланади. Натижада жами экспортда энегетика маҳсулотларининг улуши 0.8 фоиз даража камайиб, 7.2%ни ташкил этди.

Импортда ҳам олдинги йиллардаги каби озиқ овқат маҳсулотларидан ташқари барча товарлар гуруҳлари бўйича маҳсулотлар олиб кириш кўпайди. (4.1.3. жадвал, 4.1.3.илова).

Импорт рангли ва қора металллар бўйича 44,3%; бошқа товарлар гуруҳлари бўйича 31,3%; энегетика маҳсулотлари 17,6%; киме маҳсулотлари 14,0%; хизматлар 14,3%га ошди. Мос равишда уларнинг импортдаги улуши ҳам ортиб 9,8%;11,9%;2,3%;11,9% 9,9%ни ташкил этди. Қора металллардан тайёрланган маҳсулотлар, ёғоч материаллари, дори дармонлар, автомобил шиналари импорти ортди.

Машина ва ускуналар импорти ҳажми 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан 4,0%га ортди, унинг жами импортдаги улуши 3,0%га қисқарди ва 47,2%ни ташкил этди. Ички ёниш двигателларини импорт қилиш (3,7 баробар), лаборатория ускуналарини импорт қилиш (3,9 баробар), компьютер техникаларини импорт қилиш (1,2 баробар) ортди.

Озиқ овқат маҳсулотларини импорт қилиш 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан 15.1%га камайди, ялпи импортдаги улуши 2.1 фоиз даражага пасайди ва 7.0%ни ташкил этди.

МДХ мамлакатлари билан анъанавий савдо алоқаларининг мустаҳкамланиши давом этмоқда. Натижада 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан МДХ мамлакатлари билан савдо алоқалари (1.21 баробар) хорижий мамлакатлар билан савдо алоқалари (1.06 баробар) кенгаймоқда. Шунинг билан бирга МДХ мамлакатларидаги савдо шериклари билан ташқи савдо айланмаси 2004 йилнинг 1 чорагидаги 29.3%дан таҳлил қилинаётган даврда 32,2%га ортди, хорижий шериклар билан эса 70,7%дан 67,8%га камайди. (4.1.1. жадвал).

4.1.2- жадвал. Экспортнинг товар таркиби (%)

Товарлар гуруҳи	Умумий ҳажмдаги улуши, %		Ҳажмнинг ўзгариши, %
	04/1	05/1	04/1
Пахта толаси	25,5	27,3	117,4
Озиқ овқатлар	4,3	2,9	74,5
Киме маҳсулотлари, пластмасса ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар	4,1	3,8	100,2
Энегетика маҳсулотлари	8,0	7,2	97,8
Рангли ва қора металллар	7,0	9,7	152,6
Машина ва ускуналар	8,4	7,7	100,2
Хизматлар	11,3	11,2	109,3
Бошқалар	31,4	30,3	106,0
Жами	100,0	100,0	109,7

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

4.1.3- жадвал. Импортнинг товар таркиби (%)

Товарлар гуруҳи	Умумий ҳажмдаги улуши, %		Ҳажмнинг ўзгариши, %
	04/1	05/1	05/1 04/1 га нисбатан
Озиқ овқатлар	9,1	7,0	84,9
Киме маҳсулотлари, пластмасса ва унлан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар	11,5	11,9	114,0
Энегетика маҳсулотлари	2,1	2,3	117,6
Рангли ва қора металллар	7,5	9,8	144,3
Машина ва ускуналар	50,2	47,2	104,0
Хизматлар	9,6	9,9	114,3
Бошқалар	10,0	11,9	131,3
Жами	100,0	100,0	110,4

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

² “Бизнес-вестник Востока” газетаси, 2005 йил 14 апрелдаги N15 сон.

³ ЎзР Давлат статистика қўмитаси

МДХ мамлакатларидан импорт қилиш ошди (38,6%га), хорижий мамлактлардан импорт (3,2%га). Мос равишда МДХ мамлакатларидан импорт умумий импорт таркибида 32,6% дан 40,9%га ортди, хорижий мамлактлардан 67,4% дан 59,1%га камайди (4.1.1., 4.1.4. жадваллар). МДХ мамлакатларидан озиқ овқат маҳсулотлари, машина ва ускуналар олиб кириш ошди. Бу эса республиканинг иқтисодий ресурсларини МДХ мамлакатларидан арзон товарлар олиб кириш ҳисобига оқилона фойдаланиш имкониятини бермоқда.

МДХ мамлакатларига экспорт қилиш 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан 1.06 баробар ортди, хорижий мамлакатларга экспорт қилиш 1,11 баробар ортди. Мос равишда МДХ мамлакатларига экспорт умумий экспорт таркибида 26,8% дан 25,8%га қисқарди, хорижий мамлакатларга экспорт қилиш 73,2% дан 74,2%га ошди (4.1.1., 4.1.4 жадваллар). МДХ мамлакатларига пахта толаси, озиқ овқат, киме, энергетика маҳсулотларининг экспорти қисқарди. Уларнинг хорижий мамлакатларга экспорти кўпайди, бу эса мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ортанлигидан далолат беради.

Қуйдаги мамлакатлар йирик экспорт ҳамкорлари ҳисобланади: Россия – 14,1% (2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан 139,5%), Эрон - 8,8% (144,1%), Буюк Британия - 8,7% (142,6%), Туркия - 6,6% (131,9%), Швейцария – 5,8% (86,2%), Қозоғистон - 4,0% (172,6%), Тожикистон – 3,1% (95,0%), АҚШ - 2,4% (113,0%) (4.1.4. жадвал, 4.1.4.илова). Хиндистон билан экспортнинг 7,3 баробар камайганлиги кузатилди. Натижада экспортнинг улуши 4.0 фоиз даража камайб, 0.6%ни ташкил этди.

Импортнинг асосий қисми (71,4%) 8 мамлакатга тўғри келди: Россия 25,1% (2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан 132,1%), Жанубий Корея – 15,1% (197,7%), Германия - 6,8% (118,9%), Қозоқистон – 6,5% (135,8%), Украина –6,2%(243,3%), Туркия – 4,2% (78,3%), Хитой – 3,9% (49,2%), АҚШ – 3,6% (28,1%) (4.1.4. жадвал, 4.1.5. илова). Швейцариядан импортнинг 2,4 баробар ортиши қайд этилди.

4.1.4- илова. Экспорт ва импортнинг жуғрофий таркиби (%)

Мамлакатлар	Умумий ҳажмдаги улуши, %			
	Экспорт		Импорт	
	04/1	05/1	04/1	05/1
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0
МДХ мамлакатлари	26,8	25,8	32,6	40,9
Қозоқистон	2,6	4,0	5,3	6,5
Россия	11,1	14,1	20,9	25,1
Тожикистон	3,6	3,1	1,5	0,4
Украина	1,2	1,4	2,8	6,2
Бошқа мамлакатлар	8,3	3,2	2,1	2,7
Хорижий мамлакатлар	73,2	74,2	67,4	59,1
Бельгия	2,2	0,9	0,6	0,6
Буюк Британия	6,7	8,7	1,6	1,5
Германия	1,1	1,2	6,4	6,8
Хиндистон	4,6	0,6	0,6	0,9
Эрон	6,7	8,8	1,2	0,9
Хитой	2,1	2,1	8,8	3,9
Жанубий Корея	1,6	1,1	8,4	15,1
Нидерландия	0,2	0,4	0,7	0,6
АҚШ	2,4	2,4	14,3	3,6
Туркия	5,5	6,6	6,0	4,2
Франция	0,3	0,5	1,1	1,1
Швейцария	7,4	5,8	0,3	0,5
Япония	0,2	0,4	1,6	1,7
Бошқа мамлакатлар	32,2	34,7	15,8	17,7

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Эрон, Швейцария, Буюк Британия, Туркия ва Тожикистон билан товар айирбошлашда ижобий; Жанубий Корея, Россия, Германия, Украина давлатлари билан салбий сальдога эришилди.

Шундай қилиб, 2005 йилнинг 1 чорагида ташқи савдо айланмасининг ортиши кузатилди, савдо балансида ижобий сальдога эришилди, МДХ мамлакатлари билан савдо ўсди.

4.2. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар

2005 йилнинг 1 чораги мобайнида Ўзбекистонда мамлакат инвестицион муҳитини яхшилаш борасида қабул қилинган чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусийлаштириш, модернизациялаш, корхоналарни техник қуроллантириш ва қайта таъмирлаш жараёнларига инвестицияларни жалб қилиш, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган минтақаларда янги ишчи ўринларини яратиш борасида ишлар давом эттирилди.

Тўқимачилик саноатига ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш, пахта хом ашёси базаси етарли жойларда тармоқ корхоналарини оқилона жойлаштиришда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган (27.01.05) 2005-2008 йилларда тўқимачилик саноатига инвестицияларни жалб қилиш Дастурининг аҳамияти жуда беқиёсдир. Дастурнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: пахта хом ашёсидан тайёр маҳсулот чиқарувчи қўшма корхоналарни ташкил этиш, юқори рақобатбардош бўлган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг 80%дан кам бўлмаган қисмини экспорт қилишга эришиш, тўқимачилик корхоналарини аввало ишсизлик юқори бўлган ҳудудларда барпо этиш.

Натижада, 2005 йилнинг 1 чорагида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (ХИК) томонидан 586,0 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди, улардан 82,7% саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш эгаллади (4.2.1. жадвал). Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7.2% ортиб, 165 тага кўпайди. Шу давр мобайнида 8205 киши ишчи ўринлари билан таъминланди.

4.2.1- жадвал. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	04/1	05/1	05/1 04/1га нисбатан %да
Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони (давр охирида)	та	2282	2447	107,2
ХИКлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш миқдори (жорий нархларда)	млрд. сум	414,8	586,0	x
Саноат ишлаб чиқариш миқдори (жорий нархларда)	млрд. сум	357,9	484,8	x
Ишловчилар сони (ўриндошларсиз давр охирида)	киши.	103658	111862	107,9
Ташқи савдо айланмаси	млн. долл.	408,1	573,6	140,6
Экспорт	млн. долл.	164,3	206,4	125,6
Импорт	млн. долл.	243,8	367,2	150,6
ХИКнинг республика ташқи савдо айланмасидаги улуши	%	19,6	25,0	x
Республика жами экспортида ХИКларнинг улуши	%	13,6	15,5	x
Республика жами импортида ХИКларнинг улуши	%	27,9	38,0	x

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар улушига Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг 25% тўғри келди, шулардан, 15.5% жами экспортдаги, 38% жами импортдаги улуши тўғри келди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ташқи савдо айланмасидаги 5,4 фоиз даражага, жумладан экспортдаги улуши 1,9 фоиз даражага ортди. ХИКларнинг импортдаги ўсиш суръатларининг (50%) экспортга нисбатан (25.6%) кўп.

ХИКларнинг экспорти умуман республика бўйича 2005 йилнинг 1 чорагида 206,4 млн. долл. ёки 2004 йилнинг 1 чорагига қараганда 125,6 % ни ташкил этди.

4.2.2 - жадвал. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар экспортининг товар таркиби, (%)

	04/1		05/1		05/1 04/1га нисбатан %да
	млн. долл.	%	млн. долл.	%	
Жами	164,3	100	206,4	100	125,6
Пахта толаси	2,3	1,4	3,2	1,5	138,0
Озиқ овқат	9,3	5,7	9,4	4,5	100,4
Кимё маҳсулотлари	4,9	3,0	6,8	3,3	140,5
Энергетика маҳсулотлари	4,1	2,5	7,1	3,4	171,4
Қора ва рангли металллар	2,6	1,5	0,7	0,4	28,0
Машина ва ускуналар	37,3	22,7	91,0	44,1	244,0
Хизматлар	6,3	3,8	8,6	4,2	137,1
Бошқалар	97,5	59,4	79,6	38,6	81,6

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси


Тахлил қилинаётган давр мобайнида ХИКлар экспорти таркибида ижобий силжишлар юз берганлиги қайд этилди. ХИКлар экспортнинг товар таркибида (“бошқалар” пунктини қўшмаганда, уларга саноат, қурилиш материаллари, саноат истеъмол товарлари ва бошқалар киреди) машина ва ускуналар устунлик қилмоқда. Уларнинг улуши 44,1%ни ташкил этди (4.2.2 жадвал) ва натижада экспорт миқдори 2.4 баробар ортди. Энергетика маҳсулотлари (71,4%), кимё маҳсулотлари (40,5%) олиб чиқиш юқори суръатларда ошди.

Ўзбекистон Республикасининг жами экспорт таркибида ХИК экспортнинг асосий қисмини машина ва ускуналар экспорти (89,3%), ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлар экспорти (23,9%) эгаллади (4.1 чизма).

ХИК экспорти таркибида машина ва ускуналарнинг улуши ортиши автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши ва уларнинг рақобатбардошлигининг ортиши ҳисобига юз берди. “ЎзДЭУАвто” ҚК жорий йилнинг 1 чорагида 2004 йилнинг мос даврига нисбатан енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 97,7% ўсди, жумладан “Матиз” русумли автомобиллар ишлаб чиқариш - 2,1 баробарга, “Нексия” - 2,2 баробарга, “Дамас” – 1,9 баробарга ўсди. Қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошликнинг ортишига маҳаллийлаштириш дастурига мос равишда илгари четдан келтирилган бутловчи қисмларнинг қисқартирилиши сабаб бўлди. Рақобатбардошлик даражасининг ортанлигига МДХ мамлакатлари бозорларида ишлаб чиқарилаётган автомобилларга бўлган талабнинг ортанлиги мисол бўла олади. Биргина Россия Федерациясининг ўзига жорий йилнинг 1 чорагида ишлаб чиқарилган енгил автомобилларнинг 57% экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 2,5 баробар кўп демақдир. Бугунги кунда мазкур ҚК маҳсулотлари Россия бозорларида хорижий автомобиллар сотилиши бўйича биринчи ўринни эгаллаган.

ХИК экспортнинг ҳудудий таркибида Навоий, Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳарлари ХИК маҳсулотларининг асосий экспортлари бўлдилар. Уларнинг улушига республика бўйича ХИКлар экспортнинг 90,8% тўғри келмоқда. (4.2.3 жадвал).

4.1 - чизма. Ўзбекистон Республикаси экспортнинг товар таркибида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг улуши, %



ЎзР Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Маҳаллийлаштириш дастурига мос равишда илгари четдан келтирилган бутловчи қисмларнинг қисқартирилиши сабаб бўлди. Рақобатбардошлик даражасининг ортанлигига МДХ мамлакатлари бозорларида ишлаб чиқарилаётган автомобилларга бўлган талабнинг ортанлиги мисол бўла олади. Биргина Россия Федерациясининг ўзига жорий йилнинг 1 чорагида ишлаб чиқарилган енгил автомобилларнинг 57% экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 2,5 баробар кўп демақдир. Бугунги кунда мазкур ҚК маҳсулотлари Россия бозорларида хорижий автомобиллар сотилиши бўйича биринчи ўринни эгаллаган.

ХИК экспортнинг ҳудудий таркибида Навоий, Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳарлари ХИК маҳсулотларининг асосий экспортлари бўлдилар. Уларнинг улушига республика бўйича ХИКлар экспортнинг 90,8% тўғри келмоқда. (4.2.3 жадвал).

4.2.3 - жадвал. ХИК экспортнинг ҳудудий таркиби

	04/1		05/1		05/1 04/1 га нисбатан %да
	млн. долл.	%	млн. долл.	%	
Жами	164,3	100	206,4	100	125,6
Қорақалпоғистон Р.	0,1	0,0	1,7	0,8	22 баробар
Андижон	35,8	21,8	89,1	43,2	2,5 баробар
Бухоро	2,1	1,3	2,4	1,2	114,8
Жиззах	0,0	0,0	0,4	0,2	15,8 баробар
Қашқадарё	3,5	2,1	2,5	1,2	71,0
Навоий	44,0	26,8	35,0	16,9	79,4
Наманган	5,2	3,1	5,2	2,5	101,2
Самарқанд	6,2	3,8	5,3	2,5	85,0
Сурхондарё	0,2	0,1	0,7	0,4	3,1баробар
Сирдарё	0,5	0,5	0,5	0,3	95,2
Тошкент	21,6	13,1	22,5	10,9	104,2
Фарғона	22,0	13,4	16,1	7,8	73,1
Хоразм	1,0	0,6	0,2	0,1	22,1
Тошкент ш.	22,1	13,4	24,8	12,0	112,3

Манба: ЎзР Давлат статистика кўмитаси

Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспортидаги улуши 1%ни ташкил этди. Шу вақтнинг ўзида, мазкур ҳудудларда (Сирдарё вилоятдан ташқари) хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспортнинг юқори суръатларда ўсиши кузатилди: Қорақалпоғистон Республикасидаги ХИКлар экспорт ҳажмини 22 баробар, Жиззах вилоятида – 15,8 баробар, Сурхондарё вилоятида – 3,1 баробар кўпайтирди.

ХИКлар томонидан республика бўйича маҳсулотлар ва хизматларни импорт қилиш миқдори 367,2 млн. АҚШ доллани ташкил этди, бу кўрсаткич 2004 йилнинг 1 кварталига нисбатан 50,6%га кўп демакдир. (4.2.4 жадвал).

4.2.4 - жадвал. ХИК импортнинг товар таркиби, (%)

	04/л		05/л		05/л 04/лга нисбатан %да
	млн. долл.	%	млн. долл.	%	
Жами	243,8	100	367,2	100	150,6
Озиқ овқат	39,4	16,2	35,5	9,7	90,0
Кимё маҳсулотлари	29,4	12,0	39,5	10,7	134,3
Энергетика маҳсулотлари	1,1	0,4	1,2	0,3	115,4
Қора ва рангли металллар	12,1	5,0	24,9	6,8	206,3
Машина ва ускуналар	136,9	56,2	228,6	62,3	167,0
Хизматлар	10,2	4,2	13,0	3,5	127,0
Бошқалар	14,7	6,0	24,5	6,7	166,3

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар импортнинг товар таркибида таҳлил қилинаётган давр мобайнида машина ва ускуналар (62,3%), кимё маҳсулотлари (10,7%), металлургия мажмуаси маҳсулотлари (6,8%) асосий ўринни эгаллади. Бу мазкур товарлар гуруҳи бўйича ўсиш юқори бўлган (мос равишда 1,7 баробар, 1,3 ва 2 баробар). Бундай ўсиш ўз навбатида хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналарнинг фойдаланишга топширилганлиги ва уларни хорижий ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда бошқа инвестициялар товарларни олиб кирилганлиги билан изоҳланади (4.2.4. жадвал). Озиқ-овқат маҳсулотлари импортнинг қисқаришига (10%га) илгари амалда бўлган алоҳида озиқ овқат маҳсулотларига нол тариф ставкалари ўрнига 2004 йилда 5-10 % импорт божхона божларининг жорий қилиниши сабаб бўлди. Бундан ташқари, айрим озиқ овқат маҳсулотлари импортнинг қисқариши ички ишлаб чиқаришнинг ошишига олиб келди (17,6%га), жумладан ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш 2005 йилнинг 1 чорагида 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан 14,1% га ошди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 2005 йилнинг 1 чорагида 73,3 млн.долл.га, бошқа хорижий мамлакатлар билан 92,2 млн.долл.га ўсди (4.2.5 жадвал). МДХ мамлакатларига экспортнинг (125,6%) бошқа мамлакатларга қараганда (90,6%) юқори суръатлар билан ўсганлиги энг аввало ҚКлар ишлаб чиқараётган айрим маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражаси юқори эмаслиги ва МДХ мамлакатларининг анъанавий истеъмол бозорларига экспорт қилинаётганлиги билан изоҳланади. Натижада, МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмасида ижобий (55,6 млн.долл.), бошқа хорижий мамлакатлар билан салбий (-216,4 млн.долл.) сальдога эришилди.

4.2.5 - жадвал. ХИКларнинг МДХ ва бошқа хорижий мамлакатлар билан ташқи савдо айланмаси

	млн. долл.		Умумий ҳажмдаги улуши, %		05/л 04/лга нисбатан %да
	04/л	05/л	04/л	05/л	
Ташқи савдо айланмаси	408,1	573,6	100	100	140,6
МДХ мамлакатлари	90,5	163,8	22,2	28,6	181,0
Бошқа мамлакатлар	317,6	409,8	77,8	71,4	129,0
Экспорт	164,3	206,4	100	100	125,6
МДХ мамлакатлари	57,6	109,7	35,1	53,1	190,5
Бошқа мамлакатлар	106,7	96,7	64,9	46,9	90,6
Импорт	243,8	367,2	100	100	150,6
МДХ мамлакатлари	32,9	54,1	13,5	14,7	164,4
Бошқа мамлакатлар	210,9	313,1	86,5	85,3	148,5
Савдо баланси (қолдиқ)	-79,5	-160,8	x	x	X
МДХ мамлакатлари	24,7	55,6	x	x	
Бошқа мамлакатлар	-104,2	-216,4	x	x	x

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси;

ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

ХИКларнинг МДХ мамлактлари билан ташқи савдо айланмаси тадқиқ қилинаётган давр мобайнида 22,2% дан 28,6%га, жумладан 35,1% дан 53,1%га ортди.

ХИКларнинг бошқа малакатлар билан товар айирбошлаш кўрсаткичлари камайиш танденциясига қарамасдан юқорилигича қолмоқда (71,4%). Бу мамлакат мустақиллика эришгандан буён узоқ хориж мамлактлари билан савдо алоқаларини ўрнатишга алоҳида эътибор берилганли билан боғлиқ. Бундай мақсадларнинг қўйилганлиги асосий экспорт қилинадиган товарларни жаҳон нарҳларида сотишга ва эркин айирбошланадиган валюта тушумини оширишга шарт шароит хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун эса ўзларининг шерик мамлактлари бозоридан фойдаланишга имкон яратди.

2005 йилнинг 1 чораги бўйича тахлиллар шуни кўрсатдики, ХИКлар ташқи савдо балансида импорт хамон экспортдан кўп эканлигини кўрсатди. Республиканинг ҳамма худулари ҳам ХИК ташқи савдосида салбий сальдога эга бўлмади. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ташқи савдо баланси умумий қиймати 244,8 млн. долл. билан ижобий сальдога эришди.

Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилишда худудлар ўртасидаги номутаносибликларни босқичма босқич камайтириш чора тадбирлари амалга ошириб келинмоқда. “2005-2007 йилларда худудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш Дастурини амалга ошириш лойиҳасининг маълумотларига кўра, 2005 йилнинг 1 чорагида 46 та лойиҳа амалга оширилган, улардан 15 таси қўшма ишлаб чиқаришни барпо этиш бўйича лойиҳалар ҳисобланади. Янги ташкил этилган қўшма корхоналарнинг 2 таси Бухоро вилоятида, 2 таси Жиззах вилоятида ва яна 2 таси Хоразм вилоятида барпо этилди. 2005 йилнинг 1 чорагида йилига 2.5 минг тонна пахта бўзи ишлаб чиқарувчи “Акбар Али” ҚК; 9.5 млн дона пайпоқ, 5 млн дона эркаклар шими, 424 млн тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Ай Демир” ҚК; 56 млн дона тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Бурсел Тошкент” ҚК фойдаланишга топширилди.

4.1.1- илова. Савдо баланси (млн. долл.)

Давр	Экспорт	Импорт	Савдо баланси
2000	3264,7	2947,4	317,3
2001	3170,4	3136,9	33,5
2002	2988,4	2712,0	276,4
2003	3725,0	2964,2	760,8
2004	4853,0	3816,0	1037,0
03/I	920,3	649,5	270,8
03/II*	1011,8	752,3	259,5
03/III*	687,4	702,7	-15,3
03/IV*	1105,5	859,7	245,8
04/I	1210,0	874,2	335,8
04/II*	1209,9	856,6	353,3
04/III*	1106,8	980,6	126,2
04/IV*	1326,3	1104,6	221,7
05/I	1327,9	965,4	362,5

Манба: Иктисодий Йуналишлар Чораклик нашр Узбекистон, Tasis, Июль -сентябрь 2001; ЎзР Давлат статистика қўмитаси

* ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

4.1.2- илова. Экспортнинг товар таркиби (%)

Давр	Пахта толаси	Озиқ овқатлар	Киме маҳсулотлари, пластмасса ва улардан ишланган маҳсулотлар	Энергетика маҳсулотлари	Рангли ва қора металллар	Машина ва усқуналар	Хизматлар	Бошқа товарлар	Жами (%)	Жами (млн. долл.)
2000	27,5	5,4	2,9	10,3	6,6	3,4	13,7	30,2	100,0	3264,7
2001	22,0	3,9	2,7	10,2	7,0	3,9	14,6	35,7	100,0	3170,4
2002	22,4	3,5	3,0	8,1	6,4	3,9	15,9	36,8	100,0	2988,4
2003	19,8	2,7	3,1	9,8	6,4	5,9	14,4	37,9	100,0	3725,0
2004	18,1	3,8	4,7	12,4	8,6	7,4	11,8	33,2	100,0	4853,0

Манба: Иктисодий Йуналишлар Чораклик нашр Узбекистон, Tasis, Июль -сентябрь 2001; ЎзР Давлат статистика қўмитаси

* ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

4.1.3- илова. Импортнинг товар таркиби, (%)

Давр	Озиқ овқатлар	Киме маҳсулотлари, пластмасса ва улардан ишланган маҳсулотлар	Энергетика маҳсулотлари	Рангли ва қора металллар	Машина ва усқуналар	Озиқ овқатлар	Бошқа товарлар	Жами (%)	Жами (млн. долл.)
2000	12,3	13,6	3,8	8,6	35,4	8,5	17,8	100,0	2947,4
2001	10,8	12,7	1,9	10,9	41,2	10,3	12,2	100,0	3136,9
2002	12,5	15,1	1,3	8,0	41,4	10,6	11,1	100,0	2712,0
2003	9,9	12,8	2,7	7,9	44,4	10,2	12,1	100,0	2964,2
2004	6,8	12,5	2,1	10,3	46,0	11,1	11,2	100,0	3816,0

Манба: Иктисодий Йуналишлар Чораклик нашр Узбекистон, Tasis, Июль -сентябрь 2001; ЎзР Давлат статистика қўмитаси

* ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

4.1.4- илова. Экспортнинг жуғрофий таркиби, (%)

Давр	Жами (млн, долл.)	Жами (%)	МДХ мамлакатлари	Қозоқистон	Россия	Украина	Бошқа мамлакатлар	Хорижий мамлакатлар	Бельгия	Буюк британия	Эрон	Жанубий Корея	Нидерландия	АҚШ	Туркия	Швейцария	Бошқа мамлакатлар
2000	3264,7	100,0	35,9	3,1	16,7	4,7	11,4	64,1	1,1	7,2	2,2	3,3	2,6	1,6	3,0	8,3	34,8
2001	3170,4	100,0	34,4	3,7	15,8	4,7	10,2	65,6	1,5	6,3	2,6	4,2	2,4	2,6	2,6	5,6	37,8
2002	2988,4	100,0	27,6	2,7	10,6	5,4	8,9	72,4	2,4	7,7	5,8	2,2	1,5	2,6	3,4	6,3	40,5
2003	3725,0	100,0	26,0	2,7	12,3	3,9	7,1	74,0	1,9	7,5	7,4	1,5	0,4	2,9	3,5	5,4	43,5
2004	4853,0	100,0	31,5	3,8	14,9	2,3	10,5	68,5	1,1	7,9	6,9	1,2	0,5	3,1	4,5	3,1	40,2

Манба: Иктисодий Иуналишлар Чораклик нашр Узбекистон, Taxis, Июль -сентябрь 2001; ЎзР Давлат статистика қўмитаси

* ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

4.1.5- илова. Импортнинг жуғрофий таркиби, (%)

Давр	Жами (млн, долл.)	Жами (%)	МДХ мамлакатлари	Қозоқистон	Россия	Украина	Бошқа мамлакатлар	Хорижий мамлакатлар	Буюк британия	Германия	Хитой	Жанубий Корея	АҚШ	Туркия	Франция	Япония	Бошқа мамлакатлар
2000	2947,4	100,0	38,2	7,3	15,8	6,1	9,0	61,8	2,0	8,7	2,5	9,8	8,7	3,3	2,9	1,9	22,0
2001	3136,9	100,0	37,2	6,2	19,2	7,1	4,7	62,8	2,5	7,8	2,9	11,1	6,4	3,4	4,0	4,2	20,5
2002	2712,0	100,0	36,9	6,7	22,0	4,5	3,7	63,1	2,7	7,8	4,2	9,5	12,1	3,2	2,1	0,7	20,8
2003	2964,2	100,0	38,3	6,6	23,3	4,6	3,8	61,7	2,6	9,8	5,5	7,9	7,7	4,8	1,6	2,0	19,8
2004	3816,0	100,0	38,6	6,3	24,0	4,5	3,8	61,4	1,8	7,1	7,0	9,2	10,3	4,5	1,2	2,1	18,2

Манба: Иктисодий Иуналишлар Чораклик нашр Узбекистон, Taxis, Июль -сентябрь 2001; ЎзР Давлат статистика қўмитаси

* ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

4.2.1- илова. ХИК экспортнинг товар таркиби, (%)

	Жами, млн. долл.	Жами, %	Пахта	Озиқ овқат	Киме махсулотлари	Энергетика махсулотлари	Қора ва рангли металллар	Машина ва ускуналар	Хизматлар	Бошқалар
2000	451,6	100	4,8	7,4	1,5	3,7	0,3	16,0	3,9	62,4
2001	416,9	100	2,4	4,4	2,6	4,7	0,2	21,1	4,4	60,2
2002	442,9	100	1,0	4,1	2,1	2,9	0,5	16,5	3,8	69,1
2003	564,4	100	3,3	4,2	2,3	3,3	0,8	19,4	4,4	62,3
2004	785,2	100	2,3	3,9	2,6	3,6	0,7	28,4	5,0	53,5

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

* ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

4.2.2- илова. ХИК экспортнинг товар таркиби, (%)

	Жами, млн. долл.	Жами, %	Озиқ овқат	Киме махсулотлари	Энергетика махсулотлари	Қора ва рангли металлар	Машина ва ускуналар	Хизматлар	Бошқалар
2000	760,5	100	12,9	20,5	0,8	5,1	47,4	1,1	12,2
2001	937,2	100	8,8	13,3	0,6	5,9	62,5	1,0	7,9
2002	704,8	100	15,0	13,2	0,6	4,4	57,5	1,1	8,2
2003	858,4	100	15,1	12,4	0,4	5,4	55,4	2,8	8,5
2004	1165,7	100	12,0	13,9	0,6	6,0	56,3	4,5	6,7

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

* ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

4.2.3- илова. ХИК экспортнинг ҳудудий таркиби, (%)

	Жами, млн. долл.	Жами, %	Қорақал -поғис-тон Р.	Анди-жон	Бухоро	Жиззах	Қашқа-дарё	Навоий	Наман-ган	Самар-қанд	Сурхан-дарё	Сирда-рё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Тошкент шаҳри
2000	451,6	100	0,0	13,3	0,3	0,1	0,0	31,9	4,2	2,8	0,0	5,0	14,0	7,2	0,2	21,0
2001	416,9	100	0,0	18,6	0,1	0,3	0,0	29,0	2,0	2,2	0,0	1,0	18,7	7,4	0,2	20,5
2002	443,0	100	0,2	14,0	0,4	0,1	1,6	35,9	2,2	1,8	0,1	0,8	17,4	11,0	0,4	14,1
2003	564,4	100	0,1	18,4	2,8	0,2	2,3	28,3	2,9	2,4	0,3	0,8	15,7	12,7	0,7	12,4
2004	785,2	100	0,1	26,9	2,1	0,2	1,9	28,0	2,1	2,3	0,3	0,4	11,5	10,7	0,4	13,1

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

* ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

4.2.4- илова. ХИК импортнинг ҳудудий таркиби, (%)

	Жами, млн. долл.	Жами, %	Қорақал -поғис-тон Р.	Анди-жон	Бухоро	Жиззах	Қашқа-дарё	Навоий	Наман-ган	Самар-қанд	Сурхан-дарё	Сирда-рё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Тошкент шаҳри
2000	760,5	100	0,3	28,3	1,0	1,1	0,3	4,6	1,6	4,3	0,3	0,2	8,4	1,4	0,1	48,1
2001	937,2	100	0,3	25,3	1,0	3,3	5,1	6,5	2,2	2,1	0,0	0,9	10,3	9,8	1,0	32,2
2002	704,8	100	0,4	27,1	2,1	3,8	0,7	4,1	2,2	3,9	0,2	0,3	5,9	5,7	3,8	39,8
2003	858,4	100	1,1	28,2	0,8	0,3	0,8	5,3	1,8	3,8	1,0	0,1	3,8	4,1	0,3	48,6
2004	1165,7	100	1,4	27,1	0,8	0,2	0,4	6,9	2,1	2,6	0,3	1,8	4,7	1,4	1,2	49,1

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

* ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

5. Аҳоли фаровонлиги ва меҳнат бозори

5.1. Аҳоли даромадлари ва харажатлари

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, инфляцияни паст даражада ушлаб туриш ва ижтимоий дастурларни амалга ошириш ЯИМни аҳоли жон бошига 3,6%га ва аҳолини реал пул даромадларини жон бошига 13,6%га ўсишини таъминлади.

2005 йил 1 чорагида аҳолини ялпи даромадлари таркибида пул даромадлари улушини кўпайиши тенденцияси давом этди. Уй хўжалиklarини бюджет тадқиқотлари натижалари бўйича аҳолини ялпи даромадлари таркибида пул даромадлари улуши 2005 йил январ-феврал ойларида 85,7%ни, даромадларни натурал шаклидаги улуши мос равишда 14,3%ни ташкил этди (5.1.1 – жадвал).

Пул ва пулсиз даромадлар ўртасидаги тафовут катталигича қолмоқда. Қишлоқ аҳолисида даромадларни натурал шаклидаги улуши 21,2% ва шаҳар аҳолисида 5,9%ни ташкил этади. Шаҳар аҳолисини ялпи даромадларининг асосий манбаи бўлиб иш ҳақи (42,4%), қишлоқ аҳолисиники эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган (34,2%) ва натурал шаклидаги даромадларни ҳам кўшганда тадбиркорлик даромади ташкил этади.

Республиканинг алоҳида ҳудудларида аҳоли даромадларининг асосий манбаи натурал даромадлар бўлиб қолмоқда. Республиканинг 6 та ҳудудида аҳолини ялпи даромадида натурал шаклидаги даромадлар улуши ўртача республика даражасидан юқори бўлди ва Хоразм вилоятида 47,1%, Самарқандда 30,1%, Қорақалпоғистон Республикасида 20,8%, Бухорода 17,7%, Навоийда 16,6% ва Жиззах вилоятида 16,4%ни ташкил этди. Ушбу ҳудудлар даромадлар натурал шаклда ер участкаларидан олинган пулсиз даромадлар ҳисобидан шакллانган ва куйидагиларга боғлиқ бўлган: а) деҳқон ва фермер хўжалиklarида бандликни юқори бўлиши; б) иқтисодиётни расмий секторида иш ҳақини нобарқарорлиги ва бандликни нисбатан паст даражада бўлиши.

Аҳоли ялпи даромадида иш ҳақи улуши Хоразм вилоятида 21,1%, Самарқандда 22,6% ва Бухоро вилоятида 20,1%ни ташкил этди. Аҳолини ялпи даромадларида иш ҳақининг улуши юқори бўлган ҳудудларда даромадларни натурал шаклидаги даражаси паст бўлди, жумладан: Тошкент вилоятида (иш ҳақи улуши 49,7% ва натурал шаклидаги даромадлар 6,2%) ва Сирдарё вилоятида (45% ва 7,5%) ва Тошкент шаҳрида (49,1% ва 3,6%).

5.1.1 - жадвал. Аҳолининг ялпи даромадлари, (%)

	Жами даромад	Пул даромадлари				Натурал кўринишдаги даромадлар
		Иш ҳақи	Ижтимоий трансфертлар	Тадбиркорлик фаолиятдан даромадлар*	Бошқа даромадлар	
Қорақалпоғистон Р.	100	26,4	27,2	20,6	5,0	20,8
Андижон	100	25,5	23,0	33,6	6,8	11,1
Бухоро	100	20,1	12,4	46,4	3,4	17,7
Жиззах	100	34,1	14,0	35,5	-	16,4
Қашқадарё	100	28,8	20,0	36,0	4,7	10,5
Навоий	100	45,0	15,3	18,1	5,0	16,6
Наманган	100	20,2	13,5	50,4	3,2	12,7
Самарқанд	100	22,6	22,7	24,3	0,3	30,1
Сурхондарё	100	18,0	22,2	36,2	10,5	13,1
Сирдарё	100	45,0	15,5	31,1	0,9	7,5
Тошкент	100	49,7	17,3	22,6	4,2	6,2
Фарғона	100	29,0	20,1	34,0	6,5	10,4
Хоразм	100	21,2	13,4	18,2	0,1	47,1
Тошкент шаҳри	100	49,1	18,1	15,6	13,6	3,6
Ўзбекистон Р.	100	31,6	18,1	30,2	5,8	14,3
Шаҳар	100	42,4	17,0	25,6	9,1	5,9
Қишлоқ	100	22,7	19,0	34,2	2,9	21,2

* тадбиркорлик фаолиятдан даромадлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан ва хусусий мулкдан тушадиган даромадларни ўз ичига олади

Манба: уй хўжалиги бюджетларини тадқиқоти материаллари. ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Аҳолининг даромадлари ва харажатлари пул баланси маълумотларига кўра номинал пул даромадлари республика бўйича 2005 йил 1 чорагида ўртача 19,8%га ошган (2004 йил 1 чорагида

16,2%). Аҳолини пул даромадларини ўсиши асосан иш ҳақи 26,6% ва ижтимоий тўловларни 35,7%га ошганлиги ҳисобидан таъминланган. Натижада аҳолини пул даромадлари таркибида иш ҳақини улуши 26,9%ни (2004 йил 1 чорагида 25,4%) ва ижтимоий тўловлар улуши эса 15,4%ни (13,7%) ташкил этди (5.1.2 – жавдал)

5.1.2 - жавдал. Аҳолининг пул даромадлари таркиби (аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси бўйича)

Кўрстаклар	Жамига нисбатан %да		Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан %да	
	04/1	05/1	04/1	05/1
Пул даромадлари, жами	100	100	116,2	119,8
Шу жумладан:				
Иш ҳақи	25,4	26,9	116,7	126,6
Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар	13,7	15,4	130,5	135,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган даромад	31,8	30,3	113,8	113,9
Тадбиркорлик фаолиятдан даромадлар ва бошқалар	29,1	27,4	112,8	112,8

Манба: ЎзР Давлат Статистика қўмитаси

Аҳоли даромадларининг ҳудудлараро табақаланиши 1 : 5 даражада сақланиб қолмоқда. Аҳоли жон бошига пул даромадлари бўйича ўртача республика даражасидан юқори бўлган ҳудудларга аввалгидек, фақат Навоий ва Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри киради. Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ўртача жон бошига даромадлари ўртача республика даражасининг 60-70%ини ташкил этади. Ушбу ҳудудларнинг саноат салоҳияти ва инвестиция жозибадорлиги иш ҳақини ва аҳоли жон бошига ўртача даромадларнинг ўсишини рағбатлантириб, республикада ҳудудлараро табақаланишни паст даражада бўлишини ушлаб туришга имконият яратади (2,5 – 3 марта).

Аҳолининг пул даромадлари харажатлари таркибида истеъмолга харажатлари улушининг мавсумий ошганлиги кузатилди. Аҳолини пул даромадларида истеъмол харажатлари ўсиш тенденцияси 77,6%гача бўлди (5.1.3 – жадвал).

5.1.3 - жадвал. Аҳолининг пул харажатлари таркиби (пул даромадларига нисбатан %да)

Йиллар	Аҳолининг пул даромадлари	шундан пул харажатлари			Нақд пул қолдиғи
		Истеъмол харажатлари	Мажбурий тўловлар	Банкларга қўйилган пуллар, сотиб олинган қимматбаҳо қоғозлар ва валюта	
2004/1	100	77,6	7,8	14,9	-0,3
2005/1	100	78,0	7,3	14,3	0,4

Манба: ЎзР Давлат Статистика қўмитаси

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси харажатлари таркибида ноозиқ-овқат товарлари сотиб олиш қисқарди (20,5%дан 18,5%гача) ва хизматлар тўлов харажатлари ошди (13,8%дан 14,2%гача). Мажбурий тўловлар ва пул жамғаришидан ташқари кўчмас мулк, мол ва товуклар, яқка тартибдаги фаолият учун товарлар сотиб олиш ва шахсий томорқасини юритиш учун харажатларни акс эттирадиган ноистеъмол харажатлар 2004 йил январ-февралида 14,8%дан 16,4%гача ўсган. Ўсиш асосан шаҳар аҳолисини ноистеъмол харажатларини 2004 йил январ-февралидаги 13,9%дан таҳлил қилинаётган даврда 17,1%га ошиши ҳисобидан таъминланди (5.1.4 – жадвал).

5.1.4 - жадвал. Аҳоли харажатлари таркиби*, (%)

Йиллар		Аҳоли харажатлари	Шулардан истеъмол харажатлари				Ноистеъмол товарлари
			Озиқ овқат товарлари	Ноозиқ овқат товарлари	Хизматлар	Бошқа харажатлар	
2004/1	Республика	100	50,3	20,5	13,8	0,6	14,8
	Шаҳар	100	49,0	20,0	16,5	0,6	13,9
	Қишлоқ	100	51,9	21,1	10,6	0,6	15,8
2005/1	Республика	100	50,4	18,5	14,2	0,5	16,4
	Шаҳар	100	48,7	18,3	15,6	0,3	17,1
	Қишлоқ	100	52,2	18,7	12,8	0,7	15,6

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси. Уй хўжаликлари бюджетларини таҳлил қилиш материаллари

*2004 й. январ-феврал

Истеъмол харажатлари таркибида озиқ-овқат товарлари сотиб олишга аҳолини харажатлари 2004 йил январь-февралидаги 59,1%дан таҳлил қилинаётган даврда 60,2%гача ва хизматлар тўлови мос равишда 16,2%дан 17,0%гача ошди. Аҳолини озиқ-овқат товарларига харажатларини ортиши асосан шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига мавсумий харажатларини ўсиши ва шаҳар ҳамда қишлоқ аҳолисини маиший ва уй-жой коммунал хўжалик хизматларига харажатларининг ўсиши билан боғлиқ (5.1.5 – жадвал). Коммунал хизматларга тарифларни асоссиз ўсишига йўл қўйилмаслиги мақсадида ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралида қабул қилинган Қарорида қуйидагилар таъкидланган: а) техникавий хизматлар харажатларини уй-жой мулкдорлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириш ўрнатилган ва мос равишда уларнинг харажатларини совуқ сув, иссиқлик ва электр энергияси етказиб берувчи корхоналар харажатларига қўшмаслик; б) уй-жой мулкдорлари ширкатлари компанияларига солиқ имтиёзлари аниқланган; в) уй-жой ширкатлари ва коммунал хизмати кўрсатувчи корхоналарга аҳолидан фойдаланиш хизмат харажатлари учун тўловларни ҳам қўшганда, кўрсатилган уй-жой коммунал тўловлари учун нақд пул маблағларини кассадан ташқари мустақил йиғиш тақиқланган.

5.1.5 - жадвал. Истеъмол харажатлари таркиби* (истеъмол харажатларига нисбатан %да)

Йил-лар		аҳолининг истеъмол харажатлари	шу жумладан:								бош-қала р.
			озиқ-овқат товарлари	ноозиқ-овқат товарлари	хизматлар	шундан:					
						уй-жой ком.	Транс.	маиший	таълим	Мед.иц.	
2004/1	Республика	100	59,1	24,1	16,2	6,2	5,4	1,6	1,1	0,4	0,6
	Шаҳар	100	57,0	23,2	19,2	7,0	6,5	1,4	1,7	0,6	0,6
	Қишлоқ	100	61,6	25,2	12,6	5,3	4,2	1,8	0,5	0,2	0,6
2005/1	Республика	100	60,2	22,1	17,0	6,6	5,4	2,1	0,6	0,4	0,7
	Шаҳар	100	58,7	22,1	18,8	7,7	5,6	1,8	0,6	0,4	0,4
	Қишлоқ	100	61,8	22,2	15,2	5,4	5,1	2,3	0,5	0,4	0,8

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси. Уй хўжалиқлари бюджетларини таҳлил қилиш материаллари
*2004 й. январь-февраль

Умуман 2005 йил 1 чорагида аҳолини реал пул даромадлари, аҳолини ялпи даромадлари таркибида пул даромадлари улушини ошиши ва даромадларни натурал шаклидаги улушини қисқариши тенденцияси давом этди. Аҳолини пул даромадларини ўсиши асосан иш ҳақини ва ижтимоий тўловларни ошиши ҳисобидан таъминланган. Шаҳар аҳолисини озиқ-овқатларга ва хизматларга тўловлари бўйича мавсумий харажатларининг ошиши аҳоли харажатлари таркибида истеъмол харажатлари улушини ўсишига олиб келди.

5.2. Ички савдо ва хизматлар

2005 йил 1 чорагида товарларни сотишни ўсишига нисбатан кўрсатилган хизматлар ҳажмининг тез ўсиши суръатлари сақланиб қолди. Натижада аҳолига сотилган товарларни умумий ҳажмида хизматлар улуши 2004 йил 1 чорагидаги 18,7%дан 20,3%га ошди (5.2.1 – жадвал).

5.2.1 - жадвал. Аҳолига товарлар ва хизматлар сотиш ҳажми

Йиллар	Товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш миқдори		жумладан			
			товарлар сотиш		хизматлар кўрсатиш	
	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%
2004/1	1311,5	100	1069,6	81,6	241,9	18,4
2005/1	1558,0	100	1241,9	79,7	316,1	20,3

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Чакана товар айирбошлаш ҳажми 1241,9 млрд.сўм, пуллик хизматлар 316,1 млрд.сўмни ташкил этди. Бунда товар айирбошлаш 8,7%га (2004 йил 1 чорагида 5,1%), пуллик хизматлар 14,2%га (11,8%) ошди. Чакана товар айирбошлаш ва пуллик хизматларнинг ўсишини асосий омиллари бўлиб инфляцияни паст даржада сақлаб турилиши, аҳолини реал даромадларини ўсиши ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошиши ҳисобланади.

5.2.2 - жадвал. Чакана товар айирбошлаш ва пуллик хизматлар

Йил ва чорақлар	чакана товар айирбошлаш		пуллик хизматлар	
	Млрд. сўм	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатлари %да	Млрд. сўм	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатлари %да
2004/1	1069,6	105,1	241,9	111,8
2005/1	1241,9	108,7	316,1	114,2

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Чакана товар айирбошлаш. Республикада 2005 йил 1 чорагида чакана товар айирбошлашнинг ўсиши асосан Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳисобига шаклланди. Бу эса ушбу ҳудудларда пул даромадларининг нисбатан юқори даражада бўлиши ва истеъмол баҳолари ўсишининг паст даражаси билан боғлиқ бўлди (5.2.3 – жадвал). Чакана товар айирбошлашни ҳудудлараро табақаланиши 1 : 5,2дан 1 : 5,4гача секинлик билан ўсди. Бу қишлоқ савдо корхоналарида чакана савдо шахобчаларини товарлар билан тўлдиришни тартибга солувчи бозор механизмини паст самарада эканлиги билан боғлиқ.

5.2.3 – жадвал. Ҳудудлар миқёсида даромадлар, ИБИ, чакана товар айирбошлаш ва пуллик хизматлар

ҳудудлар	аҳоли жон бошига пул даромадлари, минг.сўм		истеъмол баҳолар индекси		аҳоли жон бошига чакана товар айирбошлаш, минг.сўм		аҳоли жон бошига пуллик хизматлар, минг.сўм	
	04/1	05/1	04/1	05/1	04/1	05/1	04/1	05/1
Қорақалпоғистон Р.	35,9	45,8	102,3	103,5	20,4	24,5	3,6	5,3
Андижон	67,1	72,8	103,9	103,8	53,8	57,2	5,6	7,5
Бухоро	61,1	70,1	101,1	104,8	36,3	43,8	8,8	11,9
Жиззах	42,9	45,3	102,1	103,6	25,3	29,0	4,7	6,8
Қашқадарё	48,1	53,6	103,5	104,7	30,1	33,7	3,8	5,0
Навобий	96,8	112,8	99,9	103,6	34,4	43,0	8,7	12,5
Наманган	44,8	55,4	100,4	102,7	33,5	37,8	4,8	6,5
Самарқанд	41,7	50,7	100,2	105,6	29,4	33,5	5,8	7,6
Сурхондарё	45,1	55,2	98,9	105,1	29,2	34,7	4,5	6,0
Сирдарё	44,6	50,1	101,0	103,0	23,6	26,4	4,3	6,1
Тошкент	66,0	76,0	100,2	103,1	45,6	51,7	6,1	7,7
Фарғона	61,5	66,1	100,7	104,6	44,9	48,0	5,6	7,9
Хоразм	41,3	49,4	101,2	106,7	24,6	30,9	6,5	10,1
Тошкент ш.	183,6	238,2	99,8	104,2	105,4	133,7	42,6	50,4
Ўзбекистон Р.	63,9	75,6	100,7	104,2	40,9	47,5	9,4	12,1
Ҳудудлараро фарқ даражаси	5,11 марта	5,25 марта	-	-	5,16 марта	5,46 марта	11,83 марта	10,08 марта

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Чакана товар айирбошлашни умумий ҳажмида нодавлат товар айирбошлашни улуши 2004 йил 1 чорагидаги 98,9%дан таҳлил қилинаётган даврда 99,1%гача ошди. Чакана товар айирбошлашни умумий ҳажмида норасмий секторни улуши секин-аста қисқариб бормоқда. Деҳқон бозорлари ҳиссасига чакана товар айирбошлашнинг 48% ва чакана савдо корхоналари улушига 25,4%и тўғри келмоқда.

5.2.4 - жадвал. Аҳоли жон бошига чакан товарайирбошлаш таркиби

ҳудудлар	аҳоли жон бошига чакана товар айирбошлаш, минг.сўм		жамига нисбатан %да			
			озиқ-овқат		ноозиқ-овқат	
	04/1	05/1	04/1	05/1	04/1	05/1
Қорақалпоғистон Р.	20,4	24,5	11,8	13,3	8,6	11,2
Андижон	53,8	57,2	27,1	33,8	26,7	23,4
Бухоро	36,3	43,8	22,1	27,4	14,2	16,4
Жиззах	25,3	29,0	13,8	14,2	11,5	14,8
Қашқадарё	30,1	33,7	18,3	18,0	11,8	15,7
Навобий	34,4	43,0	18,6	23,2	15,8	19,8
Наманган	33,5	37,8	14,5	21,9	19,0	15,9
Самарқанд	29,4	33,5	18,6	20,7	10,8	12,8
Сурхондарё	29,2	34,7	14,7	20,0	14,5	14,7
Сирдарё	23,6	26,4	13,4	14,4	10,2	12,0
Тошкент	45,6	51,7	23,3	22,1	22,3	29,6
Фарғона	44,9	48,0	23,2	24,5	21,7	23,5
Хоразм	24,6	30,9	14,4	17,7	10,2	13,2
Тошкент ш.	105,4	133,7	73,8	80,6	31,6	53,1
Ўзбекистон Р.	40,9	47,5	23,5	26,6	17,4	20,9
Ҳудудлараро фарқ даражаси	5,16 марта	5,46 марта	6,25 марта	6,06 марта	3,67 марта	4,74 марта

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Товар айирбошлаш таркибида озиқ-овқат товарларини қисқариши (2004 йил 1 чорагидаги 54,4%дан таҳлил қилинаётган даврда 56,0%гача) ва ноозиқ овқат товарлари қисмини кўпайиши (42,6%дан 44,0%гача) томон ўзгармоқда. 2005 йил 1 чорагида товар айирбошлаш таркибида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари нисбати 56,0% ва 44,0% даражасида бўлди (5.2.5 – жадвал).

5.2.5 - жадвал. Чакана савдо айланишининг товар таркиби (умумий ҳажмига нисбатан %да)

Кўрсаткичлар	04/1	05/1
Жами сотилган товарлар	100	100
Жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари	57,4	56,0
Нон	3,4	3,0
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	14,6	12,7
Сут ва сут маҳсулотлари	1,3	1,1
Алкоголи ичимликлар	3,9	3,3
Ноозиқ-овқат товарлари	42,6	44,0
Матолар	1,5	1,3
Кийим кечаклар ва ички кийим	1,6	1,4
Пойафзал	1,7	1,5
Дори-дармон	1,1	1,4
Автомобиллар	5,4	5,7
Қурилиш материаллари	1,0	1,3

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

1 : 11,8га ва 2005 йил 1 чорагида 1 : 10,1 нисбатда қисқариши тенденцияси давом этмоқда. Алоҳида ҳудудларда даромадлар реал даражаси ва иш ҳақини ошириши, шунингдек, пуллик хизматлар кўрсатувчи корхоналар шаҳобчаларини кенгайтириши республика бўйича ўртача жон бошига хизматларни истеъмол қилишни ҳудудлараро табақаланишини қисқаришига сабаб бўлган. Республиканинг барча вилоятлари бўйича (Тошкент шаҳридан ташқари) пуллик хизматларни жисмоний ҳажми жадал суръатларда кўпайди (Тошкент вилоятида 114,3%дан Хоразм вилоятида 134,8%гача) (5.2.6 – жадвал).

5.2.6 - жадвал. Чакана товар айирбошлаш ва пуллик хизматларнинг ҳудудий таркиби

ҳудудлар	Чакана савдо айланмаси, млрд. сўм			Пуллик хизматлар, млрд. сўм		
	04/1	05/1	Ўтган йилга нисбатан жорий нархларда ўсиш суръатлари, %	04/1	05/1	Ўтган йилга нисбатан жорий нархларда ўсиш суръатлари, %
Қорақалпоғистон Р.	31,7	38,5	112,4	5,6	8,4	129,6
Андижон	129,6	134,6	100,1	12,9	17,5	123,1
Бухоро	54,9	66,3	114,1	13,2	18,0	120,3
Жиззах	26,6	30,5	109,5	4,9	7,1	129,1
Қашқадарё	71,6	80,4	107,7	9,0	12,0	117,1
Навоий	28,1	35,0	117,8	7,0	10,1	125,6
Наманган	68,1	78,7	110,1	9,9	13,6	116,6
Самарқанд	84,4	96,6	107,5	16,5	22,0	119,0
Сурхондарё	55,3	66,0	109,8	8,4	11,3	118,2
Сирдарё	16,0	17,9	105,4	2,9	4,1	127,1
Тошкент	112,0	127,6	106,3	15,0	19,0	114,3
Фарғона	132,8	137,1	102,5	15,9	22,6	118,9
Хоразм	35,5	44,4	112,2	9,0	14,5	134,8
Тошкент ш.	223,0	288,3	114,9	91,8	108,8	103,5
Ўзбекистон Р.	1069,6	1241,9	108,7	241,5	316,1	114,2

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Пуллик хизматлар таркибида уй-жой коммунал, соғлиқни сақлаш ва таълим хизматлари улуши ўсмоқда. Уй-жой коммунал хизматлари 2004 йил 1 чорагидаги 21,3%дан таҳлил қилинаётган даврда электрэнергияси билан таъминлаш ҳисобига (6,8%дан 8,1%га), газ таъминоти (6,5%дан 7,4%га), марказий иситиш (1,4%дан 1,7%га) ва иссиқ сув таъминоти (1,8%дан 2,0%га) ҳисобидан 23,6%га ўсди (5.2.7 – жадвал). Пуллик хизматлар таркибида соғлиқни сақлаш ва таълим хизматлари улушини ўсишини ижобий тенденциялари авваломбор аҳолини тўлов қобилиятининг ошганлиги ва ушбу йўналиш бўйича амалга оширилаётган ижтимоий дастурларнинг самарадорлиги билан боғлиқ.

Ижтимоий инфратузилма. 2005 йил 1 чорагида 1079,9 минг кв.м уй-жой (2004 йил 1 чорагига нисбатан 18,3 минг кв.мга ортган), 685 ташрифга мўлжалланган поликлиникалар (160 ташрифга ортган) ишга туширилган, 557,2 км газ (5,6 кмга ортган) ва 341,3 кмга ичимлик суви қувурлари (33 кмга ортган) ётқизилган эди. Шу жумладан, қишлоқ жойларда 927,9 минг кв.м уй-жой (умумий ҳажмидан 86%), 541,2 км газ (умумий ҳажмидан 97%) ва 331,8 кмга ичимлик суви қувурлари (умумий ҳажмидан 97%0 ётқизилган (5.2.8 – жадвал).

5.2.7 – жадвал. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар таркиби (жамига нисбатан %да)

Хизматларнинг номи	04/1	05/1
Жами кўрсатилган хизматлар	100	100
маиший хизматлар	13,8	13,1
пассажир транспорти хизматлари	34,6	33,0
алоқа хизматлари	11,6	11,0
уй-жой коммунал хизматлари	21,3	23,6
электроэнергия таъминоти	6,8	8,1
сув таъминоти	1,1	1,1
газ таъминоти	6,5	7,4
марказлаштирилган иситиш	1,4	1,7
иссиқ сув таъминоти	1,8	2,0
канализация	0,4	0,3
санитария тозалов	0,1	0,4
маданият ва туризм хизматлари	1,1	1,0
жисмоний тарбия ва спорт хизматлари	0,3	0,2
соғлиқни сақлаш	1,8	2,1
Санатория-курорт ва соғломлаштириш	0,5	0,5
таълим тизими хизматлари, аҳолини курсларда ўқитиш	6,4	7,1
ҳуқуқий характердаги хизматлар ва банк муассасалари	1,7	1,6
бошқа хизматлар	6,9	6,8

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Ижтимоий инфратузилма объектларини ишга тушириш аҳолини жон бошига 14,3 кв.м уй-жой, 10 минг кишига 54,9 касалхона ўринлари, 10 минг кишига 155,2 поликлиника муассасалари, 1 сменада таълим олувчиларни қамраб олиш 71,3%, марказлаштирилган сув таъминотини 82,2%, табиий газ билан 80,7%га таъминлаш имкониятини берди. Ижтимоий объектлар бўйича шаҳар ва қишлоқ аҳолисини таъминланганлиги ўртасидаги кескин тафовут 2005 йил 1 чорагида касалхона ўринлари (10 минг кишига шаҳарларда 79,4 ва қишлоқларда 41 та касалхона ўринлари) ва амбулатория поликлиника муассасалари (10 минг кишига шаҳарда 197,5 ва қишлоқда 131,1 муассасалар) кўрсаткичлари бўйича сақланиб қолди.

5.2.8 - жадвал. Ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш

	Ўлчов бирлиги	04/1	05/1
Уй жой, жами	минг.кв.м	1061,6	1079,9
Якка тартибда уй жой қурилиши	минг.кв.м	1060,5	1066,2
ш.ж. қишлоқ жойларда	минг.кв.м	924,1	927,9
Поликлиника (ҚВП билан)	ташрифлар сони, минг	525	685
Жумладан қишлоқ жойларда	ташрифлар сони, минг	525	685
Умумтаълим мактаблари	ўқув ўринлари, минг	551,6	557,2
Профессионал касб-ҳунар колледжлар	ўқув ўринлари, минг	542,6	542,1
Газ қувурлари	минг.км	308,3	341,3
жумладан, қишлоқ жойларда	минг.км	298,6	331,8

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Республикада ҳудудлар ўртасида ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланганлик кўрсаткичлари бўйича тафовутлар қуйидагичи бўлди: уй-жой билан таъминланганлик 2,3 марта (Андижон вилоятида 1 яшовчига 9,7 кв.м ва Хоразм вилоятида 22,5 кв.м), касалхона ўринлари билан таъминланганлик 1,9 марта (10 минг кишига касалхона ўринлари Сурхондарё вилоятида 44,8 ва Тошкент шаҳрида 84,9), амбулатория –поликлиника муассасалари билан таъминланганлик 2,3 марта (10 минг кишига Сурхондарё вилоятида 95,8 ва Сирдарё вилоятида 222,6), 1 сменада ўқиётганларни қамраб олиш 1,3 марта (Қорақалпоғистон Республикаси 64,2% ва Бухоро вилояти 85,5%), марказлаштирилган сув таъминоти 1,5 марта (Бухоро вилояти 66,2% ва Тошкент шаҳри 99,6%) ва табиий газ билан таъминланганлик 1,5 марта (Сурхондарё вилояти 63,5% ва Тошкент шаҳри 97,5%).

5.2.9 - жадвал. Аҳолини ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланганлиги

худудлар	аҳолининг таъминланганлиги					
	1 кишига тўғри келадиган уй майдони	10 минг кишига касалхона уринларининг тўғри келиши	10 минг кишига амбулатория ва тиббий муассасаларнинг тўғри келиши	1 сменада таълим олувчилар, %	Сув таъминоти, %	Табий газ таъминоти, %
Қорақалпоғистон Р.	15,4	59,1	145,1	64,2	71,0	94,1
Андижон	9,7	60,0	172,5	68,7	90,2	68,9
Бухоро	13,7	46,2	176,7	85,5	66,2	83,6
Жиззах	12,8	47,8	154,2	74,7	75,4	73,2
Қашқадарё	12,8	52,8	116,5	67,4	80,8	73,0
Навоий	19,2	52,3	176,7	70,7	76,8	79,9
Наманган	13,0	64,3	145,7	71,9	80,1	80,6
Самарқанд	14,1	52,0	126,5	67,1	76,4	87,6
Сурхондарё	12,7	44,8	95,8	64,5	85,8	63,5
Сирдарё	14,8	63,7	222,6	73,8	94,4	84,9
Тошкент	13,7	45,0	191,0	71,7	93,8	85,4
Фарғона	14,5	47,3	149,2	73,4	90,8	78,8
Хоразм	22,5	50,5	144,5	78,6	71,7	97,4
Тошкент ш.	17,4	84,9	216,9	78,0	99,6	97,5
Ўзбекистон Р.	14,3	54,9	155,2	71,3	82,2	80,7
шаҳар	14,9	79,4	197,5	72,7	-	-
қишлоқ	14,0	41,0	131,1	70,6	79,1	75,1

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Умуман республика бўйича 2005 йил 1 чорагида умумиқтисодий ҳолат ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар аҳолини тўловга қодир тўлов қобилиятини оширишга ижобий таъсир кўрсатди. Уй хўжаликларидида озиқ-овқатга харажатларни қисқариши ва хизматларга тўловлар харажатларини ошиши натижасида уларнинг истеъмоли таркибидида ўзгариш содир бўлди. Пуллик хизматлар таркибидида таълим ва соғлиқни сақлаш хизматлари улушини ортишини ижобий тенденцияси пайдо бўлди. Келгусидида муаммоларни ҳал қилиш учун: шаҳар ва қишлоқ аҳоли турмуш даражаси ўртасидидаги тафовутни қисқартириш; уй хўжаликларининг даромадлари ва истеъмолларини худудлараро табақаланишувини камайтириш; аҳолини жамғаришга мойиллигини ошириш; аҳолини инвестицион фаоллигини ошириш лозим.

5.2.9 - жадвал. Аҳолини ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланганлиги

Худудлар	Аҳолининг таъминланганлиги					
	1 кишига тўғри келадиган уй майдони	10 минг кишига бемор уринларининг тўғри келиши	10 минг кишига амбулатория ва тиббий муассасаларнинг тўғри келиши	1 сменада таълим олувчилар, %	Сув таъминоти, %	Табий газ таъминоти, %
Қорақалпоғистон Р.	15,4	59,1	145,1	64,2	71,0	94,1
Андижон	9,7	60,0	172,5	68,7	90,2	68,9
Бухоро	13,7	46,2	176,7	85,5	66,2	83,6
Жиззах	12,8	47,8	154,2	74,7	75,4	73,2
Қашқадарё	12,8	52,8	116,5	67,4	80,8	73,0
Навоий	19,2	52,3	176,7	70,7	76,8	79,9
Наманган	13,0	64,3	145,7	71,9	80,1	80,6
Самарқанд	14,1	52,0	126,5	67,1	76,4	87,6
Сурхондарё	12,7	44,8	95,8	64,5	85,8	63,5
Сирдарё	14,8	63,7	222,6	73,8	94,4	84,9
Тошкент	13,7	45,0	191,0	71,7	93,8	85,4
Фарғона	14,5	47,3	149,2	73,4	90,8	78,8
Хоразм	22,5	50,5	144,5	78,6	71,7	97,4
Тошкент ш.	17,4	84,9	216,9	78,0	99,6	97,5
Ўзбекистон Р.	14,3	54,9	155,2	71,3	82,2	80,7
шаҳар	14,9	79,4	197,5	72,7	-	-
қишлоқ	14,0	41,0	131,1	70,6	79,1	75,1

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

5.3. Иш билан бандлик ва меҳнат бозори.

Аҳоли. 2005 йилнинг 1 чорагида Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси 77.6 минг кишига кўпайди ва 1 апрелга келиб, 26 098,9 минг кишини ташкил этди. Бундай ўсиш асосан қишлоқ жойлардаги туғилиш сабабли юз берди. Қишлоқ жойларда 57.7 минг киши туғилган бўлиб, жами ўсишнинг 74.4%ни ташкил этади. Бу республикада де – урбанизацион жараёнларнинг давом этаётганлигидан далолат беради. (5.3.1. илова).

Ўзбекистон аҳолиси табиий силжишлар асосида кўпаймоқда. 2005 йилда ҳам 2004 йилда бошланган туғилишнинг кўпайиши давом этди. Чорак давомида 127.1 минг бола дунёга келган бўлиб, бу кўрсаткич 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 7.7 мингтага кўп демакдир. Бундай динамика 80 йилларда туғилишнинг юқори суръатлари кузатилган даврнинг демографик оқибатлари бўлиб, яқин икки йил давом этади. Сабаби, ўша йилларда туғилган аёлларнинг фаол фертил ёшга кириши кузатилади. Охири йиллардаги бундай тенденциялар умуман олганда республикадаги демографик вазиятга ижобий таъсир этади. Ишлаб чиқариш жараёнларида қишлоқ жойларининг роли кучаяди. 2005 йилнинг 1 чорагида жами туғилган болаларнинг 69,5% қишлоқ жойларга тўғри келди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 69,3%ни ташкил этган эди.

2005 йилнинг 1 чорагида ўлганлар сони 35,3 минг кишини ташкил этди, бу кўрсаткич 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан 0,9 минг кишига кўп демакдир. Ўлганларнинг 43.7% шаҳар жойларга, 56.3% қишлоқ жойларга тўғри келади. Ўтган йилда ҳам бу кўрсаткичлар худди шундай кўринишда бўлган эди. Умуман олганда аҳолининг табиий кўпайиши 1 чорақда 91,8 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,8 минг кишига кўп. Ўзбекистоннинг ташқи миграциясида миграция салбий сальдога эга (-14,4 минг киши), бироқ 2005 йилнинг 1 чорагида миграция ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бир қадар қисқарди (0,7 минг кишига).

Аҳолининг иш билан бандлиги. 2005 йилнинг 1 чорагида аҳоли бандлиги мутлоқ ва таққослама ўсиш суръатлари сезиларли даражада тезлашди. Иқтисодиётда банд бўлганлар сони мазкур давр мобайнида 9750.2 минг кишини ташкил этиб, 2004 йилнинг 1 чорагидаги 322.6 (3.5%) ўрнига 339.4 минг кишига (3.6%) ортди ва банд бўлганлар сони 16.8 минг кишига ортишига эришилди. Иш билан бандликнинг ортиши янги иш ўринларини очилишига олиб келган барқарор иқтисодий ўсиш билан изоҳланади. 2005 йилнинг 1 чорагида 128.3 минг янги иш ўринлари барпо этилиб, шулардан 93.3 минг (72,7%) қишлоқ жойларга тўғри келади. Бандликнинг ортиши қишлоқ хўжалигидан ташқари барча тармоқларда юз берди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони 19.8 минг кишига (0.7%) қисқарди. Аграр секторда бандликнинг қисқариши ортиқча ишчи кучининг мавжудлиги билан изоҳланади. 2005 йилнинг 1 чорагида 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан саноатда ишчиларнинг 61.7 минг кишига (5.0%) ортиши кузатилди. Бу 2004 йил кўрсаткичидан 1.1 минг кишига кўпдир. Аҳоли бандлигидаги бундай ижобий натижалар иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган саноат сиёсати стратегиясини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Саноатда бандлик жами банд бўлганларнинг 18.2%ни ташкил этди.


Реал секторнинг бошқа тармоқларидан қурилишни алоҳида кўрсатиш мумкин. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қурилиш соҳасида банд бўлганларнинг 39.6 минг киши (5.8%)га ўсишини таъминлади. Савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов соҳаларида ҳам қисман бандлик ортди (7,7%), уларнинг жами бандликдаги улуши 19.5%ни ташкил этди. Умуман олганда 2005 йилнинг 1 чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан моддий ишлаб чиқаришдаги бандлик 182.2 минг кишига (2,9%) ортиб, иқтисодиётда банд бўлганларнинг 6545.3 минг кишини ёки 67.1%ни ташкил этди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнида номоддий ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланишига замин яратилмоқда. 2005 йилнинг 1 чорагида мазкур тармоқда банд бўлганлар сони 157.2 минг кишига кўпайди, уларнинг жами банд бўлганлар сонидagi улуши 32,4%дан 32,9%га ортди. Бу ўз навбатида ҳозирги босқичда иш билан бандликнинг қулай тенденциялари юзага келаётганлигидан далолат беради. Номоддий ишлаб чиқариш соҳасига жами банд бўлганларнинг 46,3% тўғри келади.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳасидаги бандлик ўсган тармоқлардан бири бу таълим, маданият, фан соҳаси ҳисобланади. (62.5 минг кишига ёки 4.9%га). Мазкур соҳага жами банд бўлганларнинг 18.4% тўғри келади. Шу билан бирга 2005 йилда транспортва алоқа соҳасида аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича кадрлар сонининг ортиши давом этмоқда. (11.5 минг кишига ёки 8.4%). (5.3.1 чизма).

2005 йилда иш билан бандликни шакллантириш

5.3.1- чизма. Иш билан бандликнинг тармоқ таркиби



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

асосан нодавлат сектори ҳисобига амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан унинг улуши 76.9%дан 77.1%га ортди. Аҳоли бандлигини таъминлашда кўп жиҳатдан тадбиркорлик, хусусий секторни мустақкамалаш, фермер хўжалиқларининг сонини ортиши катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Жорий меҳнат бозори. 2005 йилнинг 1 чорагида меҳнат биржасига ишга жойлашиш мақсадида мурожат этганларнинг сони ортди. Мазкур биржаларда 106.2 минг киши рўйхатдан ўтказилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1.4 минг кишига кўп. Бу билан икки йил мобайнида давом этиб келаётган мазкур кўрсаткичнинг камайиш тенденцияси тўхтатилди. Айниқса Самарқанд (41.1%га) ва Хоразм (11.2%га) вилоятларида рўйхатдан ўтказиш кўп бўлди. Иш билан таъминлашни сўраб мурожат этганлар нисбатан кўп бўлган ҳудудларга Фарғона (жами мурожат этганларнинг 14.1%), Самарқанд (12.3), Наманган (11.1%) вилоятлари киради. Ишчи кучларининг меҳнат биржаларига бундай тезликда мурожат этиши инвестицион дастурларни ишлаб чиқишда мазкур вилоятлардаги вазиятни эътиборга олишни тақозо этади.

Меҳнат биржаларига мурожат этганларнинг иш билан таъминланиш даражасининг ортганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. 2005 йилнинг 1 чораги мобайнида мурожат этганларнинг 75.8% иш билан таъминланди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 72.7%ни ташкил этган эди. Иш билан таъминлаш суръатлари юқори бўлган ҳудудларга Сурхондарё (87,0%), Самарқанд (85,6%), Фарғона ва Наманган (81%дан ортиқ) ва Жиззах (80,4%) вилоятларини киритиш мумкин. (5.3.1 жадвал).

Бундай вазиятнинг юзага келиши аҳолини иш билан таъминлаш масалаларида ижтимоий ҳамкорлик даражасининг ортиши билан боғлиқ.

5.3.1- жадвал. Жорий меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари

Йил	Иш изловчи сифатида рўйхатдан ўтганлар, минг киши	Иш билан таъминланганлар, минг киши	Иш билан таъминланганларнинг иш қидираётганлар сонидagi улуши, %	Ҳисобот даври охирида ишсизлар сони, минг киши
2000	421,4	280,6	66,6	35,4
2001	462,8	318,1	68,7	37,5
2002	448,2	322,2	71,9	34,8
2003	430,5	317,4	73,7	32,2
2004	425,0	323,7	76,2	34,8
04/1	104,8	76,2	72,8	36,6
05/1	106,2	80,5	75,8	37,0

Манба: Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблари.

Ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда расман ишсиз деб тан олинган аҳолининг сони 2005 йилнинг 1 чорагида ўтган йил кўрсаткичи даражасида сақланиб қолди (36,9 минг киши). Бироқ, бир қатор ҳудудларда бу кўрсаткич ортди: Бухоро вилоятида – 36,8%га, Қашқадарё вилоятида – 27,1%га, Сирдарё вилоятида – 23,2%га ва Жиззах вилоятида – 22,2%га. Бундай ўсиш мазкур ҳудудларда ишчиларнинг ишдан бўшатирилганлиги ва меҳнат бозорига ишчи кучи оқимининг кўпайганлиги билан изоҳланади.

Салбий тенденциялар қаторида 2005 йилнинг 1 чорагида ишсизларнинг жамоатчилик ишларида кам қатнашганлигини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридаги 7.7 минг кишига қараганда бор йўғи 6.6 минг кишини ташкил этди. Бу кўп жиҳатдан тегишли идораларнинг мазкур муаммо ечимига эътиборсизлиги билан изоҳланади.

Чорак охирига келиб меҳнат биржаларида 25.0 минг вакант иш жойлари мавжуд бўлиб, бироқ бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2.6 минггага кам. Вакант иш жойларининг кўпайиши Самарқанд, Хоразм ва Жиззах вилоятларига тўғри келади. Бу мазкур ҳудудлардаги меҳнат биржаларида ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф барқарорлигини сифат жиҳатдан ортиши билан боғлиқ.

2005 йилнинг 1 чорагида иш билан таъминлашга муҳтож аҳолини қайта ўқитиш ва малакасини ошириш борасидаги вазият бир қанча яхшиланди. Тегишли муассасаларда профессионал ўқиш курсларини ўтаганлар сони 2004 йилнинг шу давридаги 9.5 минг киши ўрнига 10.5 минг кишини ташкил этди. Бироқ, Фарғона водийсининг барча ҳудудларида ва Сирдарё вилоятида бу кўрсаткичнинг камайганлиги кузатилди. Профессional ўқитиш кўрсаткичларининг тахлили бир қанча салбий кўрсаткичларга эга ҳудудларнинг мавжудлигини кўрсатди. Агарда 2005 йилнинг 1 чорагида республика бўйича 1000 нафар рўйхатдан ўтказилганларнинг 99 таси профессионал ўқитилган бўлса, Тошкент шаҳрида – 535 киши, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида 30 киши, Сурхондарё вилоятида 33 киши, Наманган вилоятида 42 киши профессионал тарзда ўқитилган. Мазкур муаммони ечиш

мақсадида аҳолини иш билан таъминлаш хизматларининг кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги ихтисослашувини кенгайтирган ҳолда ўқув-услубий базасини мустақамлаш лозим.

Меҳнат бозорида қишлоқ жойларнинг роли тўхтовсиз равишда ортиб бормоқда. 2005 йилнинг 1 чорагида иш изловчи сифатида рўйхатдан ўтганларнинг 75.4%, иш билан таъминланганларнинг 76.0%, расман ишсиз деб рўйхатдан ўтганларнинг 71.4% қишлоқ жойларига тўғри келади. (5.3.2 жадвал).

5.3.2- жадвал. Шаҳар ва қишлоқларда аҳолини ишга жойлаштириш

Йил	Иш изловчи сифатида рўйхатдан ўтганлар, минг киши		Иш билан таъминланганлар, минг киши		Ишга жойланиш даражаси, %	
	шаҳар	қишлоқ	шаҳар	қишлоқ	шаҳар	қишлоқ
2003	114,1	316,3	79,2	238,2	69,4	75,3
2004	112,0	313,0	94,6	229,1	84,4	73,2
04/1	27,4	77,3	18,9	57,3	68,9	74,2
05/1	26,1	80,1	19,3	61,2	73,9	76,4

Манба: Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблари.

Бундай вазият қишлоқ жойларда маҳаллий хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни барпо этиб, иш жойлари таклифини кўпайтиришни тақозо этади.

Ишчи кучи экспорти. 2005 йилда республикада ишчи кучини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига уюштирилган ҳолда экспорт қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. АҚШ, БАА каби қатор давлатлар билан янги шартномалар тузилди. Бироқ, ишчи кучи миграциясининг кўп қисми ҳамон уюлмаган ҳолда амалга оширилмоқда.

5.2.1 - илова. Аҳолига товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми

йиллар	Аҳолига товар сотиш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми		жумладан			
			товарлар сотиш		хизматлар кўрсатиш	
	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%
2000	2097,4	100	1787,5	85,2	309,9	14,8
2001	3172,2	100	2699,9	85,1	472,3	14,9
2002	4497,7	100	3786,3	84,2	711,4	15,8
2003	3259,9	100	4325,1	82,2	934,8	17,8
2004	5991,3	100	4764,7	79,5	1226,6	20,5
04/1	1311,5	100	1069,6	81,6	211,9	18,4
05/1	1558,0	100	1241,9	79,7	316,1	20,3

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

5.2.2 - илова. Чакана товар айланиши ва пуллик хизматлар

йиллар	чакана товар айланиши		пуллик хизматлар	
	Жорий нархларда, млрд. сўм.	Ўтган йилга нисбатан таққослама нархларда ўсиш, %	Жорий нархларда, млрд. сўм.	Ўтган йилга нисбатан таққослама нархларда ўсиш, %
2000	1787,5	107,6	309,9	115,7
2001	2699,9	109,6	472,3	114,7
2002	3786,3	102,1	711,4	108,6
2003	4289,7	104,2	934,8	107,9
2004	4764,7	104,7	1226,6	113,8
04/1	1069,9	105,1	241,9	111,8
05/1	1241,9	108,7	316,1	114,2

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

5.2.3 - илова. Аҳолининг ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланганлик даражаси

Йиллар	Аҳолининг таъминланганлик даражаси					
	1 кишига тўғри келадиган уй майдони	10 минг кишига касалхона ўринларининг тўғри келиши	10 минг кишига амбулатория ва тиббий муассасаларнинг тўғри келиши	1 сменада таълим олувчилар, %	Марказлашган сув таъминоти, %	Табийий газ таъминоти, %
2000	13,8	55,9	157,7	73,6	80,4	76,1
2001	14,0	55,8	160,4	73,1	81,4	77,2
2002	14,3	57,8	163,1	71,9	81,6	78,0
2003	14,3	57,4	155,0	71,1	81,8	79,8
2004	14,4	54,9	155,2	71,3	82,2	80,2
04/1	14,1	55,7	158,4	71,1	-	78,2
05/1	14,3	54,8	156,1	71,3	82,2	80,7

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

5.3.1- илова. Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сонининг динамикаси (минг киши)

Йил	Жами аҳоли		Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
	Сони	Ўсиши, %	Сони	Ўсиши, %	Сони	Ўсиши, %
2000	24487,7	1,5	9165,5	0,9	15322,2	1,8
2001	24813,1	1,3	9225,3	0,7	15587,8	1,7
2002	25115,8	1,2	9286,9	0,7	15828,9	1,5
2003	25427,9	1,2	9340,7	0,6	16087,2	1,6
2004	25707,4	1,1	9381,3	0,4	16326,1	1,5
2005*	26021,3	1,2	9441,9	0,6	16579,4	1,6
04/1 (1.04.04 га)	25777,2	0,3	9397,2	0,2	16380,0	0,3
05/1 (1.04.05 га)	26095,0	0,3	9460,7	0,2	16634,3	0,3

*) 2005 йил бошидаги маълумотлар статистика ташкилотлари томонидан текширилгандан сўнг келтирилган

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

**5.3.2- илова. Иш билан банд аҳолининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши
(ўртача минг киши)**

	2004 й. 1-чораги	Жами бандликдаги улуши, %	2005 й. 1-чораги *)	Жами бандликдаги улуши, %	2005 й. 1-чораги 2004 й. 1-чорагига нисбатан %да
Иш билан бандлар - жами	9410,8	100,0	9750,2	100,0	103,6
Моддий ишлаб чиқаришда	6363,1	67,6	6545,3	67,1	102,9
Саноат	1243,3	13,2	1305,0	13,4	105,0
Қишлоқ ва ўрмон хўжалигида	2821,5	30,0	2801,7	28,7	99,3
Транспорт ва алоқа	310,3	3,3	327,1	3,3	105,4
Қурилиш	679,1	7,2	718,7	7,4	105,8
Савдо, умумий овқатланиш, таъминот, тайёрлов	857,4	9,1	923,6	9,5	107,7
Бошқалар	451,5	4,8	469,2	4,8	103,9
Номоддий ишлаб чиқаришда	3047,7	32,4	3204,9	32,9	105,2
Транспорт ва алоқа	137,4	1,5	148,9	1,5	108,4
Уй жой ва коммунал хўжалик ва маиший хизмат	292,2	3,1	308,4	3,2	105,5
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	657,0	7,0	699,9	7,2	106,5
Таълим, маданият, санъат, фан	1276,7	13,6	1339,2	13,7	104,9
Молия ва кредит	51,0	0,5	52,3	0,5	102,5
Бошқалар	633,4	6,7	656,2	6,8	103,6
Давлат секторида, %	23,1	x	22,9	x	x
Нодавлат секторида, %	76,9	x	77,1	x	x

*) баҳолаш

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

6. ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ


2005 йилнинг 1 чораги натижаларига кўра республика ҳудудлари (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) нисбатан барқарор суръатларда ривожланди.

Агарда 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан ЯИМнинг ўсиш суръатлари 104,85ни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткичдан юқори бўлган ЯХМ Андижон вилоятида - 111,0%, Жиззах вилоятида - 106,5%, Наманган вилоятида - 106,9%, Сурхондарё вилоятида - 106,7% даражасида қайд этилди. Кўрсатиб ўтилган вилоятларда ЯХМнинг юқори суръатларига минтақалар иқтисодиёти тармоқларида ривожланишнинг ижобий тенденциялари ҳисобига эришилди. (6.1 илова).

2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан ЯХМнинг ҳудудий таркиби бир қанча ўзгарди. ЯХМнинг нисбатан катта улуши ҳар доимгидек Тошкент шаҳрида 17,3% даражасида қайд этилди, бироқ бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,7 фоиз даражага паст бўлди. Бундан ташқари ЯХМда улуши камайган ҳудудлар қаторига Жиззах (2,3% дан 2,2% гача), Фарғона (8,0% дан 7,9% гача) вилоятлари кирди. Қолган вилоятларда ЯХМнинг кўпайиши кузатилди. Айниқса Андижон (5,5% дан 6,2%га), Қашқадарё (6,3% дан 7,5%га), Сурхондарё (3,4% дан 3,8%га) вилоятларида бу кўрсаткич кўтарилди. Сирдарё ва Хоразм вилоятларида 2005 йилнинг 1 чорагида 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан кўрсаткичлар ўзгаришларсиз мос равишда 1,4% ва 3,3% даражасида сақланиб қолди. ЯХМ таркибидаги ўзгаришлар асосан таркибий ўзгаришлар суръатларининг ўсиши, айниқса саноат ва қишлоқ хўжалигидаги таркибий ўзгаришлар, шунингдек, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида инвестицион фаолликнинг ўсиши ҳисобига юз берди. (6.1 чизма).

Аҳоли жон бошига ЯХМ ишлаб чиқариш индекси ҳам ўзгарди. Ҳудудларни мазкур кўрсаткич бўйича гуруҳларш натижалари шуни кўрсатдики, агарда 2004 йилнинг 1 чорагида индекс даражаси 1.000дан юқори бўлган ҳудудларга Тошкент шаҳри, Навоий ва Тошкент вилоятлари кирган бўлса, 2005 йилнинг 1 чорагида мазкур гуруҳга Бухоро вилояти ҳам кирди. Иккинчи гуруҳга (0,500 дан 1,000 гача) 2004 йилнинг 1 чорагида мазкур гуруҳда бўлган Бухоро вилоятдан ташқари барча ҳудудлар ҳамда 3 гуруҳдан 2 гуруҳга ўтган Сурхондарё вилояти кирди. Бироқ, мазкур гуруҳда бир қанча ўзгаришлар юз берди. Қашқадарё вилояти (0,666 дан 0,820га), Андижон вилояти (0,585 дан 0,685га) ва Сирдарё вилоятлари (0,525 дан 0,555га) индекслари кўтарилди, Фарғона (0,738 дан 0,725га), Хоразм (0,595 дан 0,593га) ва Жиззах вилоятларининг (0,563 дан 0,558га) индекс кўрсаткичлари камайди.

6.1 - чизма. 2004-2005 йиллар 1 чорагида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ЯИМдаги улуши (%)



Манба: ЎзР Статистика Давлат қўмитаси

Учинчи гуруҳга индекс кўрсаткичлари 0,500 гача бўлган ҳудудларга Самарқанд, Наманган вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси кирди. 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан мазкур ҳудудларда ЯХМ индекслари мазкур ҳудудларда ўсган бўлсада уларда ижтимоий иқтисодий ривожланиш тенденциялари орқада қолмоқда. (6.1 илова).

2005 йилнинг 1 чорагида барча ҳудудлар 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан саноат ишлаб чиқаришида катта ўсиш суръатларига эришдилар. Айниқса Қорақалпоғистон Республикаси (141,3%), Андижон (153,5%), Жиззах (120,0%), Хоразм (118,5%), Наманган (112,4%), Сурхондарё (111,7%), Самарқанд (111,6%), Сирдарё (111,4%), Бухоро (108,5%) ва Тошкент (107,8%) вилоятлари бунга мисол бўла олади. 14 ҳудуддан 10 таси саноат ишлаб чиқариш суръатлари республика ўртача даражасидан (108,3%) юқори бўлди.

6.1 - жадвал. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ишлаб чиқариш бўйича ҳудудларни гуруҳлаш

I чорак 2004 й.		I чорак 2005 й.	Индекс
I. юқори даража	1,000дан юқори	I. юқори даража	1,000дан юқори
Тошкент шаҳри	2,257	Тошкент шаҳри	2,113
Навоий вилояти	1,753	Навоий вилояти	2,060
Тошкент вилояти	1,012	Тошкент вилояти	1,075
II. ўртача даража	0,500дан 1,000гача	Бухоро вилояти	1,041
Бухоро вилояти	0,974	II. ўртача даража	0,500дан 1,000гача
Фарғона вилояти	0,738	Қашқадарё вилояти	0,820
Қашқадарё вилояти	0,666	Фарғона вилояти	0,725
Хоразм вилояти	0,595	Анджон вилояти	0,685
Анджон вилояти	0,585	Хоразм вилояти	0,593
Жиззах вилояти	0,563	Жиззах вилояти	0,558
Сирдарё вилояти	0,525	Сирдарё вилояти	0,555
III. паст даража	0,500гача	Сурхондарё вилояти	0,528
Сурхондарё вилояти	0,473	III. паст даража	0,500гача
Самарқанд вилояти	0,457	Самарқанд вилояти	0,472
Наманган вилояти	0,434	Наманган вилояти	0,441
Қорақалпоғистон Р.	0,352	Қорақалпоғистон Р.	0,412

Манба: ЎзР Статистика Давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Саноат ишлаб чиқаришида юқори суръатлар ўсиш ўзак тармоқлар жумладан, ёнилғи энаргетика комплекси, машинасозлик, енгил ва озиқ овқат саноати ривожланиши ҳамда мазкур ҳудудларда инвестицион салоҳиятнинг фаоллашганлиги ҳисобига юз берди.

Саноат ривожланиши индекси (аҳоли жон бошига ҳисоблаганда) 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан Қарақалпоғистон Республикасида (0,207 дан 0,255га), Андижон (0,939 дан 1,161га), Қашқадарё (1,055 дан 1,398га), Навоий (4,086 дан 4,251га), Сурхондарё (0,294 дан 0,303га) вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида (1,568 дан 1,162га) юқори бўлди. Бошқа барча вилоятларда айниқса Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида индекс пасайди. Саноат маҳсулотларини аҳоли жон бошига энг кам ишлаб чиқарган ҳудуд бу Қорақалпоғистон Республикаси (25,2 минг сум) бўлди, бу кўрсаткич Навоий вилояти кўрсаткичидан 16,6 баробар кам (421,1 минг сум) ва Андижон вилояти ҳамда Тошкент шаҳри кўрсаткичидан 4,5 баробар кам (6.1 илова).

Халқ истеъмоли товарларини (ХИТ) ишлаб чиқариш суръатлари 2005 йилнинг 1 чорагида Навоий (98,3%) ва Хоразм (96,5%) вилоятларидан ташқари бошқа ҳамма ҳудудларда ўсиш тенденциясига эга бўлди. ХИТ ўсиш суръатлари камайишининг асосий сабаби бу йирик корхоналарда ХИТни ишлаб чиқариш бўйича берилган топшириқларнинг бажарилмаганлиги ҳамда мазкур маҳсулотларнинг сифат даражаси пастлиги сабаб уларга бўлган талабнинг пасайиши ҳисобланади. Навоий вилоятида НТМК, «Навои-Азот» АЖ, «Балиқчилик-2003» ОАЖ ва «Навоийнонзаводи» АЖ халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш камайди. Хоразм вилоятида халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқарувчи 36 та корхонадан 12 таси ХИТларини ишлаб чиқаришни камайтирди.

Халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришнинг юқори суръатлари Қорақалпоғистон Республикаси (117,1%), Андижон (180,3%), Жиззах (120,6%), Фарғона (115,8), Наманган (112,1%), Самарқанд (110,1%), Сирдарё (109,9%), Тошкент (107,7%) вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида (107,4%) қайд этилди. Кўрсатиб ўтилган ҳудудларда ХИТлари ишлаб чиқаришнинг ортиши кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига олиб келди.

Халқ истеъмоли товарларини индекси (аҳоли жон бошига ҳисоблаганда) Андижон (1,998 дан 3,147га), Жиззах (0,618 дан 0,704га), Самарқанд (0,789 дан 0,799га) вилоятларида ошди.

Бошқа ҳудудларда 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан индекснинг камайиши кузатилди. (6.2 илова).

ХИТларини аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришнинг энг паст кўрсаткичи Қорақалпоғистон Республикасида (7,1 минг сум) қайд этилди, энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида (55,2 минг сум) қайд этилди. ХИТ индекси ўртача республика даражасидан кам кўрсаткичлар 14 ҳудуднинг 10 тасида қайд этилди.

2005 йилнинг 1 чорагида 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барча ҳудудларда юқори суръатларда бўлди. Айниқса Навоий

(109,7%), Бухоро (109,4%), Кашкадарё (109,0%), Сурхондарё (108,8%) ва Андижон (107,7%) вилоятларида.

14 та ҳудуддан 7 тасида мазкур кўрсаткичлар ўртача республика кўрсаткичидан (106,6%) юқори бўлди. Ўсишнинг юқори суръатлари фермер ва дехқон хўжалиқларининг самарали меҳнати туфайли юз берди (6.1 илова).

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш индекси (аҳоли жон бошига ҳисоблаганда) кўпгина вилоятларда нисбатан юқори кўрсаткичларга эга бўлди; 8 ҳудудда у ўртача республика кўрсаткичидан юқори бўлди. Мазкур кўрсаткич бўйича индексларнинг камайиши Қорақалпоғистон Республикасида (0,361 дан 0,311гача), Андижон (0,845 дан 0,797гача). Жиззах (1,504 дан 1,246гача), Фарғона (1,058 дан 0,984гача) ва Хоразм (1,529 дан 1,350гача) вилоятларида юз берди.

Бир қанча вилоятларда айниқса Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида индекснинг кўтарилиши кузатилди. (6.2 илова).

2005 йилнинг 1 чорагида бир қанча ҳудудларда инвестицион фаоллик даражаси кўтарилди, жумладан Бухоро (135,1%), Жиззах (125,0%), Кашкадарё (125,8%), Сирдарё (166,1%), Фарғона (2,4 баробарга) вилоятларида, ва Тошкент шаҳрида (126,1%). Бу асосан ҳудудларнинг инвестицион жозибдорлигининг ошиши ҳисобига юз берди. Бухоро ва Жиззах вилоятларида инвестициялар асосан ижтимоий соҳа объектларини (шифхоналар, овқатланиш пунктлари), қишлоқ жойларда маший хизмат кўрсатишни ривожлантиришга сарфланди. Қашқадарё вилоятида Талимаржон ГРЭСнинг 1-чи энергоблоки ишга туширилди, «Муборакнефтваз» корхонасида янги корхоналар очилди, саноат ва хизмат кўрсатиш тармоғида иккита янги ҚК ишга туширилди, қишлоқ хўжалигининг техник базаси янгиланди.

Сирдарё вилоятида газ ва сув хўжалиги объектлари фойдаланишга топширилди, бунинг натижасида қишлоқ аҳоли пунктларининг газ ва сув билан таъминоати яхшиланди; Фарғона вилоятида 120 дан ортиқ объектларнинг қурилиши давом этмоқда жумладан, «Манзилий дастур» дастури доирасида ҳам; Тошкент вилоятида инвестицияларнинг асосий қисми транспорт ва алоқанинг ривожланишига, саноат корхоналарини қайта жиҳозлашга, лицей ва мактабларни қуриш ва таъмирлашга сарфланди.

Инвестицияларнинг камайиши Қорақалпоғистон Республикасида (54,4%га), Андижон (25,7%га), Самарқанд (18,4%га), Тошкент (3,4%га) ва Хоразм (6,0%га) вилоятларида кузатилди. Айтиб ўтилган ҳудудларда инвестицияларнинг 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан камайиши қуйидаги сабабларга кўра юз берди: Қорақалпоғистон Республикасида Қўнғирот сода заводида қурилиш ишлари тугалланганлиги сабабли пудрат ишлари хажми камайди, темир йўллар қуриб битказилганлиги «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЎК га инвестициялар камайганлиги сабали; Андижон ва самарқанд вилоятларида ижтимоий соҳа объектларини қуриш учун тендр савдоларининг тугалланганлиги сабаб бўлди. (6.1 илова).

Аҳоли жон бошига инвестициялар индексини ҳисоблаганда 2005 йилнинг 1 чорагида 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан Бухоро вилоятида (1,144 дан 1,554га), Жиззах (0,410 дан 0,561га), Кашкадарё (1,374 дан 1,667га), Сирдарё (0,511 дан 0,694га), Фарғона (0,275 дан 0,662га) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (2,800 дан 3,086га) индекс кўрсаткичлари ошди; қолган ҳудудларда камайди. 14 та ҳудуднинг 9 тасида инвестициялар бўйича индекс ўртача республика кўрсаткичидан паст бўлди.

Аҳоли жон бошига инвестицияларнинг энг кўпи Тошкент шаҳрида бўлди (58,9 минг сум) (6.2 илова). Чакана савдо айланмаси бўйича 2005 йилнинг 1 чорагида барча ҳудудларда юқори ўсиш суръатларига эришилди айниқса, Навоий (117,8%), Бухоро (114,1%), Хоразм (112,2%), Наманган (110,1%), Сурхондарё (109,8%), Жиззах (109,5%) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (114,9%) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (112,4%).

14 та ҳудуддан 8 тасида чакана савдо айланмаси ўсиш суратлари ўртача республика кўрсаткичидан (108,7%) юқори бўлди. (6.1 илова).

Чакана савдо айланмаси бўйича индекслар 2004 йилнинг 1 чорагига нисбатан кўпгина ҳудудларда камайди. Улар Қорақалпоғистон (0,489 дан 0,513га), Навоий (0,841 дан 0,906га), Сурхондарё (0,711 дан 0,729га), Хоразм (0,606 дан 0,649га) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (2,516 дан 2,831га) кўпайди. 10 та ҳудудда мазкур кўрсаткич бўйича индекслар ўртача республика кўрсаткичидан паст бўлди. Аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси энг юқори бўлган ҳудудларга Тошкент шаҳри (133,7 минг сум), энг паст кўрсаткич 24,5 минг сум Қорақалпоғистон Республикаси бўлди. (6.2 илова).

2005 йилнинг 1 чорагида пуллик хизматлар кўрсатиш бўйича нисбатан юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Энг юқори кўрсаткичлар Хоразм (134,8%), Жиззах (129,1%), Сирдарё (127,1%), Навоий (125,6%), Андижон (123,1%), Бухоро (120,3%) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (129,6%) кузатилди. 14та худуддан 13 тасида мазкур кўрсаткич бўйича ўртача республика кўрсаткичидан юқори натижаларга эришди. Худудларда пуллик хизматлар кўрсатишнинг ортиши аҳолининг тўлов қобилиятининг ортиши, хусусий секторнинг кенгайиши, соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт хизматлари кўрсатишда хусусий сектор улушининг ортиши, ҳудудий мақсадли дастурларнинг самарали амалга оширилганлиги билан асосланади (6.1 илова).


Аҳоли жон бошига пуллик хизматлар кўрсатиш кўпгина худудларда кўпайди. Наманган (0,542 дан 0,540га), Тошкент (0,652 дан 0,638га) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (4,548 дан 4,197га) камайди. 14 та худуддан 12 тасида индекслар ўртача республика кўрсаткичидан паст бўлди. Аҳоли жон бошига пуллик хизматлар кўрсатиш энг кам бўлган худуд Қорақалпоғистон Республикаси (5,3 минг сум), энг юқори Тошкент шаҳри (50,4 минг сум) (6.2 илова).

Таҳлил қилинаётган давр мобайнида ЯХМ бўйича худудлараро табақаланишув қисқарди (2004 йилнинг 1 чорагида 6,4 мартадан 2005 йилнинг 1 чорагида 5,0 мартага), худди шу давр мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 19,7 мартадан 16,6 мартага (Навоий вилоятини ҳисобламаганда, 7,7 мартадан 5,9 мартага), пуллик хизматлар кўрсатиш бўйича 12,0 мартадан 10,1 мартага (Тошкент шаҳрини ҳисобламаганда, 2,5 мартадан 2,4 мартага). Бошқа кўрсаткичлар бўйича худудлараро табақаланишув: ХИТ ишлаб чиқариш бўйича 6,9 мартадан 9,9 мартага, қишлоқ хўжалиги бўйича 5,3 мартадан 6,4 мартага, инвестициялар бўйича 10,2 мартадан 12,3 мартага (Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда, 6,8 дан 2,1 мартага) ва чакана товар айирбашлаш бўйича 5,1дан 5,5 мартагача (6.2 чизма).

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, худудлараро табақаланишувнинг шаклланишига Навоий вилояти (саноат) ва Тошкент шаҳри (бошқа кўрсаткичлар бўйича) катта таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур худудлар ҳисобга олинмаса худудлараро табақаланишув бир қадар қисқаради, бироқ у нисбатан юқори бўлиб қолаверади. (6.2 чизма).

6.2 - чизма. 2004 - 2005 йилларнинг 1 чорақларида худудлар ижтимоий иқтисодий ривожланиши табақалашуви даражасининг ўзгариши динамикаси



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

2005 йилнинг 1 чорагида худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг таҳлили шуни кўрсатдики, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари каби кам ривожланган худудларнинг иқтисодий салоҳияти тобора ортиб бормоқда. ЯХМ, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва пуллик хизматлар кўрсатиш каби асосий кўрсаткичлар бўйича худудлараро дифференциация қисқариб бормоқда. Бироқ, хали хам кучли ва кучсиз худудлар ўртасида тафовут сақланиб қолмоқда. Айниқса, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқариш бўйича. Қашқадарё, Сухондарё, Жиззах вилоятларининг иқтисодий салоҳияти хамон паст даражада ишлатилмоқда.

Худудларда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг аҳамиятли заҳираси бўлиб саноатни қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш, у ерда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, хокимият органларининг моддий-техника ва молиявий базасни мустаҳкамлаш ҳисобланади.

6.1. илова. Худудлар иқтисодий ижтимоий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (ўсиш суръатлари ўтган даврга нисбатан таққослама нархдарда %)

Ялли ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)

Худудларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қорақолпоғистон Р.	89,7	98,3	100,9	110,1	108,7	103,5	103,0
Андижон	102,8	108,9	102,9	102,8	106,2	106,1	111,0
Бухоро	104,2	103,5	102,0	101,4	106,1	100,0	104,5
Жиззах	104,2	106,5	110,0	107,5	107,7	105,1	106,5
Қашқадарё	99,0	105,0	109,4	105,4	105,7	103,2	103,8
Навоий	103,2	101,4	104,7	103,9	107,6	102,5	102,0
Наманган	108,0	104,5	103,2	102,1	107,7	103,2	106,9
Самарқанд	104,6	103,5	107,9	106,9	106,5	104,2	104,1
Сурхондарё	105,5	108,0	103,7	105,3	105,9	103,6	106,7
Сирдарё	102,6	102,9	97,5	102,5	108,4	102,8	104,6
Тошкент	110,9	104,2	103,4	102,5	109,0	104,1	104,5
Фарғона	106,1	99,5	104,8	100,5	104,9	102,1	103,5
Хоразм	94,8	103,0	103,6	103,8	108,2	102,5	104,4
Тошкент ш.	104,5	104,3	101,5	104,4	104,0	105,5	103,0
Ўзбекистон Р.	103,8	104,2	104,0	104,4	107,7	104,8	104,8

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Саноат ишлаб чиқариши

Худудларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қорақолпоғистон Р.	111,2	95,9	94,9	100,3	123,5	117,7	141,3
Андижон	90,0	128,1	105,5	118,6	135,8	126,9	153,5
Бухоро	103,9	107,7	103,3	102,5	109,1	108,4	108,5
Жиззах	122,7	119,9	130,3	114,1	112,8	114,3	120,0
Қашқадарё	101,9	104,4	112,1	114,4	110,0	111,4	103,0
Навоий	102,2	100,6	106,5	99,4	106,0	101,4	100,1
Наманган	126,1	118,2	112,5	113,0	109,4	109,0	112,4
Самарқанд	97,3	105,7	106,7	111,1	113,4	115,0	111,6
Сурхондарё	107,9	104,1	113,1	104,6	109,2	106,4	111,7
Сирдарё	106,7	101,3	122,4	100,1	107,2	103,2	111,4
Тошкент	108,8	109,1	108,3	102,6	109,6	107,2	107,8
Фарғона	108,5	101,4	108,7	102,4	104,3	103,6	106,3
Хоразм	103,5	100,3	103,9	98,9	102,9	100,1	118,5
Тошкент ш.	113,2	110,5	111,7	112,5	104,8	115,2	111,4
Ўзбекистон Р.	105,9	107,6	108,3	106,2	109,4	108,8	108,3

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Ҳалқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш

Худудларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қорақолпоғистон Р.	105,9	113,5	104,3	104,7	110,3	119,0	117,1
Андижон	92,6	123,7	97,8	120,3	145,3	133,3	180,3
Бухоро	105,9	107,4	103,3	106,0	107,8	107,8	104,7
Жиззах	123,6	119,3	159,3	129,0	115,2	113,0	120,6
Қашқадарё	113,1	112,7	108,5	108,8	117,1	127,0	107,8
Навоий	115,5	99,98	114,5	105,3	97,3	107,3	98,3
Наманган	124,3	111,8	118,1	114,0	110,4	124,7	112,1
Самарқанд	92,4	102,6	102,5	106,8	109,9	100,3	110,1
Сурхондарё	111,9	100,9	114,8	106,2	115,2	129,5	101,8
Сирдарё	110,1	120,2	103,0	104,2	107,5	108,0	109,9
Тошкент	112,5	114,1	106,6	107,1	111,7	106,6	107,7
Фарғона	111,3	98,1	106,4	101,6	119,2	113,2	115,8
Хоразм	107,8	94,0	95,0	114,5	101,4	96,6	96,5
Тошкент ш.	111,3	101,3	120,2	102,7	103,4	115,7	107,4
Ўзбекистон Р.	106,2	107,6	108,4	108,4	113,4	114,9	116,4

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти

Худудларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қорақолпоғистон Р.	65,6	90,5	101,2	129,8	112,5	109,1	105,8
Андижон	110,2	107,1	102,0	100,2	107,0	106,9	107,7
Бухоро	106,3	102,0	102,6	106,2	110,5	104,5	109,4
Жиззах	100,1	106,9	113,2	112,0	111,2	108,9	106,8
Қашқадарё	89,4	106,9	119,9	106,2	109,0	107,7	109,0
Навоий	105,0	107,2	106,7	109,3	108,6	108,8	109,7
Наманган	111,5	101,4	101,5	102,9	112,7	104,0	104,7
Самарқанд	104,8	103,9	112,4	110,0	108,4	107,6	105,2
Сурхондарё	106,7	110,5	102,8	106,4	106,7	106,0	108,8
Сирдарё	101,9	105,8	98,8	105,2	111,8	107,1	105,8
Тошкент	114,9	103,7	102,4	102,7	112,8	106,7	106,7
Фарғона	113,5	100,4	105,2	100,6	110,0	106,4	104,6
Хоразм	82,8	103,6	106,4	110,5	114,1	106,3	104,2
Тошкент ш.					-		-
Ўзбекистон Р.	103,1	104,2	106,0	105,9	110,1	106,7	106,6

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Инвестициялар

Худудларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қорақолпоғистон Р.	83,0	105,8	113,9	118,0	98,3	в 2,3 р.	45,6
Андижон	101,0	118,4	105,1	107,0	62,5	100,1	74,3
Бухоро	108,0	119,2	103,2	100,6	168,2	в 2,1 р.	135,1
Жиззах	111,0	77,5	112,3	84,0	111,0	92,6	125,0
Қашқадарё	93,0	130,2	93,4	112,0	81,4	56,5	125,8
Навоий	116,0	107,4	97,9	110,0	87,8	66,1	102,3
Наманган	103,0	96,0	100,1	102,0	95,5	107,2	102,8
Самарқанд	104,0	107,1	99,8	108,0	109,6	104,8	81,6
Сурхондарё	102,0	115,7	101,1	104,0	102,0	в 2,3 р.	105,7
Сирдарё	100,2	101,3	84,4	106,0	150,9	45,5	166,1
Тошкент	106,0	112,1	102,0	108,0	122,0	147,2	96,6
Фарғона	107,0	108,7	107,4	96,0	90,4	31,2	2,4 р.
Хоразм	102,0	95,5	103,3	92,0	2,2 р	97,4	94,0
Тошкент ш.	92,0	106,3	80,9	107,0	121,6	130,3	126,1
Ўзбекистон Р.	101,0	104,0	103,6	104,5	105,2	99,6	104,2

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Чакана товар айирбошлаш

Худудларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қорақолпоғистон Р.	103,6	117,9	101,2	107,9	100,9	103,5	112,4
Андижон	106,4	109,3	107,3	100,0	89,2	102,0	100,1
Бухоро	110,3	114,7	107,0	101,1	102,9	100,2	114,1
Жиззах	111,0	125,8	116,1	101,8	103,1	103,3	109,5
Қашқадарё	109,9	116,5	106,7	108,3	100,8	100,1	107,7
Навоий	105,4	113,3	103,8	104,3	123,5	109,1	117,8
Наманган	110,8	118,8	113,5	100,9	100,0	105,6	110,1
Самарқанд	113,6	106,6	103,7	108,8	101,1	104,8	107,5
Сурхондарё	121,4	113,7	112,6	109,5	107,3	105,1	109,8
Сирдарё	105,8	102,1	91,1	100,3	103,6	101,1	105,4
Тошкент	123,3	115,9	101,2	108,6	111,5	110,9	106,3
Фарғона	103,2	103,5	106,2	100,0	100,0	100,8	102,5
Хоразм	111,8	107,9	101,4	96,0	103,4	104,5	112,2
Тошкент ш.	100,2	104,7	89,9	110,2	114,2	109,2	114,9
Ўзбекистон Р.	107,6	109,6	102,1	105,1	104,7	105,1	108,7

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Пуллик хизматлар

Худудларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қорақолпоғистон Р.	114,2	105,1	112,4	111,3	109,2	120,4	129,6
Андижон	138,9	113,3	109,3	120,1	132,7	113,2	123,1
Бухоро	112,6	108,4	117,0	109,3	117,3	120,3	120,3
Жиззах	110,4	116,2	114,2	114,1	118,5	116,1	129,1
Қашқадарё	137,2	114,6	121,9	108,2	102,6	104,7	117,1
Навоий	116,8	118,7	108,9	118,8	121,8	122,8	125,6
Наманган	137,0	115,5	110,8	122,6	117,4	111,8	116,6
Самарқанд	118,1	121,8	104,0	124,5	113,9	118,9	119,0
Сурхондарё	109,6	114,2	114,3	112,6	111,7	113,7	118,2
Сирдарё	104,8	125,8	109,6	103,1	112,5	116,5	127,1
Тошкент	111,5	100,2	109,2	105,5	113,2	108,1	114,3
Фарғона	115,5	113,5	110,5	112,4	119,6	119,1	118,9
Хоразм	107,9	106,4	102,0	107,0	119,2	123,9	134,8
Тошкент ш.	113,5	117,4	112,8	105,3	105,7	104,6	103,5
Ўзбекистон Р.	115,7	114,7	108,6	107,9	113,8	111,8	114,2

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси

6.2. илова. Худудларнинг иқтисодий ижтимоий ривожланиши ўртасидаги табақалашув даражаси (аҳолии жон бошига индекс кўрсаткичи)

Ялпи ҳудудий маҳсулот

Худудларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қорақолпоғистон Р.	0,456	0,413	0,392	0,400	0,423	0,352	0,412
Андижон	0,911	0,935	0,834	0,764	0,744	0,585	0,685
Бухоро	1,109	1,155	1,101	1,053	1,085	0,974	1,041
Жиззах	0,742	0,669	0,666	0,702	0,768	0,563	0,558
Қашқадарё	0,722	0,724	0,780	0,782	0,747	0,666	0,820
Навоий	1,039	1,267	1,490	1,685	1,705	1,753	2,060
Наманган	0,667	0,637	0,599	0,543	0,572	0,434	0,441
Самарқанд	0,709	0,679	0,693	0,669	0,601	0,457	0,472
Сурхондарё	0,716	0,727	0,760	0,734	0,657	0,473	0,528
Сирдарё	0,807	0,822	0,776	0,754	0,768	0,525	0,555
Тошкент	1,040	1,017	1,032	1,041	1,032	1,012	1,075
Фарғона	0,941	0,866	0,843	0,785	0,759	0,738	0,725
Хоразм	0,832	0,717	0,720	0,681	0,669	0,595	0,593
Тошкент ш.	1,563	1,665	1,671	1,682	1,678	2,257	2,113
Ўзбекистон Р.	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Фарқ даражаси (марта)	3,4	4,1	4,3	4,2	4,0	6,4	5,1
Тошкент ш. ҳисобга олмаганда	2,4	3,1	3,8	4,2	4,0	5,0	5,0

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Саноат ишлаб чиқариши

Худудларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қорақолпоғистон Р.	0,279	0,247	0,201	0,193	0,207	0,207	0,255
Андижон	0,909	1,071	0,979	0,960	1,028	0,939	1,161
Бухоро	1,100	1,096	1,133	0,996	0,952	1,083	0,955
Жиззах	0,278	0,360	0,380	0,418	0,381	0,440	0,439
Қашқадарё	0,931	0,953	0,917	0,967	1,050	1,055	1,398
Навоий	3,144	3,318	4,046	4,490	4,431	4,086	4,251
Наманган	0,466	0,450	0,396	0,377	0,343	0,375	0,311
Самарқанд	0,515	0,459	0,398	0,351	0,330	0,315	0,298
Сурхондарё	0,323	0,302	0,283	0,286	0,295	0,294	0,303
Сирдарё	0,460	0,541	0,427	0,429	0,402	0,533	0,474
Тошкент	1,368	1,487	1,569	1,537	1,650	1,604	1,514
Фарғона	1,169	1,024	1,072	0,944	0,911	0,928	0,838
Хоразм	0,507	0,467	0,414	0,363	0,319	0,369	0,360
Тошкент ш.	1,700	1,744	1,729	1,823	1,468	1,568	1,162
Ўзбекистон Р.	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Фарқ даражаси (марта)	11,3	13,4	20,1	23,3	21,4	19,7	16,7
Навоий вилоятини ҳисобга олмаганда	6,1	7,1	8,6	9,4	8,0	7,7	5,9

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Ҳалқ истемоли товралари ишлаб чиқариш (ҲИТ)

Худудларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қорақолпоғистон Р.	0,425	0,400	0,341	0,332	0,307	0,344	0,328
Андижон	1,354	1,616	1,677	1,847	2,259	1,998	3,147
Бухоро	1,501	1,589	1,550	1,458	1,477	1,639	1,380
Жиззах	0,266	0,385	0,573	0,655	0,723	0,618	0,704
Қашқадарё	0,616	0,656	0,560	0,615	0,470	0,507	0,447
Навий	0,616	0,619	0,640	0,712	0,707	0,721	0,612
Наманган	0,665	0,579	0,571	0,561	0,573	0,609	0,546
Самарқанд	1,226	1,072	1,016	0,884	0,836	0,789	0,799
Сурхондарё	0,433	0,377	0,364	0,356	0,403	0,365	0,317
Сирдарё	0,700	0,700	0,659	0,669	0,677	0,723	0,597
Тошкент	1,071	1,164	1,184	1,252	1,206	1,206	1,007
Фарғона	1,076	1,009	0,934	0,844	0,903	0,824	0,830
Хоразм	0,787	0,543	0,551	0,544	0,501	0,568	0,469
Тошкент ш.	2,093	2,004	2,360	2,396	2,124	2,367	1,797
Ўзбекистон Р.	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Фарқ даражаси (марта)	8,2	5,3	6,9	7,2	7,4	6,9	9,9
Тошкент ш. ҳисобга олмаганда	5,6	4,3	4,9	5,6	7,4	5,8	9,9

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари

Худудларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қорақолпоғистон Р.	0,425	0,354	0,360	0,435	0,480	0,361	0,311
Андижон	1,170	1,119	1,150	1,051	1,042	0,845	0,797
Бухоро	1,340	1,375	1,321	1,376	1,418	1,242	1,245
Жиззах	1,331	1,211	1,329	1,425	1,497	1,504	1,246
Қашқадарё	0,831	0,851	0,980	1,006	1,003	0,560	0,671
Навий	1,238	1,144	1,149	1,218	1,218	1,222	1,231
Наманган	1,019	0,996	1,042	0,970	0,968	0,565	0,639
Самарқанд	1,037	1,081	1,110	1,154	1,084	1,225	1,283
Сурхондарё	1,187	1,353	1,311	1,279	1,222	1,204	1,222
Сирдарё	1,397	1,501	1,373	1,393	1,636	1,286	1,346
Тошкент	1,511	1,539	1,268	1,255	1,242	1,916	1,996
Фарғона	0,977	1,024	0,995	0,931	0,883	1,058	0,984
Хоразм	1,144	1,025	1,072	1,098	1,173	1,529	1,350
Тошкент ш.							
Ўзбекистон Р.	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Фарқ даражаси (марта)	3,6	4,2	3,8	3,3	3,4	5,3	6,4

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Инвестициялар

Худудларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қорақолпоғистон Р.	0,819	0,648	0,832	1,119	1,111	1,878	0,759
Андижон	0,552	0,505	0,439	0,641	0,377	0,382	0,250
Бухоро	0,705	0,627	1,063	0,701	1,174	1,144	1,554
Жиззах	0,577	1,112	1,155	0,583	0,611	0,410	0,561
Қашқадарё	1,897	1,931	1,608	1,760	1,507	1,374	1,667
Навий	2,014	2,535	2,125	2,213	1,835	1,707	1,548
Наманган	0,701	0,501	0,476	0,471	0,449	0,457	0,467
Самарқанд	0,523	0,453	0,404	0,531	0,505	0,537	0,367
Сурхондарё	0,470	0,509	0,451	0,600	0,641	0,854	0,902
Сирдарё	0,772	0,754	0,713	0,592	0,819	0,511	0,694
Тошкент	0,747	0,762	0,899	0,872	1,085	1,235	1,040
Фарғона	0,587	0,796	0,931	0,480	0,396	0,275	0,662
Хоразм	0,630	0,695	0,855	0,437	0,874	0,525	0,405
Тошкент ш.	2,730	2,272	2,131	2,864	3,088	2,800	3,086
Ўзбекистон Р.	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Фарқ даражаси (марта)	5,8	5,6	5,3	6,5	8,2	10,2	12,3
Тошкент ш. ҳисобга олмаганда	4,3	5,6	5,3	5,1	4,9	6,8	2,1

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Чакана товар айирбошлаш

Худудларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қорақолпоғистон Р.	0,470	0,485	0,491	0,505	0,503	0,489	0,513
Андижон	1,272	1,314	1,356	1,284	1,077	1,349	1,204
Бухоро	0,756	0,841	0,902	0,855	0,873	0,886	0,922
Жиззах	0,420	0,530	0,630	0,602	0,617	0,623	0,612
Қашқадарё	0,662	0,697	0,715	0,755	0,768	0,735	0,708
Навий	0,728	0,770	0,808	0,800	0,965	0,841	0,906
Наманган	0,691	0,747	0,805	0,773	0,720	0,801	0,795
Самарқанд	0,791	0,709	0,707	0,744	0,711	0,717	0,706
Сурхондарё	0,588	0,594	0,665	0,700	0,716	0,711	0,729
Сирдарё	0,691	0,665	0,639	0,609	0,595	0,576	0,558
Тошкент	1,033	1,041	1,038	1,112	1,179	1,107	1,091
Фарғона	1,219	1,145	1,232	1,153	1,076	1,141	1,011
Хоразм	0,662	0,685	0,668	0,610	0,605	0,606	0,649
Тошкент ш.	2,854	2,789	2,452	2,550	2,816	2,516	2,831
Ўзбекистон Р.	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Фарқ даражаси (марта)	6,8	5,7	5,0	5,0	5,6	5,1	5,5
Тошкент ш. ҳисобга олмаганда	3,0	2,7	2,8	2,5	2,3	2,8	2,4

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Пуллик хизматлар

Худудларнинг номи	2000	2001	2002	2003	2004	04/1	05/1
Қорақолпоғистон Р.	0,410	0,340	0,358	0,380	0,393	0,379	0,440
Андижон	0,870	0,856	0,771	0,813	0,999	0,590	0,615
Бухоро	0,927	0,856	0,878	0,883	0,894	0,928	0,983
Жиззах	0,455	0,441	0,448	0,481	0,488	0,502	0,560
Қашқадарё	0,463	0,420	0,423	0,462	0,420	0,410	0,415
Навий	0,707	0,718	0,663	0,755	0,844	0,933	1,027
Наманган	0,500	0,479	0,448	0,506	0,504	0,542	0,540
Самарқанд	0,626	0,612	0,606	0,687	0,666	0,620	0,632
Сурхондарё	0,480	0,441	0,444	0,457	0,469	0,475	0,491
Сирдарё	0,366	0,361	0,366	0,382	0,395	0,459	0,502
Тошкент	0,732	0,670	0,616	0,631	0,653	0,652	0,638
Фарғона	0,610	0,553	0,556	0,586	0,631	0,600	0,655
Хоразм	0,707	0,596	0,581	0,602	0,659	0,696	0,833
Тошкент ш.	3,455	3,761	4,090	4,201	4,156	4,548	4,197
Ўзбекистон Р.	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Фарқ даражаси (марта)	8,4	11,1	11,4	11,1	10,6	12,0	10,1
Тошкент ш. ҳисобга олмаганда	2,5	2,5	2,5	2,3	2,5	2,5	2,4

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛАЛАР ҚИСМИ


1. Бюджет соҳасини тартибга солишнинг макроиқтисодий тенденциялари ва иқтисодиёт учун унинг оқибатлари: эконометрик ёндашув

С.Чепель
СИСМ

Бюджет – солиқни тартибга солиш давлат институтларини самарали фаолият юритишлари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилинмаган қатламини қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишдан бошлаб, маҳсулотни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятга тўғридан-тўғри таъсир ўтказиш орқали иқтисодиётга тўлиқ таъсир ўтказишга катта имкониятлар яратиб беради. Шу билан бирга, ортиқча солиқ юкининг иқтисодиётнинг тармоқлари ва секторлари бўйича нотекс тақсимланиши иқтисодий тараққиётнинг ўсиш суръатларини сезиларли пасайишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда бюджетнинг даромадлари ва харажатлари қисми динамикаси тенденцияси, шунингдек уларнинг барқарорлик даражаси индикаторлари, иқтисодий ўсиш фаоллиги ва ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичлари билан ўзаро алоқаларини таҳлил қилиш вазифаси долзарб ҳисобланади.

Бюджет даромадлари ва харажатлари қисми динамикасининг асосий хусусияти – ҳисоблаш учун бошланғич маълумотлар сифатида номинал кўринишда қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилган ҳолда, уларнинг ўсиш суръатларининг қисқариши тенденциясидир. Агар таҳлил қилинаётган ҳисобот даври бошида улар 50-55%ни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб тахминан 20 %гача пасайган (1 расмга қаранг). Солиқ ставкаларининг пасайиши, давлат харажатларини алоҳида турларини жисмоний қисқариши билан бир қаторда, бу ерда бюджет параметрлари ўсиш суръатларини пасайишини тахминан инфляция даражаси пасайиши суръатларига мос келиши (ЯИМ дефлятори) натижасида баҳо омили муҳим роль ўйнади. ЯИМ дефлятори билан корреляция даражаси бюджетнинг даромад қисми учун 0,89 ва харажат қисми учун 0,86ни ташкил этди.

1 - чизма. Жами даромадлар ва харажатларни ЯИМ дефлятори билан таққослаш динамикаси (йилнинг йилга нисбатан %да)



манба – Ўзбекистон иқтисодиёти чораклик наشري маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

бюджетига нисбатан (ЯИМга нисбатан фоизда) қисқаришида яъни 1988 йилда 35%дан 2003-2004 йилларда 25%гача камайган барқарор тенденция шаклланди (2 расмга қаранг). Солиқ юкини қисқариши, шунингдек, иқтисодиётни эркинлаштириш нуқтаи назаридан бундай тенденцияни ижобий деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ, барча солиқларни, бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ва келиб тушмаган тушумлар суммасини қўшиб ҳисоблаганда (ҳисобланган бироқ тўланмаган солиқлар) умумийлаштирилган бюджет миқдори кейинги йилларда юқори даражада сақланган ва бизнинг баҳомизга кўра ЯИМни 42-47% даражасида ўзгартириб турган. Бу эса, иқтисодиётга¹ солиқ юки даражасининг юқори бўлишидан далолат беради ва корхоналарни молиявий нобарқарорлиги нотўловлар хатарини оширади.

Бюджетнинг даромадлари таркиби динамикаси хусусиятида, аввал бўлганидек, тўғри солиқлар улушининг пасайиши ва эгри солиқлар улушини ўсиши тенденцияси сақланиб қолди. Ушбу хулоса 2 – расм таҳлилидан келиб чиқади. Агар эгри солиқлар улуши ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида 2001 йилдан бошлаб асосан ўзгармаган бўлса, тўғри солиқлар улуши сезиларли пасайган. Даромадлар

ЯИМ дефлятори ва бюджетнинг даромад ва харажат қисми ўсишини номинал суръатларини таққослаш (3 расмга қаранг), шунингдек, кейинги саккиз йилда даромадлар ва харажатларни реал ҳисоблаганда ўзгармаганлигини (ёки кичик қисқариши) ҳақида хулоса чиқаришга имконият беради.


Ҳудди шундай тенденция кичик даражада бўлсада ЯИМга нисбатан фоизларда акс этган бюджет индикаторлари динамикаси учун ҳам хосдир. Бюджет даромадлари бўйича кейинги 5-6 йилда ҳукумат

1 Иқтисодиётга солиқ юки оптимал даражаси муаммоларини асослаш С.Чепелнинг “Ўзбекистон иқтисодиёти» чораклар бўйича аналитик таҳлил нашрининг 2004 йил 7 сонидаги “Иқтисодий ўсиш: бюджет-солиқ сиёсати ва миқдорий таҳлил натижалари» мақоласида чуқур ва атрофлича муҳокама қилинган.

таркибида қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ва бошқа эгри солиқлар улушини ошганлигини билдиради. Бу эса ўз навбатида ҳар бир технологик босқичда маҳсулот таннархи ва баҳосини ошириб, унинг сезиларли даражада қимматлашуви, рақобатбардошлигини пасайиши ва бошқа салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари бундай тенденция тўғри ва солиқларнинг асосини фойдадан солиқ ва даромад солиғи ташкил этганлиги тармоқлар реал секторини молиявий ҳолатини ёмонлашувига таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай тенденция ЯИМ ўсиш суръатлари юқори бўлган мамлактларга нисбатан анча фарқ қилади (Малайзия, Таиланд, Жанубий Корея). Уларда бюджет тушумларининг асосий манбаи тўғри солиқлар ҳисобланади ва бюджет даромадлари миқдори 90 йилларда ЯИМда 15%дан 20% оралиқни ташкил этди.

Давлатни нисбий даромадлари қисқаришига мос равишда бюджет харажатлари ҳам қисқарди. Бу эса бюджет камомadini бир фоиз атрофида бўлишини таъминлади. Камомаднинг паст бўлиши эса инфляция суръатлари пасайишининг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бошқа томондан эса, бюджет харажатларининг нисбатан қисқариши тенденциясига эришишнинг шарти ҳисобланган инсон капиталига таълим даражаси ва меҳнат ресурсларини малакасини ошириш мақсадида маблағлар жалб қилиш миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш вазифасини ҳал қилишни қийинлаштиради.


2 - чизма. 1998 - 2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси бюджетининг даромадлари таркиби



Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти, шунингдек Молия Вазирлиги маълумотлари (www.mf.uz/en/gb/st/c?n)

Бюджетнинг даромад ва харажат қисмлари чораклар бўйича ўсиш суръатлари динамикаси маълум нобарқарорлик даражаси билан ажралиб туради (3,4 – расмларга қаранг). Масалан, 1997 – 2004 йилларда даромад солиғи ўсиш суръатлари 10%дан 100%га, акцизлар 0%дан 400%гача ўзгариб турди. Тўғри солиқлар динамикаси нобарқарорлиги даражаси (3 расмнинг чап қисми), эгри солиқларга (ўнг қисми) нисбатан юқори бўлиб, хусусан, 1998 йил ўрталаридан янада ортган. Бунда бюджетнинг даромадлари ва харажатлари ўсиш суръатларидаги пасайиш ва ўзгаришлари мавсумий характер касб этмайди, балки иқтисодий турли секторларида молиявий ҳолат ва бюджет-солиқ сиёсатининг қонуний асосларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ.

3 - чизма. 1997- 2004 йилларда бюджетнинг асосий даромадларини реал ўсиш суръатлари. (ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан чоракларда %)




Манба– Ўзбекистон иқтисодиёти чораклик наشري маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Бюджетнинг харажатлар қисми кўрсаткичларида ҳам 1996 – 2004 йилларда (4 – расм) нобарқарор динамика кўзга ташланади. Юқори даражада тафовут давлат бошқаруви ва давлат инвестицияси харажатлари ўсиш суръатларига тааллуқли бўлди.

Бюджетни даромад ва харажатлар қисми параметрлари чораклик динамикасини эконометрик таҳлили² улар ўртасида яқин статистик – аҳамиятли боғланиш мавжудлигини кўрсатди. Бюджет харажатларини асосий моддаларини бюджет умумий даромадлари динамикаси билан боғлиқ бўлган тебраниш улуши давлат инвестицияси харажатлари учун 54%, давлат бошқарув ташкилотлари харажатлари учун 75% оралиқни ташкил этади.

Ўз навбатида ҳисобот даврида бюджет даромадлари динамикаси маълум даражада ЯИМ динамикаси, иш ҳақи даражаси, экспорт ва иқтисодий фаолликнинг бошқа индикаторлари таъсири остида шаклланди. Жумладан, ҳисобот даврида эгри солиқлар динамикасини 63% тебраниши ЯИМ динамикаси ва ҚҚС ставкасини ўзгаришларига тўғри келди. Пировардида ижтимоий эҳтиёжларга ва давлат институтларини мустаҳкамлашга сарф қилинган харажатлар ўсишининг асосий шарти иқтисодий ўсишни барқарорлигини таъминлаш ва унинг сифатини ошириш ҳисобланади.

4 - чизма. Харажатлар қисмининг ўсиш суръатлари (ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан чоракларда %)



Манба– Ўзбекистон иқтисодиёти чораклик наشري маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Жаҳон тажрибасидан маълумки, иқтисодий ўсишни жадаллаштиришнинг асосий жиҳатларидан бири ўз бизнесини ривожлантиришга инвестиция жалб қилувчи асосий товар ишлаб чиқарувчиларга янги иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва инновацияни амалга оширишга тўсқинлик қилмайдиган солиқлар юкининг пастлиги ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек, кейинги йилларда шаклланган солиқлар юкки даражаси ушбу талабларга жавоб бермайди, шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати уни пасайтириш вазифасини қўймоқда.

Бироқ бу ерда биринчи навбатда қайси солиқ ставкаларини кўриб чиқиш ва ушбу ўзгаришлар макроиқтисодий ҳолатда қандай намоён бўлиши каби мураккаб муаммолар вужудга келади. Ҳақиқатан ҳам, турли солиқ турлари бўйича солиқ юкини бир хилда камайтирилганида бир-биридан тубдан фарқ қиладиган макроиқтисодий оқибатларга олиб келади. Пировардида янги солиқ тизмини вариантларини ишлаб чиқиш жараёнида ЯИМ динамикаси ва бошқа ўсиш индикаторлари ва солиқ юки параметрлари ўзгаришига иқтисодий фаолликни таъсирини баҳолаш солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Қуйида ушбу муаммонинг эконометрик ёндашув асосида олинган таҳлиллар натижаси кўриб чиқилган (1 жадвалга қаранг).

Бир – икки омилли регрессион тенгламалар асосида олинган эластиклик коэффициентини шаклланиши жиҳатлари бўйича баҳолашга тегинмаган ҳолда, фақат уларнинг хусусиятларини таъкидлаймиз. Бу, авваломбор, таҳлил қилинаётган 16 та ўсиш ва ташқи иқтисодий фаолият индикаторлари орасида (ЯИМ, саноат, қишлоқ хўжалиги, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ҳоказоаларнинг ўсиш суръатлари) фойда солиғи бўйича солиқ юки кўрсаткичи ўзгаришига таъсирчанлигини 6 индикатор намоён қилди. Ушбу солиқ ундириш турларини баҳолаш натижалари шундан далолат берадики, тенг шароитларда фойда солиғидан солиқ тушумлари улушини бир фоизга пасайиши (ЯИМга нисбатан %да), саноат маҳсулотлари ўсиш суратларини 2,4 фоиз даражага

² Саттистик мезон талаблари ва мантиқий талабларига жавоб берувчи стационарликда дастлабки даврий қаторлар таҳлили, регрессив тенгламаларни излаш ва эластиклик коэффициентини ҳисоб-китоблари ЎзР., Иқт. Ваз., СИСМ илмий ходими Кузнецова Т. томонидан амалга оширилган.

ошириши мумкин. Шунингдек, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари 1,9 фоиз даражага ортади. Сезиларли қўшимча ўсишни тайёр маҳсулотни экспортдан кутиш мумкин (16,1 фоиз даража), пудрат ишлари ҳажми ва кичик ва хусусий бизнес миқёслари сезиларли ўсади.

ҚҚС бўйича солиқ юкини ва солиқ тўловларининг бошқа турлари бўйича пасайтириш иқтисодиётга худди шундай рағбатлантирувчи таъсирини кўрсатади. Шу билан бирга шуни назарда тутмоқ керакки, 1 жадвалда келтирилган баҳолар бир мунча тор кўринишда бўлади, чунки, солиқ юки параметрлари ўзгаришида вжудга келувчи жавобга нисбатан имкониятли тўғри самарани намоён қилади. Тўлиқ самара юқорида баён этилган натижалардан фарқ қилиши мумкин, чунки, иқтисодиётда ўсиш ва барқарорлик индикаторларига таъсир этувчи кўп сонли эгри ўзаро алоқалар ва бошқа омиллар (масалан инвестициялар) мавжуд. Масалан, саноатнинг ҚҚС бўйича ставкасини пасайиши оқибатида қўшимча ўсишини ошиши мумкин. Ушбу икки омил биргаликда банд бўлганларнинг даромади ўсишини рағбатлантиради, бу эса истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва талабни оширади.

1 - жадвал. Эластиклик коэффицентлари индикаторларининг солиқ юки кўрсаткичлари бўйича иқтисодий фаоллиги

Солиқ юкининг кўрсаткичлари	Иқтисодий фаоллик индикаторлари	Эластиклик коэффицентларининг кўрсаткичлари
1. ЯИМда ҚҚСнинг улуши	саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши экспортнинг ўсиши (пахтадан ташқари)	-2.5 -6.4
2. ЯИМда акцизларнинг улуши	жами экспортнинг ўсиши йўловчи ташишнинг ўсиши юк ташишнинг ўсиши	-3.2 -1.8 -2.5
3. ЯИМда фойда солигининг улуши	саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши	-2.4
	ЯИМда кичик тадбиркорликнинг улуши	-12.2
	истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши	-1.9
	пудрат ишларининг ўсиши	-1.6
4. Ўртача иш ҳақида даромад солигининг улуши	чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши	-2.4
	тайёр маҳсулот экспортининг ўсиши.	-16.1
	қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши	-0.7
	пудрат ишларининг ўсиши	-0.3
	жами экспортнинг ўсиши	-4.7

Манба: 1997-2004 йиллардаги мос индикаторларнинг чораклик динамикасини эконометрик таҳлиллари (ўсиш суръатлари реал кўринишда, утган йилнинг мос чорагига нисбатан чоракларда).

Изоҳ: эластиклик коэффиценти солиқ юкининг 1 фоиз даражага ўзгаргандаги ўсиш индикаторларининг ўсаришини кўрсатади (фоиз даражада) (мисол – саноат бўйича 2,5 кўрсаткичи, ЯИМда ҚҚС улушининг 1 фоиз даражага пасайиши натижасида саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари 2,5 фоиз даражага ўсиши мумкин).

Бирок, ушбу ва бошқа эгри ўзаро алоқаларни атрофлича ҳисобга олиш махсус иқтисодий моделлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса ушбу мақола предмети доирасидан ташқаридадир. Бундан ташқари, шундай ҳолатни эътиборга олиш керакки, яъни, иқтисодий фаолликни рағбатлантирувчи омил сифатида солиқ юкини пасайтириш ўзининг чегарасига эга. Шакланган бюджет харажатлари даражасини сақлаш зарурияти шароитида, солиқ юкини пасайиши бюджет камомади ўсишини билдиради. Бунинг натижаси бўлиб, ўз навбатида баҳоларнинг қўшимча ўсиши (инфляция) ва инфляцияни ҳисобламаганда реал суръатларда ўлчанадиган индикаторлар ўсишини мос равишда пасайиши содир бўлади. Бюджет камомади ва инфляцияни ўзаро боғлиқлигини эконометрик таҳлили шундан далалот берадики, эластикликни мос коэффиценти 0,65ни ташкил этди, яъни, бюджет камомадини бир даражада ўсиши ҳисобот даврида улгуржи баҳоларни чораклар бўйича ўсиши суръатлари индекси ўртача 0,65 даража қўшимча ошишига олиб келди. Бунда олинган тенглама куйидаги кўринишга эга бўлди:

Топилган тенглама параметрларини $УБИ = 141.2 - 1.08 * КАМОМАД(-1); AR(1); AR(3); MA(2)$
 кўрсатишича, бюджет камомади ҳисобот (0.49)
 даврида инфляция даражаси тебраниши $R^2=0.66; DW=1.8; F=9.1$
 жамининг учдан икки қисмини омили
 ҳисобланади. Колган учдан бир қисми эса харажатлар ўсиши ва инфляцияни кутиш омилларига тўғри келган.

Иқтисодиётни инфляция омили билан ҳисобланганда солиқ юкини пасайишига тўғридан – тўғри боғлиқлиги 2 – жадвалда келтирилган. Олинган натижаларнинг кўрсатишича турли кўринишдаги солиқ тўловлари учун солиқ юкини бир хил миқдорда пасайиши (ЯИМга нисбатан 1% даражада) иқтисодиётга турли тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. ЯИМ реал ўсиш суръатлари 0,4 даражадан (ҚҚС учун) 1,1 даражагача (юридик шахслар даромадларидан солиқ) ортаяпти. Мос равишда ўсиш ва экспортнинг бошқа индикаторлари ҳам ўзгарган. Булардан ўз навбатида солиқ тизимини ислоҳ

қилишга турли муқобил ёндашувларни асослаш учун фойдаланиш мумкин. Агар солиқ тизимини ўсишни рағбатлантиришга таъсирини ошириш талаб этилса асосий урғу юридик шахслар даромадларидан олинадиган солиқ юқини пасайтиришга берилмоғи керак, чунки улар ЯИМ қисқа даврдаги динамикасига кўпроқ таъсир кўрсатади. Асосий вазифа экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, четдан олиб келинаётган товарларга солиқ юқини пасайтиришга қаратилмоғи лозим.

Солиқ тизимини барча вариантларида солиқ юқини тенглаштириш, солиқ маъмуриятини такомиллаштириш ва солиқлар йиғими даражасини ошириш бўйича чораларга бир вақтда устиворлик берилмоғи лозим. Шундай ҳолатда иккита вазифани бир вақтда ечиш мумкин, яъни, уларнинг бири иқтисодий барқарор ўсишнинг зарурий шarti ҳисобланган солиқ юқини пасайтириш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси эса, кейинги йилларда эришилган макроиқтисодий барқарорликка путур етказмайдиган бюджетни реал харажатлари ўсиши билан боғлиқдир.

Хулосада самарали макроиқтисодий тартибга солиш стратегиясини ишлаб чиқишда эконометрик ёндашувлардан фойдаланишнинг имкониятлари кенглигини таъкидлаш жоиз. Бироқ услубий ва маълумотлар характерида сезиларли чегараланиш мавжуд. Фақат миллий статистикани бюджет – солиқ кўрсаткичларини қўшганда ҳам макроиқтисодий динамикани йилликдан чоракликка ўтиш орқали ривожлантириш, чегараланишларни бартараф этади, тўғридан – тўғри ва эгри ўзаро алоқаларни тўлиқ ҳисоблаш имконини беради ва миллий иқтисодиётда содир бўлаётган реал ўзгаришларни тўлиқ акс эттирувчи янги индикаторлар тузишга шароит яратади.

2 – жадвал. Солиқ юқини солиқ ундирмаларининг асосий турлари бўйича бир даражага пасайишини оқибатлари ва уларнинг ўсиш ва экспорт индикаторларига тўғридан – тўғри таъсири (индикаторларнинг ўзгариши фоиз даражаларда)

Чиқиш индикаторлари	ҚҚС		Акцизлар		Юридик шахслар даромадидан солиқ	
	инфляцияни ҳисобга олмаганда	инфляцияни ҳисобга олганда	инфляцияни ҳисобга олмаганда	инфляцияни ҳисобга олганда	инфляцияни ҳисобга олмаганда	инфляцияни ҳисобга олганда
1. Бюджет дефицити (минус бюджет дефицитини билдиради).	-1,0		-1,0		-1,0	
2. Инфляциянинг ўзгариши (УНИни ўсиши)	0,0	0,7	0,0	0,7	0,0	0,7
2. Ўсиш индикаторлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
1. ЯИМ	1,1	0,4	1,7	1,0	1,8	1,1
2. Саноат ялли маҳсулоти (ҚҚС бўйича)	2,5	1,7	0,0	-0,7	0,0	-0,7
3. Қишлоқ хўжалиги ялли маҳсулоти	0,0	-0,7	4,4	3,7	1,1	0,4
4. Юк айланиши	0,0	-0,7	2,5	1,9	0,0	-0,7
5. Йўловчи айланиши	0,0	-0,7	1,8	1,1	0,0	-0,7
6. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	0,0	-0,7	0,0	-0,7	2,2	1,5
7. Чорвачилик	0,0	-0,7	0,0	-0,7	2,4	1,7
8. КТ тармоғи ялли маҳсулоти (кичик корхона) – ЯИМдаги улуши	0,0	-0,9	0,0	-0,9	12,2	11,3
9. Пудрат ишлари	0,0	-0,7	0,0	-0,7	0,0	-0,7
3. Индикаторлар ва экспорт салоҳияти	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Экспорт, жами (акцизлар бўйича)	4,8	4,0	3,5	2,6	2,4	1,6
2. Экспорт (пахтадан ташқари)	6,9	6,0	0,0	-0,9	2,3	1,4
3. Тайёр маҳсулот экспорти	0,0	-1,0	0,0	-1,0	4,1	3,0

изоҳ: ушбу кўрсаткичлар эконометрик моделлар ёрдамида олинган.

2. Ўзбекистонни ЖСТига кириши: миллий тармоқларни давлат томонидан тартибга солиш ва ҳимоя қилиш

В.В.Батурина
СИСМ

Мақолада ЖСТига кирган мамлакатларнинг ички ишлаб чиқаришни ҳимоя қилишга оид муносабатлари тажрибаси; Ўзбекистонни ЖСТига киришига қадар энг асосий тармоқларидан ҳисобланган автомобилсозлик учун иқтисодий оқибатлар муаммоларини ҳал қилиш ва келажақда уни ривожланиш стратегиясига оид чоралар ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилган.

Саноат иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланиб, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қулай таъсир кўрсатади. Самарали ва рақобатбардош индустриал секторни ташкил этиш Ўзбекистонни ўрта ва узоқ даврга мўлжалланган стратегияси ҳисобланади.

Ўзбекистонни ЖСТига кириши саноатда импорт ускуналарини танлаш ва сотиб олиш йўли билан фан – техника тараққиётини жадаллаштириш имкониятини оширади. Бундан ташқари мамлакат экспорт қилувчилари ЖСТига киришда ташқи бозорга чиқишда енгиллик олади ва барча ЖСТ аъзолари билан бўладиган муносабатларда қулай шарт-шароитлар режимига эга бўладилар. Шунингдек, экспорт қилувчилар ўзларининг товарлари учун қўшимча ва қулай ташиш йўлларига эга бўлишади, бу эса мамлакат товар ишлаб чиқарувчиларини ташқи савдони ривожлантиришларида муҳимдир.

Шу билан бир қаторда ички бозор очилгандан кейин ҳозирги даврда қайта ишловчи ишлаб чиқаришнинг юқори рақобатбардошликка эга эмаслиги шароитида, шунингдек, савдо тўсиқларининг пасайиши ва олиб кириладиган маҳсулотнинг арзонлашиши натижасида бошқа мамлакатларнинг компаниялари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга зиён етказган ҳолда Ўзбекистонда ўзларининг мавқеларини мустаҳкамлашга интиладилар. Бунда автомобилсозлик янада таъсирчан бўлади ва кўп зиён кўради. Ваҳоланки, унинг ривожланиши даражаси ҳали рақобат учун етарли эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонни ЖСТига аъзо бўлишида саноат тармоқлари манфаатларини ҳисобга олмаслик ишлаб чиқаришнинг кескин қисқаришига, ишсизликнинг ортиши ва бюджетни даромадлар қисмини камайишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонни ЖСТига аъзо бўлишидан кутилаётган натижаларга эришиш аксарият жиҳатдан унинг ушбу ташкилотга киришидаги шароитлар, даражаси ва қуйидагиларни ҳал қилиш бўйича ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган дастаклар ва чораларга боғлиқ бўлади. Жумладан:

- иқтисодиётни эркинлаштириш ва саноат тармоқларини ривожланишини тартибга солиш;
- баҳони тартибга солиш ва солиқни мақбул тизимини вужудга келтириш;
- алоҳида секторлар ва ишлаб чиқаришда субсидияларни сақлаш;
- хориж сармоялари жозибаторлигини ошириш;
- импорт ва экспорт бож тўловлари тарифини тартибга солиш;
- товарларни стандартлаш ва сертификация қилиш тизимини тартибга солиш ва маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қиладиган бошқа чоралар ишлаб чиқиш кабилар.

Ўзбекистонни ЖСТига кириш шакллари ва суръатлари аксарият жиҳатдан саноат ва унинг алоҳида тармоқларида институционал қайта қуришни амалга оширишни дастаклари ва механизмларидан ва шунингдек, ЖСТ меъёрларига мос янги қонунлар қабул қилинишига боғлиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида таъсирчан ишлаб чиқаришни ҳимоя қилувчи янги чоралардан фойдаланишни тақозо этади. Табиийки, саноатни ислохотлар даражаси турлича бўлган алоҳида корхоналар ёки гуруҳларни қўллаб-қувватлашни назарда тутди. Ваҳоланки, ЖСТ протекционизмни тақиқламайди, балки ривожланган мамлакатлар экспертлари таъкидлашаётганидек ЖСТ қоидаларини такомил эмаслиги давлатларнинг миллий иқтисодий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда протекционистик чораларни аниқ асослашни тақозо этади¹.

Буларнинг барчаси маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ва халқаро савдода қабул қилинган тенг ҳуқуқли шарт-шароитларда қатнашишга асосланган стратегиясини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради.

Бундай стратегияни ишлаб чиқиш биринчи навбатда ЖСТига аъзо мамлакатларнинг саноат тармоқлари ривожланишини тартибга солиш ва ислохотларни амалга оширишнинг давлат сиёсати тажрибасини ўрганиш билан боғлиқ.

ЖСТига кирган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича ички ишлаб чиқаришни ҳимоя қилиш, биринчи навбатда макроиқтисодий, жумладан, валюта сиёсатини ишлаб чиқишни тақозо этади. Турли

1 М. Барбасов. Евроосиё давлатлари ва иқтисодий ҳамжамияти интеграцияси ва ЖСТ. Марказий Осиё ва Кавказ №2, 2001, Sweden

мамлакатларда ЖСТига кириш шартларини ишлаб чиқишда молия, кредит, солиқ ва божхона дастаклари самарадорлигини ошириш бўйича чоралар қабул қилинган ва реал валюта курсини бошқариш танланган тартибга солувчилардан фойдаланишга бўлган эҳтиёжни кескин пасайтирган.

Давлат аниқ тармоқларни қўллаб-қувватлаш қатори, ЖСТига киришга тайёргарлик вақтида давлат тасарруфида бўлган алоҳида давлат корхоналарини қайта тузиш ва саноат корхоналарини хусусийлаштиришда институционал ислохотларни амалга оширди. Бир вақтнинг ўзида саноатнинг энг қоқ тармоқларини ҳимоя қилиш ва мутахассисларни касблари бўйича тайёрлашни ҳисобга олган ҳолда инновациялар ва янги технологияларни ўзлаштиришни уларни импорт қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва хориж инвестицияларини жалб этишни рағбатлантириш, сертификациялаш ва стандартлашни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни самарадорлигини ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда ички бозорни босқичма-босқич очиш масалалари ҳал этилди. Ташкилотга кираётган мамлакатлар жаҳон бозорида рақобатбардош арзон ва сифатли товарлар ишлаб чиқаришни таъминлаш учун ўзларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга интилишни кучайтирдилар. Бунда қонунларни бажарилишини ишончли тизимини яратишга, мутахассисларнинг малакасига ва маъмурий бошқаришнинг самарали тизимига муҳим аҳамият берилди.

Ўзбекистон учун киришга тайёргарлик даврида ишлаб чиқариш ва тармоқлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солишда Хитой тажрибаси амалий аҳамиятга эга. Саноатда амалга оширилган ислохотлар, ички бозорни босқичма-босқич очиш, қоқ тармоқларни ҳимоя қилиш шароитларини ишлаб чиқишни саноат секторида кескин ижобий ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келди. Хитойда ривожланган мамлакатлардан киритилган замонавий технологиялар, материаллар ва бутловчи қисмлардан кенг фойдаланиш жаҳон бозорида тайёр хитой маҳсулотлари экспортини ошириши ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни рақобатбардошлигини таъминлади.

Хитой иқтисодиёти жадал ривожланиб тўғридан-тўғри хориж инвестицияларидан фойдаланиш бўйича етакчи давлатга айланмоқда. ЖСТининг аъзоси сифатида Хитой жаҳон бозорида янада жиддий рақобатчига айланмоқда.

Хитой ЖСТига киришга тайёрланиш жараёнида миллий тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ҳамда маҳаллий ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилувчи ички бозорда импортни кўпайишидан ҳимоя қилишни тартибга солишни асосий чора ва механизмлари қуйидагилардан² иборат³:

Саноатда институционал ва бозор ислохотларини жадаллаштириш, **иқтисодиётни замонавий бошқариш**, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, экспорт ва ривожланган бозорни рағбатлантириш, ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш шароитларини ўзгартириш ва ЖСТ қоидаларига мос миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишни жадал механизмларини амалга оширишга қаратилган иқтисодий сиёсатни ўзгартириш.

Таҳлил қилинаётган ташқи савдо тўсиқларини кескин камайтиришдан ҳимоя қилувчи чоралар ишлаб чиқишга йўналитрилган **тариф сиёсати**. Импорт бож тўловларини пасайтиришнинг максимал чегараларини аниқлашда табақалашган ёндашувдан фойдаланилган. Аксарият жиҳатдан ҳажми юқори бўлмаган олиб келинаётган товарлар гуруҳлари бўйича катта қисқариш кузатилди.

Ташқи ҳимояланмаган товарлар гуруҳлари бўйича импорт бож тўловлари ставкаси максимал юқори даражада сақланиб қолди. Ички бозорда ҳимоя қилишнинг юқори даражада бўлиши Хитой саноатининг кўп тармоқларида жаҳон баҳосидан юқори бўлишни таъминлади. Шунинг учун ҳам кутилган тариф ва нотариф тусиқларнинг кескин пасайиши кучли импорт фалажини келтириб чиқармади.

Хитойда ЖСТига киргунга қадар импорт тарифларини ўртача даражаси 17%ни ташкил қилган бўлса, ЖСТига киргач асосий тармоқларда у 15%гача, шунингдек бошқаларида ундан ҳам пастга камайтирилган. Саноатни янги тармоқларини чегараланган сони учун тариф ҳимояси ни 30% даража миқдорида сақлаш кўзда тутилган.

АҚШ билан икки томонлама келишувга биноан кўпгина тармоқларда тарифларни ўртача даражаси 9,44%гача, энг жозибатор америка компаниялари тармоқларида 7,1%гача пасайтирилиши керак эди. Бунда кўрсатилган тарифларнинг 2/3 қисми 2003 йилгача, қолгани эса 2005 йилгача пасайтирилиши лозим.

Маълумки ГАТТ – 94 да экспорт божларини жорий этишга тўғридан – тўғри чеклаш кўзда тутилмаган, бироқ, ЖСТ аъзоларига амалиётда уларни қўллашдан воз кечишга чақириқлар мавжуд, чунки улар

2 Д.Курбонов. Хитойни ЖСТига Кириши шароитида тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб қилишни истиқболлари. Иқтисодий таҳлилнома № 11, 2001

3 Ш.Сабитов. Хитой иқтисодиёти: кеча ва бугун. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. № 10/11, 2001

мамлакат ва хориж истеъмолчилари учун табақалаштирилган баҳоларни ўрнатишга олиб келади. Ваҳоланки, экспорт божлари даставвал ишлаб чиқариш-техникавий аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар хом-ашё ва материалларига жорий этилади. Бу эса миллий саноат тармоқлари маҳсулотларини истеъмол қилувчиларнинг яширин субсидия қилиниши билан баробар. Алоҳида тармоқлар ёки миллий индустрия гуруҳларини субсидиялашга чек қўйилиши керак.

Хитой мавжуд **экспорт божларини**, лекин зарур бўлганда янгиларини жорий этиш имкониятини ҳам сақлаб қолди.

Баҳо сиёсати маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш-техникавий йўналишига мос равишда баҳоларни назорат қилишни сақлашда акс этади. (Турли нефт маҳсулотлари, ўғитлар ва дон маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, ипак, пахта ва бошқалар). Бу эса саноат мажмуида миллий ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан воситаси ҳисобланади.

Тарифсиз тўсиқларни бартараф этиш ёки пасайтиришга қаратилган сиёсат ўз ичига импортни лицензиялаш, квота ўрнатиш, валюта назорати, техника инспекциялари стандартлари ва импортни муҳим турлари бўйича чеклашларни олиб ташлашни олади. Ички бозорни ҳимоя қилишнинг бундай пасайиши табиий равишда саноат маҳсулотлари импортини кескин ошириш, ички бозорда рақобатни қисқаришига олиб келади ва нафақат маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, балки мамлакатда фаолият юритаётган хориж инвесторларига ҳам таъсир кўрсатади.

Тариф ҳимояси чораларини пасайиши техник тўсиқлар (стандартлаш, сертификатлаш ва бошқалар) бўйича чоралар ишлаб чиқиш орқали тўлдирилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш ва унинг баҳо рақобатбардошлиги бўйича чоралар ишлаб чиқилиб амалга оширилган эди. Хитойда янги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни мўлжаллаган хориж компаниялари кўникиш даври ва бозорларда янги шароитни ўрнатилиши билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни ҳисобга олишлари лозим.

ЖСТига аъзо бўлишда Хитойнинг тажрибаси, хусусан, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожланган бозори, экспортни рағбатлантириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожланишини рағбатлантириш ва замонавий бошқариш усуллари жорий этишда саноатда дастаклар ва механизмларнинг тўлиқ йиғиндисидан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистонни ЖСТига кириши иқтисодий эркинлаштиришни чуқурлаштириш, саноатда ислохотларни жадлаллаштириш, ЖСТ меъёрларига мос маҳаллий, хусусан, саноатни ёки ишлаб чиқариш ва тармоқларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган қонунларни қабул қилишни заруриятини келтириб чиқаради. Республикада ниҳоят даражада кўп таъсирчан тармоқларнинг мавжудлиги сабабли тариф сиёсатида чуқур мушоҳада қилинган шароит зарур. Бундай тармоқларга инвестицион маблағларни жалб этиш ва ўзларининг даромадларини капиталлаштириш учун ўтиш ва кўникиш даври зарур.

Ўзбекистонда ЖСТига киришда таъсирчан тармоқларга тўқимачилик ва тикувчилик саноати, шунингдек, автомобилсозликни киритиш мумкин. Тўқимачилик бўйича бундай тадқиқот амалга оширилганлигини ҳисобга олганда (Ўзбекистон иқтисодийи, №4, 2004), ушбу мақолада маълум маънода техника тараққиёти даражасини белгилайдиган технологик жиҳатдан энг сиғимли тармоқ автомобил қурилиши тармоғи учун оқибатларини баҳолашга ҳаракат қилинган.

Кейинги йилларда тармоқ ташқи бозорда баҳо рақобатбардошлигининг ошаётганлиги билан ажралиб туради. Унинг қиймати 8,0-8,8 минг доллар миқдорини ташкил этади, ваҳоланки, машҳур автогигантлар томонидан ишлаб чиқарилаётган янги ва қулай автомобиллар нархи юқори бўлиб улар фақат юқори даромадга ва имкониятга эга бўлган харидорлар учун қулай. Бироқ, автомобиллар бозорини яқин йилларда Хитойда автомобил қурилиши корхонларини қайта қуришни жадал суръатларда амалга оширилаётганлиги, Россияда автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналарни ўсиши, шунингдек қўшни давлатларда Янги заводларнинг қурилиши эвазига Ўзбекистон автомобилсозлик тармоғи жаҳон бозорига хориж ишлаб чиқарувчиларининг автомобиллар етказиб беришини ўсиши натижасида кескин рақобатга учрайди. Ваҳоланки, ушбу мамлакатлар қиммат ва сифатли автомобилларни ишлаб чиқариш билан бир қаторда, фойдаланишда ишончли ва паст баҳоларда автомобиллар модели ишлаб чиқишни режалаштирмоқда. Бу эса рақобатни вужудга келтириб маҳаллий автомобилсозлик учун мавжуд бозорни йўқотишга олиб келади.

Ўзбекистонни ЖСТига киришига тайёргарлик даврида маҳаллий автомобилсозлик учун хатар ва хавфларни баҳолаш шароитлари ўзгаришини автомобилларни ички бозорда ишлаб чиқариш динамикасига таъсири даражасини таҳлил қилиш ва миллий ишлаб чиқариш учун салбий оқибатларни максимал даражада пасайтиришга қаратилган давлат иқтисодий сиёсати чоралари тизими ишлаб чиқилмоғи лозим.

Ички автомобиллар бозорида «ЎзДЭУавто» АЖ етакчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги вақтда бу ерда 17 корхона фаолият юритмоқда. Саноат маҳсулотини умумий ҳажмида тармоқнинг улуши 5,3%ни ташкил этади. Ишлаётганлар сони 7,5 минг кишидан иборат. Ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва автомобилларнинг турли модификацияларини ўзлаштиришни жадаллаштириш бўйича зарур шароитларнинг таъминланиши республикада бутловчи ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича янги аралаш корхоналарни кенг тармоғини шаклланиши имконият яратди.

Миллий автомобилсозликнинг ривожланиши, биринчи навбатда ички бозорни сиғими билан боғлиқ. Аҳолини энгил автомобиллар билан таъминланганлиги даражаси бўйича Ўзбекистон бошқа мамлакатлардан анча орқада бўлиб, ҳар 1000 аҳолига 0,3 автомобил тўғри келади. Шунингдек, аҳоли томонидан фойдаланилаётган автомобилларни ярмидан ортиғини фойдаланиш муддати 13 йилдан ошган эскирган автоуловлар ташкил қилади. Ички бозорда янги импорт автомобилларини сотиш ҳажми 3-5%дан ошмайди⁴. Шундай қилиб, хусусан янги автомобилларга бўлган истеъмол ишлаб чиқариш ҳажмидан юқори. Кўриниб турибдики автомобилларни ички бозори катта ва агар аҳолини тўлов имконияти ортса уларни сотиш таъминланади.

2001 - 2004 йилларда тармоқда худди шундай тоифага мансуб бўлган автомобиллар билан таққослаганда юқори қийматга эга бўлган автомобилларни ишлаб чиқариш натижасида ички бозорда талабнинг қисқариши билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришни такомиллаштириш амалга оширилди. Ўзаро технологик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ янги технологияларни ишлаб чиқишни ривожланиши автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини босқичма-босқич ошириш имкониятини берди ва натижада ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари динамикаси яхшиланди (1-жадвал). Корхоналарни такомиллаштириш ва таъмирлаш билан энгил автомобиллар ишлаб чиқариш 70,0 минг донагача ошди. Ишлаб чиқаришни умумий ҳажмида янги инновация маҳсулотини улуши 24%га етди.

1 - жадвал. «ЎзДЭУавто» АЖни ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2002	2003	2004
Жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши	%	5,6	5,1	5,3
ишловчилар сони	киши.	7320	7092	7481
автомобиллар ишлаб чиқариш	минг дона	34,7	40,5	70,0
экспорт ҳажми	минг.долл.	67588,4	91242	193612
импорт ҳажми	минг.долл.	219686	175800	287978
хом-ашё	минг.долл.	177088	175642	287806
ускуналар	минг.долл.	42599	158,0	172,0


Манба: ЎзР Давлат статистика кўмитаси ва "ЎзАвтосаноат" ассоциацияси маълумотлари бўйича СИСМнинг ҳисоб-китоблари.

Автобуслар ва юк машиналари ишлаб чиқариш "СамКочавто" ҚҚсида амалга оширилмоқда ва унинг улуши тармоқ маҳсулот ишлаб чиқаришида 2,0%га яқинини ташкил этади. Автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми ҳозирда анча кам бўлиб, бироқ корхона ўзининг технологик салоҳиятидан ташқи инвесторлар манфаатларини ошириш учун ишлаб чиқаришни такомиллаштиришни ривожлантирмоқда.

2002-2004 йилларда юк автомобиллари ва автобуслари ишлаб чиқаришни пасайиши таннархини моддий қисмини 90%ини ташкил этадиган импорт жамловчи қисмлар билан таъминлашда узилишларнинг содир бўлиши билан боғлиқ. Бу эса баҳо омили бўйича автомобилларни норақобатбардош бўлишига олиб келмоқда.

Узоқ хориж бозорларига энгил автомобилларни экспорти секин асталик билан кўпаймоқда, бироқ ҳали ҳануз умумий экспорт ҳажмида уларнинг улуши жуда пастдир (0,2%). Уларни экспорт қилиш асосан яқин хориж бозорларига амалга оширилмоқда. 2004 йилда экспортга 35,7 минг энгил автомобил жўнатилган бўлиб, улардан янги инновация турлари улушига 35% тўғри келди. 2001 -2004 йилларда тармоқ экспортга ихтисослашуви коэффиценти янги автомобиллар моделларини ишлаб чиқаришни кўпайиши натижасида икки мартабага ўсган (2-жадвал).

1 - чизма. 2000-2004 йилларда Автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш (дона)



4 <http://www.abiz.ru>

2 – жадвал. Автомобилсозликнинг экспортга ихтисослашганлик коэффициенти

тармоқ	Экспортдаги улуши (Дэ), %				Жами sanoat маҳсулотларидаги улуши (Дпп), %				экспортга ихтисослашганлик коэффициенти, (Кэ)			
	2001	2002	2003	2004	2001	2002	2003	2004	2001	2002	2003	2004
автомобилсозлик	2,0	2,3	2,5	3,9	5,5	5,6	5,1	5,3	0,36	0,41	0,49	0,73

Изоҳ: экспортга ихтисослашув коэффициенти (Кэ) тармоқни экспортдаги улушини sanoat ишлаб чиқариши ҳажми улушига нисбати бўйича аниқланган

$Kэ = \frac{Дэ}{Д.п.п}$ Агар $Kэ \geq 1$, унда тармоқ юқори экспортга ихтисослашувга эга, ташқи бозорда барқарорликка эга; Агар $Kэ < 1$, унда тармоқ паст экспортга ихтисослашув ва ташқи бозорда нобарқарорликка эга;

Бироқ тармоқда қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Маҳсулотнинг юқори ишлаб чиқариш таннархи, 2003-2004 йилларда импортни ташкил этувчиларга баҳоларни ўсиши ҳисобига 46%га яқин ошган, маҳсулотни сотишни ва ишлаб чиқаришни умумий рентабеллигини пастлиги ҳам ишлаб чиқаришни рақобатбардош эмаслигидан далолат беради ва замонавий технологиялар. Материаллар ва бутловчилардан кенг фойдаланиш, харажатларни қисқартириш ва замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда автомобилларни рақобатбардош нусхаларини яратиш асосида ишлаб чиқаришни доимий такомиллаштиришни тақозо этади. Ушбу муаммоларни ҳал этилмаса маҳаллий автомобилсозлик ЖСТига киришдан маълум йўқотишлар кўради.

Зарар миқёси киришга тайёргарлик даврида ҳимоя шароитларини ЖСТига қўшилиш шароитларидан ва тармоқни давлат томонидан тартибга солишдан, яъни тариф, баҳолар, инвестиция сиёсати ва бошқа чораларни ўзгартиришга боғлиқ бўлади.

Агар юқорида номлари тилга олинган чоралар ишлаб чиқилмаса ва амлга оширилмаса, фақат “очиқ” савдо шароитида автомобилларга бож тўловлари пасайиши натижасида маҳаллий автомобиллар ишлаб чиқариш динамикасида кескин ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Хусусан улар салбий ички тармоқ омиллари натижасида сезиларли бўлади: моддий ва молиявий маблағларни чекланганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни юқори таннархи ва баҳо рақобатбардошлигини пастлиги; ишлаб чиқариш қувватларидан паст даражада фойдаланиш; чет элдан келтириладиган бутловчи қисмларни молиялаштиришдаги ушланишлар; малакали мутахассисларни етишмаслиги кабилар.


Ўзбекистонни ЖСТига киришида тармоқ учун оқибатлари ички ва ташқи бозорда талабга эга бўлган кондинционерли GLE Нексия енгил автомобили ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш харажатларига солиқ, бож ва бошқа имтиёзларни таъсири омиллари орқали эксперт баҳолаш амалга оширилди. Бунда ҳозирги вақтда нолинчи ўртача бож тўловида тайёр маҳсулот таннархида импорт маҳсулотлари улуши 60%га тенглиги ҳисобга олинган. Ишлаб чиқаришни зарур ҳажмини ўзгариши очиқ савдо шароитида ишлаб чиқариш ҳажми, ҳозирги шароитда шаклланган ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотга талаб коэффициенти пасайишини ҳисобга олган ҳолда аниқланган. Базавий кўриниш сифатида товар ишлаб чиқаришга бож ва бошқа имтиёзларни ҳисобга олган ва ушбу имтиёзларни ҳисобга олмаган харажатлар олинган.

“ЎзДЭУавто” ҚК автомобиллар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ускуналар ва бутловчи қисмлар импортига барча божлар ва солиқлар учун тўловлардан озод этилган. Барча бож ва алоҳида имтиёзларини ҳисобга олганда кондинционерли GLE Нексия автомобили қиймати 9,0 минг АҚШ доларига яқинни ташкил этади. Дастлабки баҳолаш кўрсатишча ЖСТга талабини ҳисобга олганда автомобил таннархи солиқ, бож ва бошқа имтиёзларни ҳисобламаганда 90%га ошиши мумкин, натижада эса автомобиллар ишлаб чиқариш 25%га яқин камаяди.

Шундай қилиб ЖСТига киришда миллий автомобилсозликни қуйидаги асосий хатарлар кутмоқда:

- ишлаб чиқариш даражасини технологик чекланганлиги (ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни пастлиги, жаҳон бозорида маҳсулотларни етарли даражада рақобатбардош эмаслиги) ва малакали мутахассислар етишмаслиги натижасида пасайиши;
- экспортнинг камайиши ёки тугатилиши;
- маҳаллий бозорларни импорт автомобиллари, шу жумладан, бошқа мамлакатлардан келтирилган фойдаланилган хориж автомобиллари учун очиқлиги.

Чизма – 2. Автомобил ишлаб чиқаришга харажатларнинг ўсиши (Нексия (кондинционер билан GLE))



Бундай шароитда тармоқни ривожлантиришни асосий стратегияси ривожланишни инновация жараёнига ўтишга, жаҳон автомобилсозлик тизими интеграциясига, қайта ўзгартириш ва тўғридан-тўғри хориж инвестициялари оқимини жадаллаштиришга йўналтирилмоғи лозим. Миллий автомобилсозлик стратегияси ишлаб чиқариш самардорлиги ва рақобатбардошлигини ўсиши талабни ошириш билан боғлиқ. Асосий ишлаб чиқариш омиллари самардорлигини ошириш (меҳнат ва капитал), ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, маҳсулот экспортини кўпайтириш, шу жумладан, автомобилларни янги моделларини кўпайтириш, импорт ўрнини қоплайдиган янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш бўйича турдош корхоналарни жадал ривожлантириш, иқтисодий ўсишни янги омил ва манбаларини фаоллаштириш бўйича тармоқни ўзини фаол ҳаракати зарур. Автомобилсозликни ривожланиш стратегияси маҳсулот ишлаб чиқаришни барқарор динамикаси (2004 йилда ўсиш суръатлари 134,5%) ва ишлаб чиқаришни умумий ҳажмида унинг экспортини ўсиши (52%) билан изолҳланади. Бироқ тармоқни саноат таркибидаги улуши юқори эмас (5,3%), лекин автомобиллар рақобатбардошлигини ошириш тармоқни бозор шароитларига мослашаётганлигидан далолат беради ва келажақда юқори рақобатбардош салоҳияти заҳирасига эга бўлиб, ҳозирнинг ўзида юқори меҳнат унумдорлиги билан ажралиб туради ва маҳсулотни экспорт қилишни оширишда реал имкониятларга эга.

Хулосалар. Давлат иқтисодий сиёсатини тизимлари чоралари ёрдамида миллий автомобилсозлик учун салбий оқибатларини максимал пасайтириш мумкин. Хитой тажрибаси кўрсатаётганидек, Ўзбекистонни ЖСТИга киришга тайёргарлик жараёнида давлат манфаатлари нуқтаи назаридан чораларни амалга оширишни ниҳоясига етказиш учун қонуний ва ҳуқуқий қарорларни қабул қилиш тамойиллари ва устивор йўналишлари аниқланган ҳамда ушбу халқаро ташкилотга қўшилиш муддатлари ҳисобланган бўлмоғи лозим.

Макродаражада ЖСТИга қўшилишга тайёргарлик даврида тармоқ учун асосий тартибга солувчи чоралар – ҳуқуқий меъёрий тизимини такомиллаштириш, савдо шароитини эркинлаштириш, иқтисодиётни катта очиқлиги, рақобат муҳитини ташкил этиш, экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари шароитини яхшилаш ва ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб қилишда инвестиция жозибадорлигини оширишдан иборат.

Автомобилсозликда бож-тариф бўйича тартибга солишни усул ва механизмлари уни самарали даражада ҳимоя қилишни ҳисобга олиниши нуқтаи назаридан амалга оширилмоғи лозим. Тариф таклифларини асосини маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар фикрлари, ассоциация ва корхоналарнинг ўзларини таклифларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган импорт бож тарифлари ставкалари ташкил этмоғи керак.

Ташқи инвесторлар манфаатларини оширишга шароит яратиш ва жаҳон автогигантлари билан қўшма корхоналар тузишга катта эътибор қаратилмоғи лозим.

Тармоқ учун маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишни жадаллаштириш, автомобилларга деталлар ва қўшимча қисмлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса Ўзбекистонда мавжуд маълум имкониятлардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий автомобилларни 50%га етказиш имкониятини беради. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш, бутловчилар базасини жаҳон даражасига етказиш ва ИТТКИдан келажаги бор ишланмаларни олишни яхшилаш лозим. Янги бутловчилар негизида хориж компаниялари билан ҳамкорликда автомобилларни янги тур ва моделларини ўзлаштириш ҳамда етишмайдиган бутловчи қисмларни олиб келишни йўлга қўйилмоғи лозим. Шунингдек, автомобилларнинг катта қисми арзон 5,0 – 7,0 минг АҚШ доллари атрофида бўлмоғи керак. Агар рақобатбардошли автомобиллар яратилмаса, бозорни очишда хориж автомобиллари баҳоси янги маҳаллий автомобиллар билан таққосланганда арзон бўлиши мумкин, бу инқирозга олиб келиши мумкин.

3. ТАЖРИБА ТАРИҚАСИДА ЯГОНА ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

РАМИЗ ГАРИПОВ
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Солиқ-бюджет сиёсати маркази

1999 йилда киритилган ягона ер солиғи ресурс солиқлари тоифасига киради. Ҳозирги вақтда давлат бюджети даромадини шакллантиришда ушбу солиқни улуши нисбатан юқори эмас. Бироқ, ресурс солиқларига мамлакатда мавжуд моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашни муҳим курали бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари ягона ер солиғи “интеграллашган” тоифа ҳисобланади (у қатор умумдавлат ва маҳаллий солиқларни ўрнини алмаштиради) ва шунинг учун унга нафақат ресурс солиқлари таснифи тааллуқли.

Вазирлар Маҳкамасининг 25.12.2003 йилдаги 567-сонли Қарорини 6 пунктга мувофиқ 2004 йил 1 январидан Самарқанд ва Тошкент вилоятлари қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун тажриба тариқасида ерларни меъёрий қийматига асосланган ягона ер солиғини ҳисоблашнинг қоидаси ўрнатилган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2004 йилдаги 610-сонли Қарори билан тажриба қоидаси 2005 йил 1 - январидан Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ҳам жорий этилди. Ушбу муносабат билан тажриба натижалари таҳлилини амалга ошириш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

1. Солиқ солишда адолатлилик

Жаҳон амалиётида солиқ солишда адолатлилик тушунчасига икки ёндашув ажралиб туради. Биринчидан даромад асосида, яъни, солиқ тўловчилар маълум бир неъматдан, солиқ солиш объектидан фойдаланганликлари учун оладиган даромадлари (бизнинг ҳолатда, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер майдонлари ҳисобланади). Иккинчидан, солиқ тўловчиларни солиқ юкини кўтаришлари қобилиятлари асосида.

Солиқ мажбуриятларининг нисбий тенглик мезони бевосита адолатлилик ғояси билан боғлиқ бўлиб, солиқлар аниқ акс этган ва жамият томонидан маъқулланган ёндашувларга мос тақсимлашни тақозо этади, шунингдек табақалаш мавжуд бўлмади. Мажбуриятларни нисбий тенглигига горизонтал ва вертикал тенглик ҳисобига эришилади. Горизонтал бўйича тенглик бир хил шароитга эга бўлган солиқ тўловчи шахслар ушбу шароитга қараб табақалаштирилади. Демак, гап горизонтал ва вертикал тенглик ҳақида борар экан, мутлоқ кўринишда миқдорий жиҳатдан бир-бирига тенг бўлмаганлиги учун барча жамият аъзоларига солиқ мажбуриятларини юклаш кўриб чиқиляётган тамойилга жавоб бермас эди. Шунинг учун ҳам адолатли жамиятни тасаввур қилишга мос, маълум бир шкалалар орқали аниқланадиган нисбий тенглик талаб этилади.

Шундай қилиб, ягона ер солиғини ҳисоблаш услубиётини ислоҳ қилишнинг мақсади адолатлилик тамойилини таъминлаш ҳисобланади. Бошқача айтганда, агар кадастр усулида ҳисоблаганда, ўрнатилган солиқ миқдорини ҳисоблаш қишлоқ хўжалиги ерлари (тупроқ)нинг турли сифат таснифларига боғлиқ бўлиб, бевосита ажратилган ер участкасида қандай экин етиштирилганига боғлиқ бўлмас эди. Меъёрий усул жорий этилганда эса, солиқ миқдорини ҳисоблаш қандай қишлоқ хўжалиги экинни етиштириляётганлигига (ўсимликчиликда) боғлиқ. Юқорида айтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, тўланаётган солиқ миқдори меъёрий усулда ҳисоблаганда у ёки бу қишлоқ хўжалик экиннинг даромадлигига (рентабеллигига) боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ерлари меъёрий қийматини аниқлашда қўлланиладиган услубиёт

Суғориладиган ерларни меъёрий баҳоларини ҳисоблаш. Суғориладиган ерларни меъёрий баҳосини аниқлашда қишлоқ хўжалиги экинлари ўсиши учун муҳим бўлган ернинг табиий ҳолатлари (тупроқ бонитировкаси) бўйича таққослама баҳолаш ва қиймат кўрсаткичи сифатида меъёрий соф даромад асос қилиб олинган. Бонитировкада тупроқнинг асосий хусусиятлари ва табиий шароити, тупроқнинг тури ёки турларининг бўлиниши, механик таркиби, суғоришнинг даври, термик ресурслар билан таъминланганлиги, тупроқ ҳосил қилувчилар, тупроқда дренажларни мавжудлиги, шўрланиш даражаси, емирилиши, тошлилик ва гипсллиги кабилар ҳисобга олинади. Юқори унумдорликка эга бўлган яхши тупроқлар энг юқори балли баҳо билан баҳоланади.

Турли сифатли ерларда вужудга келадиган 1 га суғориладиган қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган меъёрий соф даромад қуйидаги формула бўйича аниқланади:

Бу ерда: Дм – 1 га қишлоқ хўжалиги ерларидан олинадиган меъёрий соф даромад; МЯМм – 1 га қишлоқ хўжалиги ерларидан олинадиган меъёрий ялпи маҳсулот; ХФм – турли сифатли ерларда вужудга келадиган қишлоқ хўжалиги

$$Дм = \frac{МЯМм \cdot ХФм}{100}$$

ишлаб чиқаришини ҳисобланган фойдаси меъёри, фоизда

Меъерий соф даромад қишлоқ хўжалигини ихтисослашуви ва экин майдонлари таркибига кўра икки вариантнинг бири бўйича ҳисобланиши мумкин:

– етакчи экин бўйича;

– ушбу ерни баҳолаш объектида етиштирилаётган асосий экин турлари бўйича (хўжалик, туман, вилоят).

Етакчи экин тури бўйича меъерий ялпи маҳсулотни ҳисоблаш ушбу экинни ишлаб чиқаришда юқори ихтисослашув даражасига эга бўлган туманларда амалга оширилиш мумкин. Ихтисослашув даражаси етакчи экин турини товар маҳсулотига улуши билан аниқланади (60%дан кам бўлмаган). Етакчи экин тури бўйича 1 га ер бўйича аниқланган меъерий ялпи маҳсулот ушбу экин турининг ҳосилдорлигини кадастр бўйича баҳолашга (ц/га) ва унинг сотиш баҳосига тенг (сотиш, шартнома, бозор). Ялпи маҳсулотни меъерий ҳисоб-китоби асосий экин турларини муқобиллигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин:

– баҳоланаётган ер объекти, экин майдонлари таркиби ва ушбу экин турларига харид баҳолари бўйича;

– умумий экин майдонида ҳар бир экин тури баҳосини ҳисоблаш асосида.

Ҳисоб-китоблар қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$\frac{X \cdot P_1 + 3 \cdot P_2 + K \cdot P_3}{(X + 3 + K)}$$

бу ерда: X – пахта хом-ашёси маҳсулоти қиймати, 1 гадан; 3 – дон маҳсулотлари қиймати, 1 гадан; K – озуқа экинлари қиймати, 1 гадан; P₁, P₂, P₃ – экинларни улуши, %да.

Пахта – дон мажмуида ялпи маҳсулотни меъерий ҳисоблашни соддалаштириш учун пахта бўйича унинг кадастр объектини умумий экин таркибидаги улушидан келиб чиққан ҳолда маҳсус ҳисобланган ялпи маҳсулот қийматини ўзгариш коэффициентидан фойдаланиш мумкин.

1 - жадвал. Пахта бўйича ялпи маҳсулот қийматининг ўзгариш коэффициентлари

Жами ҳайдаладиган ерлар пахта экин майдонинг улуши	Жами ҳайдаладиган ерлар билан пахта хом-ашёси қийматидан ялпи маҳсулот қийматини тузатиш коэффициенти
K1 30%	0,526
K2 40%	0,594
K3 50%	0,661
K4 60%	0,729
K5 70%	0,797

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдани ҳисоблаш меъёри турли сифатли ерларни ҳисоб-китоб қилиш йўли билан ялпи маҳсулотнинг қийматига нисбатан фоизда ўрнатилади ва 2 жадвалда келтирилмоқда.

2- жадвал. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдани ҳисоблаш меъёри

Балл бонитети	Фойда меъёри %да	Балл бонитети	Фойда меъёри %да
10	-	60	18
20	6	70	21
30	9	80	24
40	12	90	27
50	15	100	30

1 га ернинг меъерий баҳоси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Ц_n = \frac{Д_n \cdot K_1}{П} \cdot 100$$


бу ерда: Ц_n - 1 га суғориладиган ернинг меъерий баҳоси; Д_n - 1 га суғориладиган ердан олинган меъерий соф даромад; П – капиталга банк фоизли ссудаси; K₁ - хўжалик юритиш даражаси ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги даражасини ҳисобга олувчи коэффициент.

Асосий капиталга банк фоизи ссудаси молиялаштираётган банкни қайта молиялашни ўртача ставкаси бўйича қабул қилинган.

Ягона ер солиғини ҳисоблашнинг кадастр ва меъерий усуллари бўйича таққослама таҳлили 1 ва 2 диаграммаларда Самарқанд ва Тошкент вилоятларида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ихтисослашуви бўйича ягона ер солиғини тўловчилари ўртасида қишлоқ хўжалиги


экинлари майдони тақсимланиши ва пул миқдори улуши келтирилган. Диаграмма 2003 йилда ягона ер солиғини тушумлари маълумотлари бўйича ва 2004 йилда 1,5 марта индексация қилиш шароитидан келиб чиққан ҳолда тузилган. Бунда диаграммаларда кадастр ва меъёрий усулларда ҳисобланган ягона ер солиғини башорат қилинаётган миқдорлари таққосланади. Амалга оширилган ҳисоб-китобларга мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган тузатиш коэффициентлари сезиларли таъсир кўрсатди (пахта, дон ва қоракўл ишлаб чиқарувчилар учун коэффициент 0,5). Ҳозирги вақтда ушбу тузатиш коэффициентларидан ягона ер солиғини ҳисоблашда фойдаланилмайди.

1- диаграмма. Кадастр ва меъёрий усул бўйича ягона ер солиғини тўлашда фойдаланилаётган ерларда қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини улуши (Самарқанд вилояти)



1 диаграммадан кўриниб турибдики (Самарақанд вилояти) пахта ва дон экинлари ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи миқдори меъёрий қиймат бўйича ҳисобланганда 69%дан 59,5%га кескин қисқарди, шунингдек, тамакини ишлаб чиқарувчилар учун эса 13%дан 10,6%гача. Бошқа барча ихтисослашувлар бўйича солиқни меъёрий усул бўйича ҳисоблашга ўтилганда вилоятда тўланадиган ягона ер солиғидаги улушни кўпайиши кузатилган.

2 - диаграмма. Кадастр ва меъёрий усул бўйича ягона ер солиғини тўлашда фойдаланилаётган ерларда қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини улуши (Тошкент вилояти)



Тошкент вилоятида ягона ер солиғи бўйича тўланадиган улушини қайта тақсимланиши бир мунча фарқ қилади (2 – диаграммага қаранг). Бу ерда ҳам Самарқанд вилоятидагидек пахта ва дон экинлари ишлаб чиқарувчиларига тўғри келадиган солиқ улуши 78,9%дан 69,2%гача кескин қисқарган. Бироқ, Самарқанд вилоятида қайта тақсимланиши нисбатан тенг амалга оширилди қва тамакичиликни ҳисобга олмаганда бошқа барча маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг улуши ортди. Тошкент вилоятида эса пахта ва дон экинлари ишлаб чиқарувчилари бўйича тўланадиган солиқ улушини қисқариши асосан мева ишлаб чиқарувчилари улушини 16,2%дан (кадастр улуши бўйича) 26,1%гача (меъёрий усул бўйича) кўпайиши ҳисобидан содир бўлди. Пахта ва дон ишлаб чиқарувчилар улуши мос

равишда 78,9%дан 69,2%гача қисқарди. Шуни таъкидлаш жоизки, Тошкент вилоятида бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ягона ер солиғи бўйича тўланадиган улуши миқдори ўзгармади.

Шундай қилиб 1 ва 2 диаграммалар ва уларнинг жадваллари маълумотлари таҳлилидан қуйидагича хулосалар қилиш мумкин. Ягона ер солиғини ҳисоблашни янги усулини жорий этиш, башорат маълумотларига кўра пахта ва ғалла экинлари етиштириш билан шуғулланаётган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини солиқлар бўйича умумий тўланадиган миқдорини улушини кескин қисқаришига олиб келади. Самарқанд вилоятида кадастр бўйича ҳисоблашни меъёрий усул бўйича ҳисоблашни солиштирганда уларнинг улуши 9,5%га, Тошкент вилоятида эса 9,7%га қисқарган. Амалга оширилган тажрибани мақсади солиқ солишда адолатлиликка эришиш эканлигидан келиб чиққан ҳолда ушбу мақсадга қисман бўлсада эришилганлигини таъкидлаш жоиз. Бу ҳақда гапиришга ягона ер солиғи бўйича тўловлар миқдорини бир қисмини пахта ва дон ишлаб чиқарувчилар томонидан бошқа экин турлари бўйича ишлаб чиқарувларга ўтганлиги асос бўлади.

Тадқиқотчилар нуқтаи назаридан салбий ҳолат бўлиб Тошкент вилоятида башорат кўрсаткичлари маълумотлари бўйича ягона ер солиғини меъёрий усулдан фойдаланилган ҳолда ҳисобланганда солиқ тўловларини бир қисми пахта ва ғалла етиштирувчилардан сабзавот ишлаб чиқарувчилар зиммасига тўлиқ ўтади. Бунда Тошкент вилоятида меъёрий усулни киритганда бошқа маҳсулот ишлаб чиқарувчилар тўлайдиган солиқ улуши ўзгармайди.

Қуйида келтирилган 3 – жадвалда ягона ер солиғини республика бўйича тўлиқ ва учта тажриба ҳудудлари бўйича ҳисобланган ва келиб тушган миқдори ҳақида маълумотлар ўз аксини топган. Базавий даража (100%) этиб тажриба тартиби қўлланилмаган 2003 йил даражаси олинган. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки. Сурхондарё вилоятида тажриба тартиби 2005 йилдан киритилган бўлса, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида ушбу тартиб 2004 йил 1 – январидан амал қилмоқда.

3 – жадвал. Ягона ер солиғи динамикаси

Вилоятлар	2003 (база)	2004 (базага нисбатан %да)	2005 йил башорат (базага нисбатан %да)
Тошкент			
ҳисобланган	100,0	136,3	177,1
келиб тушган	100,0	125,2	
йиғилиш даражаси	90,4	83,0	-7,3
Самарқанд			
ҳисобланган	100,0	190,7	247,9
келиб тушган	100,0	197,4	
йиғилиш даражаси	74,5	77,2	2,6
Сурхондарё			
ҳисобланган	100,0	128,1	166,6
келиб тушган	100,0	120,2	
йиғилиш даражаси	88,1	82,7	-5,5
Республика бўйича жами			
ҳисобланган	100,0	126,6	164,5
келиб тушган	100,0	118,3	
йиғилиш даражаси	80,3	67,0	-13,3

5 жадвалда келтирилган маълумотлар ягона ер солиғини ҳисоблашни кескин ошганлиги ва ушбу солиқни йиғиб олиш кўрсаткичларини сезиларли қисқарганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлар қисмини шакллантириш учун ягона ер солиғини ҳисоблашни меъёрий усулини жорий қилишнинг аҳамияти.

Юқорида таъкидланганидек ер солиғи таркибига кирадиган ресурслардан олинадиган солиқлар улуши давлат бюджети жаромадлари қисмини шаклланишида катта эмас. Ушбу тоифадаги солиқлар мамлакатда мавжуд ер ресурслардан унумли фойдаланишни таъминлашнинг муҳим қуроли бўлиб хизмат қилади.

Жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан ундириладиган ер солиғи 2003 йилда Давлат бюджети барча даромадининг 19%ини ва маҳаллий бюджетлар даромадининг 3,6%ини ташкил этди. Ягона ер солиғи мос равишда 0,6% ва 1,1%дан иборат бўлди. Таъкидлаш жоизки, жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан олинадиган ер солиғи таркибида ягона ер солиғининг роли ошиб бормоқда. Агар 2002 йилда ер солиқлари тоифасида унинг улуши 28,4%ни ташкил этган бўлса, 2003 йилда давлат бюджети

бажарилиши бўйича ягона ер солиғини улуши 2,9 фоиз пунктга ошган ва 31,3%ни ташкил этган. Тажриба амалга оширилаётган вилоятларда амал қилаётган вақтинчалик тартибни сақланиб туриши ва келажақда ягона ер солиғини меъёрий усулда ҳисоблашни республиканинг бошқа ҳудудларига жорий этилиши ягона ер солиғини ролини кескин оширади.

Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ягона ер солиғини тўлаш бўйича тажрибани икки йиллик кўриб чиқилган таҳлили шундан далолат берадики, тўлаш тартиби ўрнатилган йўриқномага биноан тўлаш нисбатан бир текисда амалга оширилди ва ўрнатилган минимал чегаралари мос келмаслиги ёки ундан юқори бўлиши паст даражада кузатилди. 6 жадвалда Тошкент ва Самарқанд вилоятлари бўйича ягона ер солиғи миқдорини таққослама таҳлили келтирилган. Жадвалда 2004 йил шароитида кадастр бўйича ҳисобланган солиқ миқдорини (1,5 марта индексация қилишни ҳисоби билан) 2003 йилда ягона ер солиғини ҳисоблаш маълумотлари асосида ва қишлоқ хўжалиги экинлари қийматини меъёрий асосда бир хил шароитда ҳисобланган ягона ер солиғини суммаси билан таққослангани келтирилади (2% ставка бўйича).

Икки усулда ҳисоблашни таққослама таҳлили кўрсатишича, Самарқанд вилоятида меъёрий усул бўйича ҳисоблаганда ягона ер солиғи тўлаш бўйича кадастр усули билан таққослаганда 8281340 сўмга ошади (ёки 2,9 марта); Тошкент вилояти бўйича эса 6991374 сўм (ёки 2,5 марта). Умуман, тажриба ўтказилган иккала вилоят бўйича бюджетга ягона ер солиғи бўйича тўланадиган миқдор меъёрий усул бўйича ҳисоблаш жорий этилганда кадастр усули бўйича ҳисоблаш билан таққослаганда 15272713 сўмга ёки 2,7 мартага ўсади.

Таҳкидлаш жоизки Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ҳисобланган солиқ миқдори кўпайиши асосан прахта ва дон ишлаб чиқарувчилари тўлайдиган солиқларни миқдори кўпайиши ҳисобидан содир бўлмоқда (Самарқанд вилоятида 4518586 сўм, Тошкент вилоятида 4377715 сўмга). Бунда Самарқанд вилоятида марта кўринишида биринчи ўринда тўлаш миқдорини ошиши бўйича қорақўлчилик туради. Ушбу соҳа ишлаб чиқарувчилари меъёрий усул бўйича амалга оширилган ҳисобларга биноан кадастр усулидан фарқли ўлароқ 8,8 марта кўп, сабзавот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан 5,41 марта ва чорвадорларга нисбатан 4,18 мартага кўп солиқ тўлайдилар.

Тошкент вилоятида меъёрий усул бўйича ҳисоблаганда ягона ер солиғи миқдори ўсиши бошқа ишлаб чиқарувчилари учун (пахта донни ҳам қўшганда) 2 – 2,1 марта атрофида бўлган бўлса сабзавот ишлаб чиқарувчилари учун 4 мартага ошган.

Амалга оширилган таҳлиллар натижаси шуни таъкидлашга имкон берадики, яъни, ўтказилаётган тажриба ва ягона ер солиғини меъёрий усулда ҳисоблашни жорий этилиши ягона ер солиғи бўйича давлат бюджетига тушувчи миқдорни оширишга қаратилган яққол намоён бўладиган фискал хусусиятга эга (ҳисоб-китоблар бўйича 15 млрд.сўм атрофида). Бунда адолатлиликни ошишини ижобий самараси солиқ юкини кўпайишини салбий самараси билан тўлиқ ёпилади.

Бунда ягона ер солиғини ресурс солиқларига тааллуқли эканлиги ресурс сифатида ерга талабни эластик эмаслиги натижасида қисқа муддатли даврда солиқ бўйича ставкалар ёки қайд этилган солиқларнинг оширилиши ижара шартномаларини бекор қилишга эмас, балки бюджетга тўланадиган миқдорини ошишига олиб келишини инobatга олмоқ лозим. Бироқ бундай чоралар қишлоқ хўжалиги тармоғи, шунингдек, алоҳида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини иқтисодий ривожланишида кескин акс этиши мумкин.

6 - жадвал. Тошкент ва Самарқанда вилоятлари бўйича ягона ер солиғи миқдорини таққослама таҳлили

иҳтисослашганлиги	майдони, га	кадастр бўйича солиқ суммаси			2004 йилдаги солиқ суммаси			ўзгариши	
		2003 йил	2004 йилда (1,5 марта индексация билан)	1 гага солиқ суммаси	қишлоқ хўжалик ерларининг меъёрий қиймати	2% ставкали солиқ қиймати	1 гага солиқ қиймати	мутлоқ (6-3)	нисбий (март) (6/3)
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9
Самарқанд вилояти									
пахта-дон	697 320	2000414	3 000 621	4,3	375 960 366	7519207	10,8	4518586	2,51
сабзавотчилик	46050	140 550	210 825	4,6	57 004 903	1 140 098	24,8	929 273	5,41
кўп йиллик экинлар	47932	187768	281 652	5,9	43 038 971	860 779	18,0	579 127	3,06
чорвачилик	115884	64369	96554	0,8	20 162 051	403 241	3,5	306 688	4,18
қорақўлчилик	139 886	62047	93071	0,7	40 948 596	818972	5,9	725 901	8,80
тамакичилик	59515	373 283	559 925	9,4	66 760 257	1 335 205	22,4	775281	2,38
бошқалар	23380	77469	116204	5,0	28 134 349	562 687	24,1	446483	4,84
вилоят бўйича жами	1 129 967	2 905 900	4 358 850	3,9	632 009 493	12 640 190	11,2	8 281 340	2,90
Тошкент вилояти									
чорвачилик	36002	29544	44316	1,2	5451923	109 038	3,0	64722	2,5
сабзавотчилик	226 946	510738	766 107	3,4	152 778 937	3 055 579	13,5	2 289 472	4,0
кўп йиллик экинлар	208 482	72422	108 633	0,5	13 748 928	274 979	1,3	166 346	2,5
паррандачилик	524	5746	8619	16,4	988 262	19765	37,7	11 146	2,3
бошқалар	21762	45605	68408	3,1	7518983	150 380	6,9	81972	2,2
пахта-дон	522 992	2 479 624	3719436	7,1	404 857 568	8097151	15,5	4377715	2,2
вилоят бўйича жами	1 016 708	3 143 679	4 715 519	4,6	585344601	11 706 892	11,5	6 991 374	2,5
Икала вилоят бўйича жами	2 146 675	6 049 579	9074369	4,2	1 217 354 094	24 347 082	11,3	15 272 713	2,7

Хулоса

Ягона ер солиғини ҳисоблаш усулларини таққослама таҳлилларини кўрсатишича (кадастр ва меъёрий қиймат бўйича) солиқ солишда адолатлиликни таъминлаш бўйича қўйилган мақсадга тўлиқ эришилмайди. Масалан, Тошкент вилоятида амалга оширилган ҳисоб-китоблар бўйича пахта ва дон ишлаб чиқарувчилар тўлайдиган миқдорни улуши сабзавот ишлаб чиқарувчилар томонга ўтганлиги ҳолда, бошқа ишлаб чиқарувчилар улуши ўзгармай қолмоқда. Шу муносабат билан адолатли тақсимлашга йўналтирилган тузатиш коэффициентлари ишлаб чиқиш ва қўллаш мақсадга мувофиқ.

Амалга оширилган ҳисоб-китобларга мувофиқ мавжуд ҳолатда Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги тажриба фискал хусусиятга эга. Пахта ва дон (солиқ солиш бўйича мўлжалланаётган ислохот манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган) ишлаб чиқарувчилари ва бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг тўлайдиган солиқни абсолют имқдори кўпаймоқда. Бу тажриба ўтказилаётган вилоятлар бўйича Давлат бюджетига ягона ер солиғи бўйича тўловлар, ҳисоб-китобларга кўра 2,7 марта ошади.

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ягона ер солиғини тўлаш тартиби ва муддатлари тўғридан-тўғри давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинadиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб китобларни амалга оширувчи фонд томонидан ажратиладиган бўнак тўловлари (траншлар)нинг келиб тушиш муддатларига боғлиқ эканлиги яққол намоён бўлади. Натижада ягона ер солиғини тўлаш биринчи муддати бўйича амалга оширилган тажриба натижалари таҳлили қийин кечди. Шу жумладан ушбу сабаб бўйича ҳам ягона ер солиғини тўлаш тартиби ва муддатларига риоя қилинмаяпти. Буни ишда амалга оширилган 2002-2003 йилдаги тушумлар таҳлили ҳам тасдиқлайди. Бундай ҳолат солиқ маъмурчилиги ва тушумларни башорат қилишни кескин қийинлаштиради.